

Книга 3

**ЎЗБЕКИСТОН**  
**РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК**  
**ТУҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**

**З**АКОНОДАТЕЛСТВО  
**О** ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВЕ  
**В** РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН



БИБЛИОТЕКА БУХГАЛТЕРА  
**7**



НАЛОГОВЫЕ И  
ТАМОЖЕННЫЕ ВЕСТИ

65.9(59)-1

33C

У 32

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ТАДБИРКОРЛИК  
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИ**

*(Уч китобдан иборат  
меъерий ҳужжатлар тўплами)*

**III китоб**

“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи

Тошкент - 1999

308 001



65.9(5У)-1  
У-32

Тузувчи Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист **С.П. Сизиков**

Менежер **Б.С. Муслимов**

**У-32** Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик  
тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: (Меъёрий ҳужжат-  
лар тўплами): III китоб. (Тузувчи: С.П.Сизиков)-Т.:  
«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999. - 416 б. (Ўзбе-  
кистонда иқтисодий ислохотлар).

“Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари” тўплами таркибига 1998 йилга келиб амалда бўлган, тадбиркорликнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини, ўзгариш ва тўлдиришларни ҳисобга олган ҳолда мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарни яратиш, рўйхатга олиш, уларнинг иш юритиши ҳамда тугатилишини мувофиқлаштирувчи норматив ҳужжатлар киритилган.

Тўплам иқтисодиёт ва адлия соҳаларининг мутахассислари учун мўлжалланган.

**ББК 65.9(5У)-1**

© “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1999

## МУНДАРИЖА

### **VII боб. Интеллектуал мулк. Уни баҳолаш тартиби**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган 1995 йил 21 декабрь N 163-1 ва 1996 йил 29 август N 256-1 [Кўчирма] .....	9
Ўзбекистон Республикаси “Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги Қонуни 1993 йил 7 май .....	14
Ўзбекистон Республикаси “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақида”ги Қонуни 1994 йил 6 май .....	31
Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни 1994 йил 6 май .....	57
Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг устав фондидаги улуш сифатида киритиладиган ақлий мулкни баҳолаш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг фармойиши билан тасдиқланган 1996 йил 14 август N 194 .....	66

### **VIII боб. Маҳсулот ва хизматлар сифати. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Монополистик фаолиятни чеклаш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида”ги Қонуни 1993 йил 28 декабрь N 1006-XII .....	83
Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуни 1993 йил 28 декабрь N 1002-XII .....	94
Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги Қонуни 1993 йил 28 декабрь N 1004-XII .....	103



Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 26 апрель .....	111
Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 27 декабрь .....	131

### **IX боб. Корхоналар жавобгарлиги**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган 1994 йил 22 сентябрь [Кўчирма] .....	153
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган 1994 йил 22 сентябрь N 2012-XII [Кўчирма] .....	157
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган 1995 йил 21 декабрь N 163-1 ва 1996 йил 29 август N 256-1 [Кўчирма] .....	162
Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган 1997 йил 24 апрель [Кўчирма] .....	164
Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни 1991 йил 15 февраль N 207-XII [Кўчирма] .....	169
Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 1993 йил 7 май N 848-XII [Кўчирма] .....	170
Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни 1993 йил 2 сентябрь N 920-XII [Кўчирма] .....	171

### **X боб. Ташкил этилаётган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган 1995 йил 21 декабрь N 163-1 ва 1996 йил 29 август N 256-1 [Кўчирма] .....	175
--	-----

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонуни 1991 йил 15 февраль [Кўчирма] .....	176
Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни 1995 йил 21 декабрь [Кўчирма] ....	178
Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 30 август [Кўчирма] .....	179
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори 1991 йил 12 июнь N 159 [Кўчирма] .....	180
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори 1994 йил 22 март N 153 .....	183
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида”ги Қарори 1997 йил 2 июль N 336 [Кўчирма] .....	188
Тошкент шаҳар Ҳокимининг “”Тошкент шаҳри корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига фирмали ном белгилаб бериш тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори 1996 йил 30 декабрь [Кўчирма] N 417 .....	196

## **XI боб. Корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатиш**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган 1995 йил 21 декабрь N 163-1 ва 1996 йил 29 август N 256-1 [Кўчирма] .....	203
Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонуни 1991 йил 15 февраль [Кўчирма] .....	209

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
“Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар  
иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат  
рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида”ги  
Қарори 1997 йил 2 июль N 336 [Кўчирма] .....

**VII БОБ.**  
**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК,**  
**УНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН

1995 йил 21 декабрь N 163-1

1996 йил 29 август N 256-1

*(Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 27 декабрдаги 357-1, 1997 йил 30 августдаги 485-1, 1998 йил 1 майдаги қонунларига биноан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)*

[Кўчирма]

### IV бўлим. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

#### 59-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1031-модда.** Интеллектуал мулк объектлари

Интеллектуал мулк объектлари жумласига қуйидагилар киради:

- 1) интеллектуал фаолият натижалари:  
фан, адабиёт ва санъат асарлари;  
эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшиттиришлари;  
электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;  
ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;  
селекция ютуқлари;  
ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);
- 2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:
  - фирма номлари;  
товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);  
товарлар чиқарилган жой номи;
- 3) ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

**1032-модда.** Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш уларнинг яратилганлиги туфайли ёхуд ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколат берилган давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза берилиши натижасида юзага келади.

Ошкор этилмаган ахборотга ҳуқуқий муҳофаза бериш шартлари қонун билан белгиланади.

**1033-модда.** Интеллектуал мулк объектларига шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлар

Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқларга эга бўладилар.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкый ҳуқуқларидан қатъи назар тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкый ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтган тақдирда унинг ўзида сақланиб қолади.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар (бундан буён матнда - хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар)га нисбатан ҳуқуқ эгаларига бу воситалар борасида мулкый ҳуқуқлар тегишли бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи) шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди ва берилмайди.

Агар натижа икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, улар ҳаммуаллифлар ҳисобланадилар. Интеллектуал мулкнинг айрим объектларига нисбатан қонунда асарнинг тўлалигича ҳаммуаллифлари деб ҳисобланадиган шахслар доираси чеклаб қўйилиши мумкин.

**1034-модда.** Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкый ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билан йўл қўйилади.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли ва, агар бу ушбу Кодекс ва бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларнинг бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклашга, шу жумладан интеллектуал мулк объектдан бошқа шахслар фойдаланишига имконият бериш йўли билан чеклашга, бу ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топишга ва уларни тугатишга (бекор қилишга) ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда, доираларда ва тартибда йўл қўйилади.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклашга бундай чеклаш интеллектуал мулк объектдан нормал фойдаланишга зарар етказмаган ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини камситмаган тақдирда йўл қўйилади.

### **1035-модда.** Мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулк ҳуқуқлар, агар ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс - ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Мулк ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши муаллифлик ҳуқуқининг ва бошқа бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган мутлақ ҳуқуқларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартнома бўйича ўтказиладиган мутлақ ҳуқуқлар унда аниқлаб қўйилиши лозим. Шартномада бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқ сифатида кўрсатилмаган ҳуқуқлар, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Мутлақ ҳуқуқни унинг амал қилиш даврида чекланган вақтда бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

### **1036-модда.** Лицензия шартномаси

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага



нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсатнома беради.

Лицензия шартномаси бериладиган ҳуқуқларни, фойдаланиш чегаралари ва муддатларини аниқлаши лозим.

Лицензия шартномаси пуллик ҳисобланади.

Лицензия шартномаси лицензиатга қуйидагиларни беришни назарда тутиши мумкин:

1 интеллектуал мулк объектидан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий номутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

интеллектуал мулк объектидан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда, бироқ бошқа шахсларга лицензияни бериш ҳуқуқисиз (мутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

қонунда йўл қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни.

Агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензия оддий (номутлақ) деб ҳисобланади.

Лицензияни олувчи томонидан интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензияни олувчи фақат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тузишга ҳақли.

Қўшимча лицензиатнинг ҳаракатлари учун, агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади.

**1037-модда.** Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома

Муаллиф интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича келгусида асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини яратиш ва ўзининг иш берувчиси бўлмаган буюртмачига бу натижадан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартнома яратилиши лозим бўлган интеллектуал фаолият натижасининг хусусиятини, шунингдек ундан фойдаланиш мақсадлари ёхуд усулларини белгилаши лозим.

Муаллиф зиммасига ушбу муаллиф келгусида яратадиган ҳар қандай интеллектуал фаолият натижаларида фойдаланиш

учун мутлақ ҳуқуқларни бирорта шахсга бериш мажбуриятини юклайдиган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартноманинг муаллифнинг келгусида муайян турдаги ёхуд муайян соҳадаги интеллектуал фаолият натижаларини яратишини чеклайдиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

#### **1038-модда.** Мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуқ бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар мавжуд бўлади.

#### **1039-модда.** Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган муддат мобайнида амал қилади.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар муддатсиз амал қилади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиши ундан муайян вақт мобайнида фойдаланилмаслиги оқибатида бекор қилиниши мумкин.

#### **1040-модда.** Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади. Мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шунингдек:

мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш орқали;

йўл қўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали;

қонунда назарда тутилган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларини ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

# МАҲСУЛОТ БЕЛГИЛАРИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕЛГИЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

1993 йил 7 май

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасида маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари билан ишлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ҳамда тартибини белгилаб беради.

## 1 боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.** Қонун билан тартибга солинадиган муносабатлар

Ўзбекистон Республикасида маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси Қонунлари билан ҳам тартибга солиб борилади.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (матнда бундан кейин "Патент идораси" деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини муҳофаза этиш соҳасида давлатнинг ягона сиёсатини амалга оширад.

Патент идораси маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатга олиш тўғрисидаги талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар бўйича экспертиза ўтказди, уларни давлат рўйхатидан ўтказди, гувоҳномалар беради, давлат реестрларини юритади, расмий маълумотларни эълон қилади, ушбу қонуннинг қўлланишига оид тушунтиришларни чоп этади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

2. Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик амаллар учун патент идораси томонидан олинадиган патент божи, давлат бюджети маблағи, шунингдек патент идораси томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва бериладиган материаллар учун олинадиган ҳақ патент идорасининг фаолиятини маблағлар билан таъминлашнинг манбаи ҳисобланади.

**3-модда.** Маҳсулот белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва жамоа белгисини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш.

1. Ўзбекистон Республикасида маҳсулот белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва жамоа белгисини (матнда бундан кейин "Маҳсулот белгиси" деб юритилади) ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш улар давлат рўйхатидан ўтганлиги ва ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома берилганлигига асосан таъминланади.

2. Маҳсулот белгисига оид ҳуқуқ қонун муҳофазасидадир.

3. Хўжалик-тижорат фаолияти билан шуғулланаётган ҳамда маҳсулот муомаласида қатнашаётган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсга маҳсулот белгисини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш топширилиши мумкин.

## **II БОБ. МАҲСУЛОТ БЕЛГИСИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕЛГИСИ ВА ЖАМОА БЕЛГИСИНING МУҲОФАЗАГА ЛАЁҚАТЛИЛИК ШАРТЛАРИ**

**4-модда.** Маҳсулот белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва жамоа белгиси

1. Маҳсулот белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси - бу бир жисмоний ёки юридик шахснинг маҳсулотлари ва хизматларини ўзга юридик ёки жисмоний шахсларнинг бир турдаги маҳсулотлари ва хизматларидан (матнда бундан кейин "маҳсулотлар" деб юритилади) фарқлаш учун хизмат қиладиган белгидир.

2. Хўжалик ассоциацияси ёки корхоналарнинг бошқа шаклдаги ихтиёрий бирлашмаси (матнда бундан кейин "бирлашма" деб юритилади) томонидан ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган ягона сифат кўрсаткичи ёки ўзгача умумий хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларни белгилаб қўйишга мўлжалланган маҳсулот белгиси жамоа белгиси ҳисобланади.

3. Маҳсулот белгиси сифатида сўзлар, тасвирлар, қабарик ва бошқа белгилар, ёки уларни жамлама ифодаси рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

4. Маҳсулот белгиси исталган бир рангда ёки турли рангларда рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

**5-модда.** Маҳсулот белгиларини рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун мутлақ асослар

1. Маҳсулот белгиларини рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди, агар улар:

фарқланиш хусусиятига эга бўлмаса;

давлат герби, байроғи ва рамзларини; давлатларнинг расмий номларини, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқа ёки тўлиқ номларини;

расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар, мукофотлар ва бошқа нишонлар ҳамда алмаштириб юбориш даражасида уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни, шунингдек маҳсулот тайёрловчисининг жойлашган ерини кўрсатувчи белги сифатида фаҳмланиши мумкин бўлган, қисман ёки бутунлай жуғрофий белгилардан иборат бўлган белгиларни ифодаласа. Бундай белгилар, башарти тегишли ваколатли идоранинг ёки белги эгасининг розилиги олинган бўлса маҳсулот белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилиши мумкин;

муайян турдаги маҳсулотларни англатувчи белги сифатида умум истеъмолга кириб кетган бўлса;

умум эътироф этган рамзлар ва атамалар бўлса;

маҳсулотнинг тури, сифати, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги, қиймати, шунингдек маҳсулотнинг ишлаб чиқарилаётган ёки сотилаётган жойи ва вақтини ифода этса.

Мазкур қисмнинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларида баён этилган белгилар, башарти, улар белгида етакчи ўринни эгалламасалар, маҳсулот белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилиши мумкин.

2. Қуйидаги белгилар, чунончи:

қалбаки ёки истеъмолчини маҳсулот ёхуд унинг ишлаб чиқарувчиси ҳақида чалғитадиган;

жамоат манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар маҳсулот белгиси ёки маҳсулот белгисининг қисми сифатида рўйхатдан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

**6-модда.** Маҳсулот белгиларини рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун бошқа асослар

1. Қуйидаги белгилар, чунончи:

илгари Ўзбекистон Республикасида ўзга шахс номига хатланган ёки рўйхатдан ўтказилишини сўраб талабнома берилган худди шу турдаги маҳсулотнинг белгилари билан;

ўзга шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган маҳсулот белгилари билан;

белгиланган тартибда рўйхатга олинган сертификат белгилари билан бир хил ёки алмаштириб юбориш даражасида уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар маҳсулот белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас.

2. Қуйидаги белгилар, чунончи:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга эгалик ҳуқуқи бир турдаги маҳсулотларни белгилаш учун маҳсулот белгисига доир талабнома келиб тушишидан аввалроқ олинган бўлса;

эгалик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлган саноат намуналарини;


муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни;

атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёхуд, башарти, Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги сифатида эътироф қилинган бўлса, тегишли ваколатли идорлар розилигини олмаган тарзда ана шу атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларни, мазкур атоқли шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини ўзида акс эттирган белгилар маҳсулот белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

**III БОБ. МАҲСУЛОТ БЕЛГИСИНИ  
ВА ЖАМОА БЕЛГИСИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ**

**7-модда.** Маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш

Маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги талабнома (матнда бундан кейин “талабнома” деб юритилади) юри-



дик ёки жисмоний шахслар томонидан (матнда бундан буён "талабнома берувчи" деб юритилади) шахсан ёки патент идораси рўйхатга олинган патент вакили орқали берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида истиқомат қилувчи жисмоний шахслар ёки бошқа давлатларнинг юридик шахслари ёхуд уларнинг патент вакиллари маҳсулот белгиларини рўйхатдан ўтказиш ва шу билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик амалларни патент идорасида рўйхатга олинган патент вакиллари орқали юритадилар. Патент вакилининг ваколати талабнома берувчи патент вакилига берган ишонч қоғози билан тасдиқланади.

**8-модда.** Маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралган талабномага доир талаблар

1. Талабнома бир маҳсулот белгисига тааллуқли бўлиши лозим.

2. Талабнома:

талабнома берувчининг кимлиги, шунингдек қаерда жойлашганлиги ёки қаерда яшаши кўрсатилган белгини маҳсулот белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш сўралган аризадан, талабномада кўрсатилган белги ва унинг тавсифидан;

белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун маҳсулотлар ва хизматларнинг Халқаро таснифи бўйича гуруҳланган маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралган маҳсулотларнинг рўйхатидан иборат бўлиши керак.

3. Талабномага белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи, башарти талабнома патент вакили орқали берилган бўлса, унинг ваколати тасдиқланган ҳужжат илова қилинмоғи лозим.

4. Талабномага тааллуқли ҳужжатларга доир талабларни патент идораси белгилайди.

**9-модда.** Жамоа белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралган талабномага доир талаблар

1. Жамоа белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралган талабномага ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари жамоа белгисининг устави илова қилинади.

2. Жамоа белгисининг устави қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

жамоа белгисини ўз номига расмийлаштириш ваколатига эга бўлган бирлашманинг номи;

ушбу белгини рўйхатдан ўтказишдан кўзланган мақсад;



ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладиган субъектлар рўйхати;

жамоа белгиси билан белгиланадиган маҳсулотларнинг рўйхати ва уларнинг ягона сифат кўрсаткичлари ёки ўзга умумий хусусиятлари;

белгидан фойдаланиш шартлари;

белгидан фойдаланишни назорат этиб туриш тартиби;

жамоа белгиси уставнинг қоидаларига риоя қилинмаганлик учун жавобгарлик.

3. Жамоа белгисига тааллуқли талабномага доир талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

### **10-модда. Маҳсулот белгисининг устуворлиги**

1. Маҳсулот белгисининг устуворлиги (приоритети) талабнома ушбу Қонуннинг 8 ва 9-моддаларига мувофиқ тарзда расмийлаштирилиб, Патент идорасига келиб тушган кунга қараб белгиланади.

2. Маҳсулот белгисининг устуворлиги биринчи талабнома саноат мулкани муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг қатнашчиси бўлмиш давлатга берилган вақтга қараб, башарти Патент идорасига талабнома ана шу вақтдан кейин олти ой мобайнида тушган бўлса (конвенция устуворлиги), белгиланиши мумкин.

3. Саноат мулкани муҳофаза қилиш халқаро иттифоқнинг қатнашчиси бўлмиш давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил этилган расмий ёки расмий деб тан олинган халқаро кўргазмаларнинг экспонатларига қўйилган маҳсулот белгисининг устуворлиги экспонат кўргазмада очиқ намоёиш этила бошланган (кўргазма устуворлиги) вақтга қараб, башарти патент идорасига маҳсулот белгисига доир талабнома ана шу вақтдан кейин олти ой мобайнида тушган бўлса, белгиланиши мумкин.

4. Конвенция ёки кўргазма устуворлиги ҳуқуқидан фойдаланиш истагида бўлган талабнома берувчи бу ҳақда маҳсулот белгисига доир талабнома бераётганида ёки патент идорасига талабнома тушгандан кейинги икки ой мобайнида албатта, маълум қилиши ҳамда қўйилган талаблар ҳаққоний эканлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни илова қилиши, ёхуд бундай ҳужжатларни патент идорасига талабнома тушган вақтдан эътиборан уч ойдан кечиктирмай тақдим этиши лозим.

5. Маҳсулот белгисининг устуворлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ маҳсулот бел-

гиси халқаро рўйхатга олинган вақтга қараб белгиланиши мумкин.

**11-модда.** Маҳсулот белгисига доир талабномани экспертизадан ўтказиш

1. Талабномани экспертизадан ўтказиш Патент идораси томонидан амалга оширилади ва у дастлабки экспертиза ҳамда рўйхатдан ўтказиш сўралаётган белгининг экспертизасидан иборат бўлади.

2. Талабномани экспертизадан ўтказиш даврида бу талабнома юзасидан қарор қабул қилинганга қадар талабнома берувчи ўз ташаббуси билан талабномага оид материалларни тўлдириш, аниқлаштириш ёки тузатишга ҳақлидир.

Башарти, қўшимча материаллар талабнома моҳиятини ўзгартиргудек бўлса, бундай материаллар қараб чиқиш учун қабул қилинмайди ва талабнома берувчи томонидан мустақил талабнома сифатида расмийлаштирилиши мумкин.

3. Экспертиза ўтказиш даврида қўшимча материалларсиз экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаса Патент идораси талабнома берувчидан бундай материалларни сўраш ҳуқуқига эгадир.

Экспертизанинг қўшимча материалларга доир сўрови олинган кундан кейинги икки ой мобайнида улар тақдим этилмоғи лозим. Талабнома берувчининг илтимосига биноан мазкур муддат, башарти уни узайтириш ҳусусидаги илтимос бу муддат тугашига қадар тушган бўлса, узайтирилиши мумкин. Агар талабнома берувчи ушбу муддатни бузса ёки экспертиза сўровини жавобсиз қолдирса, талабнома қайтариб олинган ҳисобланади.

4. Талабнома уни қараб чиқишнинг исталган босқичида, аммо маҳсулот белгисини рўйхатга олиш вақтигача талабнома берувчининг илтимосига биноан қайтариб олиниши мумкин.

5. Патент идораси томонидан қараб чиқиш учун қабул қилинган талабномалар талабнома берувчиларга қайтарилмайди.

**12-модда.** Дастлабки экспертиза

1. Талабноманинг дастлабки экспертизаси у Патент идорасига тушган кундан эътиборан бир ой ичида ўтказилади.

2. Дастлабки экспертиза давомида талабнома мазмуни, зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек уларнинг белгиланган талабларга мос келиши текширилади. Дастлабки экспертиза натижаларига биноан талабнома қараб чиқиш учун қабул қилингани ёки рад этилгани ҳақида талабнома берувчига маълум қилинади.

3. Талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинган тақдирда талабнома берувчига маҳсулот белгиси устуворлиги белгиланганлиги маълум қилинади. Талабнома берувчи конвенция ёки кўргазма устуворлигини сўраган, лекин талабномани қараб чиқиш учун қабул қилиш чоғида қўйилаётган талаб тўғри эканлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни тақдим этмаган ҳоллар бундан мустаснодир.

**13-модда.** Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш

1. Талабномада ифодаланган белгининг экспертизаси дастлабки экспертиза тугагач, талабнома Патент идорасига тушган пайтдан эътиборан ўн икки ой ичида ўтказилади.

Экспертиза давомида аризада ифодаланган белгининг ушбу Қонун 5, 6, 8, 9-моддалари талабларига мослиги текширилади ва башарти, дастлабки экспертиза ўтказилаётганида белгиланмаган бўлса, маҳсулот белгисининг устуворлиги белгиланади.

2. Экспертиза натижаларига биноан маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

3. Бирмунча олдинги устуворликка эга бўлган талабнома тушган тақдирда маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги экспертизанинг қарори ушбу Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ қайта кўриб чиқилиши мумкин.

**14-модда.** Талабномага доир қарор устидан шикоят қилиш ҳамда ўтказиб юборилган муддатларни қайта тиклаш

1. Талабнома берувчи экспертиза қарорида кўрсатилган материаллар билан танишишга ва талабнома юзасидан чиқарилган қарорни олганидан сўнг бир ой мобайнида ана шу материалларнинг нусхасини талаб қилиб олишга ҳақлидир.

2. Агар талабнома берувчи дастлабки экспертиза ёки талабномада ифодаланган белги юзасидан ўтказилган экспертиза қароридан норози бўлса, қарор олинган пайтдан эътиборан уч ой мобайнида Патент идорасининг Апелляция Кенгашига (матнда бундан кейин Апелляция Кенгаши деб юритилади) эътирознома беришга ҳақлидир. Эътирознома тўрт ой ичида Апелляция Кенгаши томонидан қараб чиқилиши керак.

3. Талабнома берувчи Апелляция Кенгаши қароридан норози бўлган тақдирда қарор олинган кундан эътиборан олти ой ичида Олий судга шикоят билан мурожаат этиши мумкин.

4. Ушбу Қонун 11-моддасининг 3-бандида ва мазкур модданинг биринчи бандида назарда тутилган, талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлар ана шу муддатлар тугашига қадар икки ой ичида талабнома берувчининг илтимосига биноан Патент идораси томонидан, башарти, узрли сабаблар мавжудлиги тасдиқланса ва бож тўланса, тикланиши мумкин.

**15-модда.** Маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш

1. Маҳсулот белгисини рўйхатга олиш ҳақидаги қарорга асосан Патент идораси маҳсулот белгисини Ўзбекистон Республикасининг Маҳсулот белгилари давлат реестрида (матнда бундан кейин “Давлат реестри” деб юритилади) рўйхатдан ўтказилади. Давлат реестрига ва маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномага маҳсулот белгисининг тасвири, унинг эгаси ҳақидаги маълумотлар, маҳсулот белгиси устуворлиги белгиланган ва белги рўйхатдан ўтказилган вақт ушбу белгини қўйиш мўлжалланган маҳсулотлар рўйхати, маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказишга тегишли бошқа маълумотлар, шунингдек бу маълумотларга тааллуқли кейинги барча ўзгартиришлар киритилади.

2. Давлат реестрига ва жамоа белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномага ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган маълумотларга қўшимча равишда мазкур белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар рўйхати киритилади.

Жамоа белгисининг эгаси жамоа белгиси уставига киритилган ўзгартиришлар ҳақида Патент идорасини хабардор қиладди.

**16-модда.** Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш

Ушбу Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги ва Давлат реестрига киритилганлигига оид маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Шунингдек, рўйхатдан ўтказишга тааллуқли маълумотлардаги кейинги барча ўзгаришлар ҳам эълон қилиниб борилади.

Эълон қилинадиган маълумотларнинг тўлиқ таркибини Патент идораси белгилайди.

### **17-модда.** Муҳофаза ҳужжати

1. Ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган маҳсулот белгиларига маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида белгиланган нусхадаги гувоҳнома берилади.

2. Маҳсулот белгиси Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганидан ва белгиланган бож тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат олинганидан кейин уч ой ичида Патент идораси маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

3. Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома талабномада ифодаланган белгининг маҳсулот белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлигини, маҳсулот белгисининг устуворлигини, маҳсулот белгиси эгасининг гувоҳномада кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларга нисбатан мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

4. Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг шаклини ва унда келтирилиши керак бўлган маълумотлар рўйхатини Патент идораси белгилайди.

## **IV БОБ. МАҲСУЛОТ БЕЛГИСИГА БЎЛГАН МУТЛАҚ ҲУҚУҚ**

### **18-модда.** Маҳсулот белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқ

1. Маҳсулот белгисининг эгаси ушбу белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда, шу жумладан ундан ўзга шахслар фойдаланишига рухсат бериш ёки тақиқлаб қўйишда мутлақ ҳуқуққа эгадир.

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган маҳсулот белгисидан унинг эгаси рухсатсиз ҳеч ким фойдалана олмайди.

2. Маҳсулот белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгининг рухсат олмаган ҳолда хўжалик муомаласига киритилиши маҳсулот белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузиш деб топилади.

### **19-модда.** Маҳсулот белгисидан фойдаланишнинг шарт эканлиги

1. Маҳсулот белгисининг эгаси ундан фойдаланиши шарт.

2. Маҳсулот белгисининг эгаси томонидан ёки ушбу Қонуннинг 21-моддасига биноан лицензия шартномаси асосида шундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан маҳсулот белгиси қайси маҳсулотларга қўйиш учун рўйхатдан ўтказилган бўлса, шу маҳсулотларда ва уларнинг ўрови устида ишлатилиши маҳсулот белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Маҳсулот белгисини рекламаларда, матбаа нашрларида, расмий иш қоғозларида, осиб қўйиладиган лавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш қилишда ишлатиш ҳам ундан фойдаланиш деб топилиши мумкин.

3. Воситачилик фаолияти билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар маҳсулот тайёрловчисининг маҳсулот белгиси билан бир қаторда шартнома асосида ўз маҳсулот белгиларидан ҳам фойдаланишлари мумкин.

4. Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтказилгандан кейинги беш йил давомида узлуксиз ишлатилмаган ёки ушбу ариза берилгунга қадар ўтган беш йил мобайнида умуман фойдаланилмаган бўлса, исталган шахснинг ариза-сига мувофиқ Олий суд чиқарган қарор асосида тўлиқ ёки қисман муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин.

Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини муддатидан илгари тўхтатиш хусусидаги масалани ҳал этиш чоғида маҳсулот белгиси эгаси тақдим этган маҳсулот белгисидан ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра фойдаланилмаганлигини исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин.

#### **20-модда.** Огоҳлантирувчи тамға

1. Маҳсулот белгисининг эгаси маҳсулотдаги ўз белгиси ёнига - маҳсулотга ёки унинг ўровига қўйилган белги, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган маҳсулот белгиси эканлигини кўрсатувчи огоҳлантирувчи тамға қўйиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган маҳсулот белгисига нисбатан огоҳлантирувчи тамға қўйган шахс Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

#### **21-модда.** Маҳсулот белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш

1. Гувоҳномада кўрсатилган барча маҳсулотларга ёки уларнинг айрим қисмига маҳсулот белгиси қўйишдан иборат мутлақ ҳуқуқни белги эгаси шартнома асосида ўзга манфаатдор юридик ёки жисмоний шахсга бериши мумкин.

2. Маҳсулот белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беришга, башарти бу иш маҳсулотга ёки унинг тайёрловчисига нисбатан истеъмолчини чалғитишга сабабчи бўлиб қолиши мумкин бўлса, йўл қўйилмайди.

3. Маҳсулот белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи маҳсулот белгисининг эгаси (матнда бундан кейин “лицензиар” деб юритилади) томонидан лицензия шартномаси асосида ўзга шахсга (матнда бундан кейин “лицензиат” деб юритилади) берилиши мумкин.

Лицензия шартномасида лицензиат маҳсулотининг сифати, лицензиар маҳсулотининг сифатидан паст бўлмаслиги ва лицензиар ана шу шартга амал қилинаётганлигини назорат этиб туриши тўғрисидаги шарт бўлиши лозим.

4. Маҳсулот белгисини ўзга шахсга топшириш тўғрисидаги шартнома ва лицензия шартномаси тегишли бож тўланганидан кейин Патент идорасида рўйхатга олинади. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар ҳақиқий эмас.

5. Жамоа белгиси ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи унинг барча эгалари розилигисиз бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин эмас.

**22-модда.** Маҳсулот белгисининг эгаси бўлмиш юридик шахс қайта ташкил этилганда маҳсулот белгисига эгалик ҳуқуқи

1. Юридик шахслар қўшилиб кетган тақдирда маҳсулот белгилари қайта рўйхатдан ўтган юридик шахс ихтиёрига ўтади.

2. Маҳсулот белгиси эгаси бўлмиш юридик шахс бўлиб юборилган тақдирда маҳсулот белгиси қайта рўйхатдан ўтган, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ихтиёрига ўтган юридик шахсга ўтади.

Башарти маҳсулот белгиси эгаси маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларнинг бир қисмини ишлаб чиқариш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолса, ҳар иккала юридик шахс ўзаро келишувга (шартномага) мувофиқ маҳсулот белгисининг ҳамкор эгаси деб тан олинаши мумкин.

Шартнома бож тўлаб Патент идорасида рўйхатдан ўтказилади. Рўйхатга олинмаган шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

3. Маҳсулот белгисининг эгаси бўлмиш юридик шахс иккинчи юридик шахсга қўшилган тақдирда, маҳсулот белгисига бўлган ҳуқуқ иккинчи юридик шахсга ўтади.

## **V БОБ. МУҲОФАЗА ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

**23-модда.** Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати

1. Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома устуворлик белгиланган вақтдан эътиборан ўн йил давомида амал қилади.



2. Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати маҳсулот белгиси эгасининг гувоҳнома амал қилиб турган сўнгги йилда берган аризасига мувофиқ бож тўлаб борилган тақдирда ҳар гал яна ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Рўйхатдан ўтганликнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг маҳсулот белгиси эгасининг илтимосига кўра қўшимча бож тўлаш шарти билан маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати яна олти ойга узайтирилиши мумкин.

**24-модда.** Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш

1. Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Патент идорасига берилади. Аризага:

маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси);

белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш хусусидаги ариза патент вакили орқали берилган бўлса, бу вакилнинг ваколати тасдиқланган ҳужжат илова қилиниши керак.

2. Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати узайтирилганлигига оид қайд маҳсулот белгиларининг Давлат реестрига ва маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномага киритилди.

**25-модда.** Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномага ўзгартишлар киритиш

1. Маҳсулот белгисининг, шу жумладан жамоа белгисининг эгаси ўз номи, фамилияси, исми ва отасининг исмидаги ўзгаришларни, рўйхатдан ўтказилган маҳсулот белгиси қўйиладиган маҳсулотларнинг рўйхати қисқарганлигини, маҳсулот белгисининг моҳиятига таъсир этмайдиган унинг айрим қисм ва жойларидаги ўзгаришларни, маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказишга доир бошқа ўзгаришлар бўлганлигини Патент идорасига маълум қилади.

2. Патент идораси ўзгаришлар тўғрисидаги қайдларни бож тўлангани тақдирда маҳсулот белгилари Давлат реестрига ва маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномага киритади.

**26-модда.** Маҳсулот белгисини қайта рўйхатдан ўтказиш шартлари

1. Амал қилиш муддати тугаган маҳсулот белгиси бу белги рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тўхтатилган вақтдан эътиборан уч йил давомида аввалги эгасидан бўлак шахс номига қайта рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас.

2. Рўйхатдан ўтганликнинг амал қилиш муддати тугамасдан турибоқ маҳсулот белгисининг эгаси ундан воз кечган ҳолларда ҳам ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган қоида қўлланилади.

## **VI БОБ. МАҲСУЛОТ БЕЛГИСИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТЎХТАТИШ**

**27-модда.** Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқий эмас деб топилши

1. Башарти маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ушбу қонунда ёки Ўзбекистон Республикаси қатнашадиган халқаро шартномада белгилаб қўйилган талабларга хилоф равишда берилган бўлса, бундай гувоҳнома бутун амал қилиш муддати давомида тамомила ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

2. Ушбу модданинг биринчи бандида назарда тутилган амалларга рози бўлмаган ҳар қандай шахс Апелляция Кенгашига мурожаат этиши мумкин. Бундай эътирознома қабул қилинган кундан эътиборан тўрт ой ичида кўриб чиқилиши лозим. Эътирознома берган шахс, шунингдек, талабнома берувчи ёки маҳсулот белгисининг эгаси Апелляция Кенгашида уларнинг масаласи қараб чиқилиши чоғида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

3. Апелляция Кенгаши қарори устидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой ичида Олий судга шикоят қилиш мумкин.

**28-модда.** Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш

1. Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши ушбу Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда тўхтатилади.

2. Маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши:

ушбу Қонун 9-моддасининг иккинчи бандига мувофиқ ягона сифатли ёки бошқа умумий хусусиятларга эга бўлмаган маҳсулотларда жамоа белгисидан фойдаланилганлиги сабабли Олий суд гувоҳноманинг амал қилишини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисида чиқарган қарорига биноан;

ушбу Қонун 19-моддасининг 4-бандига мувофиқ маҳсулот белгисидан фойдаланилмаганлиги сабабли Олий суд гувоҳноманинг амал қилишини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисида чиқарган қарорига биноан;

ушбу Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда;

юридик шахс бўлмиш маҳсулот белгисининг эгаси тугатилган тақдирда;

маҳсулот белгиси маълум турдаги маҳсулотларни ифода қилувчи белги сифатида умумий истеъмолга кириб кетган белгига айланиб қолган ҳолларда Олий суднинг қарорига биноан;

маҳсулот белгисининг эгаси ундан воз кечган ҳолларда муддатидан илгари тўхтатилади.

**VII БОБ. МАҲСУЛОТ БЕЛГИСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**29-модда.** Ушбу Қонуннинг қўлланилиши билан боғлиқ низоларни қараб чиқиш

Ушбу Қонуннинг қўлланилиши билан боғлиқ низолар тегишли судлар томонидан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартибда қараб чиқилади.

**30-модда.** Маҳсулот белгисидан қонунга зид равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик

1. Бир хил маҳсулотларни белгилаш учун маҳсулот белгисидан ёки алмаштириб юбориш даражасидан унга ўхшаш

бўлган белгидан ушбу Қонун 18-моддасида назарда тутилган қоидаларга зид равишда фойдаланганликда айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

2. Маҳсулот белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузувчи хатти-ҳаракатлар содир этган юридик ва жисмоний шахслар белги эгасининг талабига мувофиқ:

белги эгасининг ишбилармонлик обрўсини қайта тиклаш мақсадида суд қарорини ўз ҳисобларидан эълон қилишга;

маҳсулот белгисидан ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгидан фойдаланишни тўхтатишга, шунингдек белги эгасига етказилган зарарнинг ўрнини тўла қоплашга ёки белгидан қонунга зид равишда фойдаланиш даврида олинган бор фойдани белги эгасига беришга;

маҳсулот белгиси ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини маҳсулотдан ёки унинг ўривидан олиб ташлашга; маҳсулот белгисининг ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгининг тайёрлаб қўйилган тасвирини йўқ қилиб ташлашга мажбурдирлар.

## VIII БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

### 31-модда. Патент божи

Маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик амалларни бажарганлик учун патент божи олинади. Патент божи Патент идорасига тўланади. Патент божи олинадиган амаллар рўйхати, бож миқдори ва тўлов муддати, шунингдек Патент божини қайтариб бериш асослари Патент идораси томонидан белгилаб қўйилади.

### 32-модда. Маҳсулот белгисини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш

1. Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари маҳсулот белгиларини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказишга ёки халқаро миқёсда рўйхатдан ўтказишга ҳақлидирлар.

2. Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари маҳсулот белгисини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Патент идорасига талабно-ма берганларидан кейингина амалга оширадилар.

3. Маҳсулот белгиларини бошқа давлатларда ёки халқаро миқёсда рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган сарф-хара-

жатлар талабнома берувчи ёки у билан келишилган ҳолда бошқа манфаатдор юридик ёки жисмоний шахс томонидан қопланади.

**33-модда.** Чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаро ҳамкорлик асосида ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ҳам Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан баб-баравар фойдаланадилар.

**34-модда.** Халқаро шартномалар

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонундагидан фарқ қилувчи ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

## ИХТИРОЛАР, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАР ВА САНОАТ НАМУНАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1994 йил 6 май

Ушбу Қонун ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий асослари ва тартибини белгилайди.

### 1 боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.** Ушбу Қонун билан тартибга солинадиган муносабатлар

Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини (матнда бундан кейин саноат мулки объектлари деб юритилади) яратиш, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

Қорақалпоғистон Республикасида саноат мулки объектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиб борилади.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси

Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси (матнда бундан кейин Патент идораси деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ саноат мулки объектларини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади.

Патент идораси саноат мулки объектларига талабнома-ларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар бўйича давлат илмий-техник экспертизасини ўтказиши, уларни давлат рўйхатига олади, муҳофаза ҳужжатларини беради, расмий ахборотнома нашр этади, ушбу Қонуннинг қўлланилишига оид қоидалар ва тушунтиришларни ишлаб чиқади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Патент идораси тўғрисидаги Низомга мувофиқ бошқа вазифаларни бажаради.

Патент идорасининг фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг манбаи давлат бюджети маблағидан, патент божлари-

дан, шунингдек Патент идораси томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва бериладиган материаллар учун олинадиган ҳақдан иборатдир.

**3-модда.** Саноат мулки объектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (муаллифларга ёки унинг) уларнинг ҳуқуқий ворисига (ворисларига) тегишли бўлади ҳамда ихтиро ёки саноат намунаси патенти, дастлабки патенти ва фойдали модель гувоҳномаси (матнда бундан кейин патент, дастлабки патент, гувоҳнома деб юритилади) билан тасдиқланади.

Башарти, бир неча шахс бир-биридан мустақил равишда саноат мулки объектини яратган бўлса, патент, дастлабки патент ёки гувоҳномага бўлган ҳуқуқ Патент идорасига биринчи бўлиб талабнома топширган шахсга тегишли бўлади.

Объект муаллифи, башарти ўзининг объектига нисбатан ғайри-ҳуқуқий равишдаги ўзлаштириш натижасида талабнома топширилган ёхуд патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома олинган бўлса, суд тартибида патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома берилишига норозилик билдириш ёки патент эгаси ёхуд унинг ҳуқуқий эгаси (мантда бундан кейин патент эгаси деб юритилади) сифатида патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома ўзига берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Дастлабки патент ва гувоҳнома дастлабки экспертиза ўтказилганидан сўнг, патент эса, объект моҳиятан экспертизадан ўтказилганидан сўнг берилади.

Ихтиро патенти ихтиронинг янгилигини, ихтирочилик даражасини патентнинг ҳақиқийлиги ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат намунаси патенти саноат намунасининг янгилиги ва ўзига хослигини, патентнинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг саноат намунасига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патентнинг ҳуқуқий муҳофазаси бутунлай ёки қисман ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси ҳақиқий эмас деб даъво қилаётган томон зиммасига юкланади ва суд тартибида амалга оширилади.

Дастлабки патент ва гувоҳнома патент эгасининг саноат мулки объектига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.



Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома ҳақидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан бошлаб амалда деб ҳисобланади.

Устуворлик (приоритет) санасидан бошлаб ёки ушбу Қонун 18-моддасининг қоидаларига мувофиқ белгиланадиган бошқа санадан эътиборан ҳисобланганда ихтиро патенти йигирма йил мобайнида, саноат намунаси патенти эса ўн йил мобайнида амал қилади.

Дастлабки патент ва гувоҳнома устуворлик санасидан бошлаб ҳисобланганда беш йил мобайнида амал қилади.

Саноат намунаси патенти ва фойдали модель гувоҳномасининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосига кўра Патент идораси томонидан тегишлича беш йилга ва уч йилга узайтирилиши мумкин.

Дастлабки патент билан мукофотланган саноат мулки объекти патенти дастлабки патент эгасининг илтимосномасига кўра объект моҳиятан экспертизадан ўтказилганидан сўнг берилиши мумкин.

Ихтиро патенти, дастлабки патент ва фойдали модель гувоҳномаси билан таъминланадиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми уларнинг формуласи билан, саноат намунаси патенти ва дастлабки патент билан таъминланадиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми эса, буюм (макет, расм)нинг фотосуратларида акс эттирилган муҳим аломатлари мажмуи ёки (ва) уларнинг комбинацияси (матнда бундан кейин муҳим аломатлар мажмуи деб юритилади) билан белгиланади.

Давлат томонидан махфий деб топилган саноат мулки объектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

#### **4-модда.** Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ёки битимларида ушбу Қонунда назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

## **II БОБ. САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ПАТЕНТГА ЛАЁҚАТЛИЛИК ШАРТЛАРИ**

#### **5-модда.** Ихтиронинг патентга лаёқатлилик шартлари

Ихтиро сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги ихтирочилик даражасига эга бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади.

Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, ихтирочилик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтиронинг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва қайтариб олинмаган талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Ихтиро, башарти уни саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўллаш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Башарти, ихтирога оид талабнома, шу ихтирога тааллуқли маълумот муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита ушбу маълумотни олган бошқа ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор қилинган санадан бошлаб олти ойдан кечиктирмай Патент идорасига топширилган бўлса, бу ҳолат ихтиронинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган вазият сифатида эътироф этилмайди. Бундай ҳолда ушбу фактни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штамлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар хужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штамларининг янги мақсадда қўлланиши ихтиро сифатида эътироф этилади.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

илмий назариялар ва математика усуллари;  
хўжаликни ташкил этиш ва бошқариш усуллари;  
шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;  
ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;  
электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;

бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва схемалари;

эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;

интеграл схемаларнинг топологиялари;

ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;

жамоат манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

### **6-модда.** Фойдали моделнинг муҳофазага лаёқатлиги шартлари

Фойдали модель сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Фойдали модель, башарти унинг муҳим аломатлари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади.

Талабнома топширилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотлар, шунингдек уларни қўллашга доир маълумотлар техника тараққиёти даражасига киритилади.

Фойдали модель, башарти ундан амалда фойдаланиш имкони бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Башарти фойдали моделга оид талабнома, шу фойдали моделга тааллуқли маълумот муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита ушбу маълумотни олган бошқа ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор қилинган санадан бошлаб олти ойдан кечиктирмай Патент идорасига топширилган бўлса, бу ҳолат фойдали моделнинг янгилигига таъсир кўрсатадиган вазият сифатида эътироф этилмайди. Бундай ҳолда ушбу фактни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Амалиётбоп қилиб тайёрланган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари, шунингдек уларнинг таркибий қисмлари фойдали моделлар жумласига киради.

Куйидагилар фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинмайди:

усуллар, моддалар, микроорганизм штамmlари, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, шунингдек уларнинг янги мақсадда қўлланилиши;

ушбу Қонун 5-моддасининг тўққизинчи қисмида кўрсатилган объектлар.

### **7-модда.** Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиқ шартлари

Саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги, ўзига хос бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Саноат намунаси, башарти буюмнинг эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгиловчи муҳим аломатлари маж-

муи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, янги деб ҳисобланади.

Саноат намунасининг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва қайтариб олинмаган талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Саноат намунаси, башарти унинг муҳим аломатлари мажмуи буюм эстетик хусусиятларининг ижодий характери билан боғлиқ бўлса, асл ҳисобланади.

Саноат намунаси, башарти уни такрор-такрор ҳосил қилиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб эътироф этилади.

Башарти саноат намунасига оид талабнома, шу саноат намунасига тааллуқли маълумот муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита ушбу ахборотни олган бошқа ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор қилинган санадан бошлаб олти ойдан кечиктирмай Патент идорасига топширилган бўлса, бу ҳолат саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган вазият сифатида эътироф этилмайди. Бундай ҳолда ушбу фактни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадий-конструкторлик ечимлари саноат намунаси жумласига киради.

Қуйидагилар саноат намуналари сифатида эътироф этилмайди:

матбаа маҳсулотлари;

меъморчилик объектлари (кичик меъморчилик шакллари-дан ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар иншоотлар;

суюқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар;

буюмнинг фақат техник функцияси билан боғлиқ бўлган ечимлар;

маҳсулотларнинг жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлари.

### III боб. ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

#### **8-модда.** Саноат мулки объектининг муаллифи

Саноат мулки объектини шахсий ижодий меҳнати билан яратган жисмоний шахс бу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Башарти, саноат мулкининг объекти бир неча жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, уларнинг барчаси бу объектнинг тенг ҳуқуқли муаллифи деб эътироф этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи бегоналаштирилмайдиган шахсий ҳуқуқ бўлиб, қонун билан муҳофаза қилинади.

### **9-модда. Патент эгаси**

Саноат мулкининг объектига патент ва дастлабки патент ёки гувоҳнома қуйидагиларга берилади:

саноат мулки объектининг муаллифига (муаллифларга) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

муаллиф ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан патент, дастлабки патент ёки гувоҳномага оид талабномада ёки саноат мулки объекти Патент идорасида рўйхатдан ўтказилгунга қадар топширилган аризада кўрсатилган жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга (улар розилиги шарти билан);

мазкур моддада назарда тутилган ҳолларда иш берувчига.

Хизматчи ўз хизмат вазифасини, иш берувчидан олган аниқ бир топшириқни бажариш билан боғлиқ тарзда ёки корхонанинг ихтисосига доир техник билимлар ёрдамида яратган саноат мулки объектига оид патент, дастлабки патент ёки гувоҳномани олиш ҳуқуқига иш берувчи эга бўлади. Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқни ўзгага ўтказиш муаллиф ва иш берувчи ўртасида тузилган шартномага асосан расмийлаштирилади.

Башарти иш берувчи саноат мулки объекти яратилганлиги ҳақида муаллиф маълум қилган санадан эътиборан тўрт ой мобайнида Патент идорасига талабнома топширмаса, талабнома топшириш ҳуқуқини ўзга шахсга ўтказмаса, муаллиф талабнома топшириш ва патент, дастлабки патент ёки гувоҳномани ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда иш берувчи саноат мулкининг тегишли объектдан ўз корхонасида патент эгасига шартномада белгиланадиган товон пулини тўлаган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи томонидан саноат мулки объекти махфий сақланадиган бўлса, у муаллифга мутаносиб миқдорда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартнома асосида белгиланиб, мутлақ лицензиянинг бозор нархидан кам бўлмаслиги лозим.

Патент эгаси патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома билан муҳофаза қилинадиган саноат мулки объектдан фойдала-

ниш ҳуқуқини ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга бериши мумкин.

Саноат мулки объектига оид патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома, шунингдек уни олиш ҳуқуқи мерос бўйича ўтади.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк давлат фонди

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк давлат фонди (матнда бундан кейин Интеллектуал мулк давлат фонди деб юритилади) патент эгасининг давлат мулкига кирадиган ёки шартнома асосида олинадиган интеллектуал мулк объектиларига нисбатан ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини рўёбга чиқаради ва давлат манфаатлари йўлида уларнинг амалга оширилишига кўмаклашади.

Интеллектуал мулк давлат фонди фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбаи саноат мулки ва интеллектуал мулкнинг бошқа турлари объектиларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензия сотилишидан тушадиган маблағларнинг бир қисмидан, давлат бюджети маблағлари ҳамда бошқа тушумлардан иборатдир.

Интеллектуал мулк давлат фонди ўз фаолиятини ушбу қонун ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган уставга биноан амалга оширади.

#### **IV БОБ. САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТИГА БЎЛГАН МУТЛАҚ ҲУҚУҚ**

**11-модда.** Патент эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Патент эгаси саноат мулки объектига ўз хоҳишича эгаллик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳамда ундан фойдаланиш, ба-шарти бундай фойдаланиш бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини бузмаса, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектидан фойдаланишини тақиқлаб қўйиш мутлақ ҳуқуқига эгадир, бундай фойдаланиш ушбу Қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқини бузиш ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Бир неча патент эгасига қарашли бўлган саноат мулки объектидан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасида тузилган битимга биноан белгиланади.

Бундай битим бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофазаланган саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин. Лекин қолган патент эгаларининг розилигисиз объектга оид лицензия беришга ёки патент, дастлабки патент ёхуд гувоҳномани ўзга шахсга топширишга ҳақли эмас.

Патент эгалари ўртасидаги низолар ўзаро мурасага келишнинг иложи бўлмаса, суд тартибида ҳал қилинади.

Патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объектлари-га патент берилганлигини кўрсатувчи огоҳлантиргич тамгадан фойдаланиши мумкин.

Патент эгаси саноат мулки объектдан фойдаланиши шарт.

Патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида патент эгаси саноат мулки объектдан бутунлай ёхуд етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат мулки объектдан фойдаланмоқчи ва фойдаланишга тайёр бўлган ҳар қандай шахс, башарти патент эгаси у билан лицензия шартномаси тузишдан бош тортган тақдирда, мажбурий оддий лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат этиши мумкин.

Башарти патент эгаси саноат мулки объектдан бутунлай ёки етарли даражада фойдаланилмаганлигига узрли сабаблар борлигини исботлаб бера олмаса, суд айтилган лицензияни бериб, ундан фойдаланиш меъёрларини, тўлов миқдори, муддати ва тартибини белгилаб қўяди. Тўлов миқдори лицензиянинг бозор нархидан қам бўлмаслиги лозим.

**12-модда.** Патент эгаси мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар

Қуйидаги ҳоллар патент эгаси мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши сифатида эътироф этилмайди:

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган саноат мулки объектларидан таркиб топган қурилмаларни Париж конвенцияси қатнашчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида, мазкур восита Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча ёки тасодифан турган вақтда қўллаш - бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учунгина фойдаланиш шарти билан:

патентлар, дастлабки патентлар ёки гувоҳномалар билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажриба ўтказиш;

патентлар, дастлабки патентлар ёки гувоҳномалар билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни табиий офатлар, фалокатлар, эпидемия ва бошқа фавқулодда ҳолатларда қўллаш;

патентлар, дастлабки патентлар ёки гувоҳномалар билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни, башарти, бу воситалар хўжалик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш:

патентлар билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда қўллаш;

дорихоналарда врач рецептлари бўйича бир галлик дорилар тайёрлаш.

### **13-модда.** Патент эгаси мутлақ ҳуқуқларининг бузилиши

Патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан ушбу Қонун 11 ва 31-моддаларида назарда тутилган қоидаларга хилоф равишда фойдаланувчи ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс патент эгасининг мутлақ ҳуқуқларини бузувчи ҳисобланади.

Муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектидан фойдаланган ҳолда яратилган маҳсулотни руҳсатсиз тайёрлаш, қўллаш, олиб келиш, сақлаш, сотишга таклиф этиш, сотиш ва хўжалик муомаласига бошқача тарзда киритиш, шунингдек ихтиро патенти ёки дастлабки патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёки ихтиро патенти ёхуд дастлабки патент билан муҳофаза қилинаётган усул воситасидагина тайёрланган маҳсулотни хўжалик муомаласига киритиш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилади.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома муҳофазасида бўлган маҳсулотга қаратилган ҳаракатларга нисбатан, башарти ушбу ҳаракатлар бундай маҳсулот патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан хўжалик муомаласига киритилганидан сўнг содир этилаётган бўлса, татбиқ этилмайди.

Саноат мулки объектидан ушбу Қонуннинг 11 ва 31-моддаларида назарда тутилган қоидаларга хилоф равишда фойдаланилаётган жисмоний ва юридик шахслар жабрланувчи патент эгаси талабига биноан:

патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузаётган ҳаракатларни тўхтатишлари;

патент эгаси ҳуқуқларини бузиш оқибатида унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашлари;

патент эгасининг ишбилармонлик мавқеини қайта тиклаш мақсадида суд қарорини ўз ҳисобларидан эълон қилишлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ишларни амалга оширишлари шарт.

Мутлақ ҳуқуқлар бузилганлигига доир даъво, башарти, лицензия шартномасида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, патент эгаси ёки мутлақ лицензия эгаси томонидан қўзғатилади.



## **V боб. ПАТЕНТ, ДАСТЛАБКИ ПАТЕНТ ЎКИ ГУВОҲНОМА ОЛИШ**

**14-модда.** Патент, дастлабки патент ўки гувоҳнома бериш сўралган талабномани топшириш

Патент, дастлабки патент ўки гувоҳнома бериш сўралган талабнома муаллиф, иш берувчи ўки уларнинг ҳуқуқий вори-си (матнда бундан кейин талабнома берувчи деб юритилади) томонидан Патент идорасига топширилади.

Патент, дастлабки патент ўки гувоҳнома сўралган талабномага белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ўки бож тўлашдан озод қилишнинг ўхуд бож миқдорини камайтиришнинг асослари илова қилинади.

Саноат мулки объектларига оид талабнома ҳужжатларига доир бошқа талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

Талабнома шахсан ўки Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакили орқали топширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшаётган жисмоний шахслар ўки ажнабий юридик шахслар патент олиш ва уни кучда сақлаб туриш бўйича Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вақиллари орқали иш олиб борадилар. Патент вакилининг ваколатлари талабнома киритувчи томонидан берилган ишонч қоғози билан тасдиқланади.

**15-модда.** Ихтирога патент ўки дастлабки патент берилиши сўралган талабнома

Ихтирога патент ўки дастлабки патент берилиши сўралган талабнома (матнда бундан кейин ихтирога оид талабнома деб юритилади) битта ихтирога ўки ягона ихтирочилик фикрини (ихтиро бирлиги талаби) ташкил қилиб, бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гуруҳига тегишли бўлиши керак.

Ихтирога оид талабнома ўз ичига қуйидагиларни олади:

ихтиро муаллифи (муаллифлари) ва номига патент ўки дастлабки патент берилиши сўралаётган шахс (шахслар), шунингдек уларнинг яшаш ўки турар жойи кўрсатилиб, патент ўки дастлабки патент бериш сўралган ариза;

ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ баён этилган тавсифи;

ихтиро моҳиятини акс эттирувчи ва унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган ихтиро формуласи;

ихтиро моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материаллар;  
реферат.

**16-модда.** Фойдали моделга гувоҳнома берилиши  
сўралган талабнома

Фойдали моделга гувоҳнома берилиши сўралган талабнома (матнда бундан кейин фойдали моделга оид талабнома деб юритилади) битта фойдали моделга ёки ягона ижодий фикрни (фойдали модель бирлиги талаби) ташкил қилиб, бир-бири билан узвий боғланган фойдали моделлар гуруҳига тегишли бўлиши керак.

Фойдали моделга оид талабнома ўз ичига қуйидагиларни олади:

фойдали модель муаллифи (муаллифлари) ва номига гувоҳнома берилиши сўралаётган шахс (шахслар), шунингдек уларнинг яшаш ёки турар жойи кўрсатилиб, гувоҳнома бериш сўралган ариза;

фойдали моделнинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ баён этилган тавсифи;

фойдали модель моҳиятини акс эттирувчи ва унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган фойдали модель формуласи;

башарти фойдали модель моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материаллар;  
реферат.

**17-модда.** Саноат намунасига патент ёки дастлабки  
патент берилиши сўралган талабнома

Саноат намунасига патент ёки дастлабки патент берилиши сўралган талабнома (матнда бундан кейин саноат намунасига оид талабнома деб юритилади) битта саноат намунасига тегишли бўлиши керак ва у шу намуна вариантларини (саноат намунаси бирлиги талаби) қамраб олиши мумкин.

Саноат намунасига оид талабнома ўз ичига қуйидагиларни олади:

саноат намунасининг муаллифи (муаллифлари) ва номига патент ёки дастлабки патент берилиши сўралаётган шахс (шахслар), шунингдек уларнинг яшаш ва турар жойлари кўрсатилиб, патент ёки дастлабки патент бериш сўралган ариза;

буюмнинг ўзи, унинг макети ёки расмининг буюм ташқи кўриниши ҳақида тўла-тўқис, бор тафсилоти билан тасаввур берувчи туркум фотосуратлари;

башарти саноат намунасининг моҳиятини очиш учун зарур бўлса, буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфекцион харитаси;

саноат намунасининг ундаги муҳим аломатлар мажмуини ўз ичига олган тавсифи.

### **18-модда.** Саноат мулки объекти устуворлиги

Саноат мулки объекти устуворлиги талабнома ушбу Қонун талабларига мувофиқ ҳолда расмийлаштирилиб, Патент идорасига топширилган кундан бошлаб белгиланади.

Устуворлик:

саноат мулкини муҳофаза қилиш Париж конвенцияси қатнаш-чиси бўлган бошқа давлатда (конвенция устуворлиги) берилган биринчи талабномада қайд этилган санага кўра, башарти Патент идорасига ана шу санадан бошлаб ихтирога, фойдали моделга оид талабнома ўн икки ой ичида, саноат намунасига оид талабнома эса олти ой ичида топширилган бўлса, белгиланади.

Башарти конвенция устуворлиги сўралган талабнома уни берувчига боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра белгиланган муддатда топшириб улгурилмаса, бу муддат Патент идораси томонидан узоғи билан яна икки ойга узайтирилиши мумкин. Конвенция устуворлиги ҳуқуқидан фойдаланиш истагидаги талабнома берувчи ўзининг ана шу истагини талабномани топшириш пайтида кўрсатиши ва (ёки) зарур материалларни талабнома топширилган санадан бошлаб уч ойдан кечиктирмай Патент идорасига тақдим этиши лозим;

Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича давлатлараро битимларга мувофиқ топширилганига айна ўхшаш биринчи талабнома топширилган санага кўра, башарти ушбу талабнома унинг эгаси томонидан қайтариб олиниб, устуворлик санаси билан Патент идорасига талабнома тушган сана ўртасидаги вақт ихтиро учун ўн икки ойдан ва саноат намунаси учун олти ойдан ошмаган бўлса, белгиланади;

қўшимча материаллар топширилган санага кўра, башарти талабномага илова қилинган қўшимча материаллар талабнома қаратилган ихтиро моҳиятини ўзгартириб юбориши ва шу сабабга кўра улар қабул қилинмаслиги Патент идораси томонидан талабнома берувчига маълум қилинган санадан бошлаб уч ой муддат ичида талабнома берувчи томонидан қўшимча материаллар мустақил талабнома тарзида расмийлаштирилган бўлса, белгиланади;

шу талабнома берувчининг Патент идорасига бирмунча олдин тақдим этган, ушбу саноат мулки объектининг моҳиятини очиб берувчи талабномаси топширилган санага кўра, башар-

ти устуворлик сўралган талабнома бирмунча олдин берилган талабнома келиб тушган санадан бошлаб ихтиро ва фойдали модель юзасидан ўн икки ой ва саноат намунаси юзасидан олти ой ичида топширилган бўлса, белгиланади. Бунда бирмунча олдин топширилган талабнома қайтариб олинган деб ҳисобланади.

Башарти, экспертиза жараёнида саноат мулки объектларига айна ўхшаш талабномаларнинг устуворлик саналари бир хиллиги аниқланса, у ҳолда патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома Патент идорасига олдинроқ жўнатилганлиги исботланган талабнома бўйича, борди-ю, жўнатилган саналари ҳам бир хил бўлиб чиқса, Патент идорасида келган ҳужжат сифатида қайси бири олдин қайд этилган бўлса, шу талабнома берилди.

Устуворлик бирмунча олдин устуворлик сўралган талабнома келиб тушган санага кўра белгиланиши мумкин эмас.

#### **19-модда. Давлат илмий-техник экспертизаси**

Саноат мулки объектига оид талабнома бўйича Патент идораси расмий экспертиза, дастлабки экспертиза ва (ёки) моҳиятан экспертизадан иборат бўлган давлат илмий-техник экспертизасини ўтказади.

Талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой мобайнида талабнома берувчи талабнома берилаётган саноат мулки объектининг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда унга тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар киритиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объектига оид талабномага тузатишлар, аниқликлар киритиш ёки қўшимча материаллар тақдим этиш, бож тўлаш шarti билан, мазкур муддат ўтганидан кейин ҳам, бироқ муҳофаза ҳужжатини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилиши мумкин.

Белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унга шу сўровни олган санадан бошлаб икки ой муддат ичида тузатиш ёки етишмайдиган материалларни топшириш таклиф қилинади.

Башарти, талабнома берувчи мазкур муддатда сўралган материалларни тақдим этмаса ёки белгиланган муддатни узайтириб бериш тўғрисида илтимоснома топширмаса, талабнома қайтариб олинган ҳисобланади.

Саноат мулки объекти бирлиги талаблари бузилган ҳолда берилган талабнома юзасидан талабнома берувчига тегишли

сўров олган санадан бошлаб икки ой муддат ичида ушбу объектлардан қайси бири кўриб чиқилиши лозимлигини хабар қилиш ҳамда талабнома ҳужжатларига тегишли аниқликлар киритиш таклиф қилинади. Дастлабки талабнома материалларига киритилган бошқа объектлар мустақил талабномалар тарзида расмийлаштирилиши мумкин.

Башарти, талабнома берувчи саноат мулки объекти бирлиги талаблари бузилганлиги ҳақида сўров олганидан сўнг икки ой ичида ушбу объектлардан қайси бири кўриб чиқилиши лозимлигини хабар қилмаса ва аниқлик киритилган материалларни тақдим этмаса, ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунаси тавсифида биринчи бўлиб кўрсатилган объект экспертизадан ўтказилади.

Талабнома берувчи саноат мулки объекти тегишли Давлат реестрида қайд қилингунга қадар экспертизанинг исталган босқичида патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома сўралган талабномани қайтариб олиши мумкин.

Патентлар, дастлабки патентлар ва гувоҳномалар сўралган талабномаларга доир материаллардаги маълумотлар Патент идорасида махфий сақланиши керак ва улар ҳақидаги ахборотлар талабнома берувчи ёки патент эгасининг розилигисиз берилмайди. Патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома ҳақидаги маълумотлар расмий равишда эълон қилингунга қадар талабномаларга доир материаллардаги ахборотларни ошкор этганлик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Патент идораси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабномалар талабнома берувчиларга қайтарилмайди.

## **20-модда.** Расмий ва дастлабки экспертизалар

Расмий экспертиза Патент идораси томонидан саноат объекти мулкига оид талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ўтганидан сўнг ўтказилади. Талабнома берувчининг илтимосига кўра расмий экспертиза мазкур муддат ўтмасдан бошланиши мумкин. Бу ҳолда талабнома берувчи илтимоснома берилган пайтдан бошлаб талабнома материалларига қўшимча бож тўламасдан ўз ташаббуси билан тузатишлар ва аниқликлар киритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Талабномани расмий экспертизадан ўтказиш чоғида тақдим қилинган таклифнинг ҳуқуқий муҳофаза таъминланадиган саноат мулки объектларига қай даражада мослиги кўриб чиқилади ва унинг устуворлиги белгиланади.

Расмий экспертизанинг ижобий натижаси ва устуворлик белгиланганлиги ҳақида талабнома берувчига хабар қилинади.

Дастлабки экспертиза Патент идораси томонидан ихтирога, саноат намунасига дастлабки патент ёки фойдали моделга гувоҳнома бериш сўралган талабнома бўйича ўтказилади.

Дастлабки экспертиза ўтказиш чоғида кўрсатилган объектнинг талабнома берувчи томонидан тақдим этилган талабнома материалларида келтирилган техника тараққиёти даражаси бўйича ёки (ва) Ўзбекистон Республикасининг патент ҳужжатлари бўйича янгилик ва саноатда қўллаш шартларига қанчалик мослиги текширилади.

Башарти талабномани дастлабки экспертизадан ўтказиш натижасида саноат мулки объектига оид талабнома материаллари қўйилаётган талабларга мос келиши аниқланса, Патент идораси дастлабки патент ёки гувоҳнома бериш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда расмий хабар эълон қилади.

Башарти дастлабки экспертиза натижасида объект қўйилаётган талабларга мос эмаслиги аниқланса, Патент идораси дастлабки патент ёки гувоҳнома беришни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарорни олган санадан бошлаб икки ой муддат ичида Патент идорасининг Апелляция кенгашига (матнда бундан кейин Апелляция кенгаши деб юритилади) шикоят бериши мумкин. Апелляция кенгаши шикоятни у тушган санадан бошлаб икки ой муддат ичида кўриб чиқиши лозим. Апелляция кенгашининг Патент идораси ваколат доирасидаги қарори узил-кесил хисобланади.

Талабномаларни расмий ва дастлабки экспертизалардан ўтказишнинг ушбу моддада белгиланган ва талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлари муддатлар узайтирилишини муқаррар қилиб қўйган сабаблар тасдиқланган ва бож тўланган тақдирда Патент идораси томонидан тикланиши мумкин.

Талабнома берувчи муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб ўн икки ойдан кечиктирмай топшириши лозим.

Апелляция кенгашига муурожаат қилиш муддати тикланмайди.

### **21-модда.** Моҳиятан экспертиза ўтказиш

Патент идораси ихтиро ва саноат намунасига патент бериш сўралган талабномани талабнома топширилган санадан бош-

лаб ўн икки ой ичида талабнома берувчи томонидан киритилиши мумкин бўлган илтимосномага кўра моҳиятан экспертизадан ўтказади.

Моҳиятан экспертиза ўтказиш ҳақидаги илтимоснома беришнинг мазкур муддати бузилган тақдирда талабнома қайтариб олинган ҳисобланади.

Башарти талабномани моҳиятан экспертизадан ўтказиш натижасида талабнома берувчи таклиф қилган формула билан ифодаланган ихтиро сифатида таърифланган объект, муҳим аломатлар мажмуи сифатида ифодаланган саноат мулки сифатида таърифланган объект белгиланган талабларга мослиги аниқланса, Патент идораси патент бериш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда расмий хабар эълон қилади.

Талабнома берувчи ёки бошқа шахслар дастлабки патент сўралган талабномани топширган санадан бошлаб исталган пайтда, лекин дастлабки патентнинг амал қилиш вақти тугамасдан олдин берадиган илтимосномага кўра Патент идораси ихтиро ёки саноат намунасининг патентга лаёқатлилиқ шартларига мувофиқ моҳиятан экспертиза ўтказади.

Башарти дастлабки патент билан муҳофазаланган саноат мулки объектини моҳиятан экспертизадан ўтказишнинг тугаш муддати дастлабки патентнинг амал қилиш муддатидан узоқроқ бўлса, илтимоснома дастлабки патент эгаси томонидан берилиши шарти билан дастлабки патентнинг амал қилиш муддати моҳиятан экспертиза ўтказиш даврига тенг муддатга узайтирилади.

Бошқа шахслардан тушган илтимосномалар талабнома берувчига маълум қилинади.

Башарти талабнома берувчи моҳиятан экспертиза ўтказиш ҳақида мазкур муддатда илтимоснома топширмаса, ихтиро ёки саноат намунасининг ҳуқуқий муҳофазаси дастлабки патентнинг амал қилиш муддати тугаши билан тўхтатилади.

Ихтиро ёки саноат намунаси сифатида ифодаланган объектнинг патентга лаёқатлилиқ шартларига мос келмаслиги аниқланса, патент беришни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарорни олган санадан бошлаб уч ой муддат ичида Апелляция кенгашига шикоят бериши мумкин. Апелляция кенгаши шикоят тушган санадан бошлаб тўрт ой муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Талабнома берувчи Апелляция кенгаши қарорига рози бўлмаса, қарорни олган санадан бошлаб олти ой муддат ичи-

да Олий судга даъво билан мурожаат қилиши мумкин. Олий суднинг қарори узил-кесил ҳисобланади.

Талабномаларни моҳиятан экспертизадан ўтказишнинг ушбу моддада белгиланган ва талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлари, муддатлар узайтирилишини муқаррар қилиб қўйган сабаблар тасдиқланган ва бож тўланган тақдирда патент идораси томонидан тикланиши мумкин.

Талабнома берувчи муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб ўн икки ойдан кечиктирмай топшириши мумкин.

Апелляция кенгашига мурожаат қилиш муддати тикланмайди.

### **22-модда.** Талабномаларни ўзгартириш

Талабнома берувчи муҳофаза ҳужжати бериш ҳақида қарор қабул қилингунга қадар ихтирога оид талабномани фойдали моделга оид талабнома, фойдали моделга оид талабномани эса ихтирога оид талабнома қилиб ўзгартиришга ҳақлидир.

Бундай ўзгартиришлар қилинганда биринчи талабноманинг устуворлиги сақланиб қолади.

Талабномаларни ўзгартириш тегишли бож тўлангандан сўнг амалга оширилади.

### **23-модда.** Саноат мулки объектини рўйхатдан ўтказиш

Патент идораси патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома бериш ҳақида қарор қабул қилгандан сўнг тегишли саноат мулки объектини Ихтиролар давлат реестри, фойдали моделлар давлат реестри ёки Саноат намуналари давлат реестри рўйхатидан ўтказилади.

### **24-модда.** Патент, дастлабки патент ва гувоҳнома тўғрисидаги маълумотларни расман эълон қилиш

Патент идораси саноат мулки объектлари рўйхатдан ўтказилганлигига доир маълумотларни ўз ичига олган расмий ахборотнома чиқаради.

Дастлабки патентлар ёки гувоҳномалар билан муҳофаза этиладиган саноат мулки объектларининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотларни расман эълон қилиш уларга бошқа давлатда (давлатларда) патент олинаётганлиги муносабати билан объектлар устуворлиги санасидан бошлаб, ўн икки ойга вақтинча тўхтатиб қўйилиши мумкин.



Эълон қилинадиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхати ва таркибини Патент идораси белгилайди.

**25-модда.** Патент, дастлабки патент ва гувоҳнома бериш

Патент, дастлабки патент ва гувоҳнома бериш улар рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинганидан сўнг уч ой ўтгач, Патент идораси томонидан амалга оширилади.

Патент, дастлабки патент ва гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси номидан берилади ҳамда Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади.

Патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома бир неча киши номига сўралганда битта муҳофаза ҳужжати берилади.

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқни Интеллектуал мулк давлат фондига топширган объект муаллифига Патент идораси унинг муаллифлигини тасдиқловчи ҳужжат беради.

Муҳофаза ҳужжати шаклини ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркибини Патент идораси белгилайди.

Берилган муҳофаза ҳужжатидаги кўзга яққол ташланиб турган ва техник хатоларни патент эгасининг талаби бўйича Патент идораси тузатади.

**26-модда.** Патент божлари

Патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома билан боғлиқ бўлган юридик ҳаракатлар ва тадбирлар амалга оширилганлиги учун патент божи ундирилади.

Патент божи олинадиган ҳаракатлар ва тадбирлар рўйхати, уларнинг миқдори ва тўлаш муддати, бож тўловидан озод қилиш, бож миқдорини камайтириш ёки олинган божни қайтариб беришнинг асослари Патент идораси томонидан Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор давлат бошқарув органлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Божлар талабнома берувчи, патент эгаси, шунингдек бошқа манфаатдор жисмоний ёки юридик шахс томонидан тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари божларни миллий пул бирлигида тўлайдилар. Бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари божларни, башарти, халқаро шартномалар ва битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, чет эл валютасида тўлайдилар.

Патент, дастлабки патент ёки гувоҳномани кучда сақлаб туриш божини тўлаш учун патент эгасига қўшимча бож тўлаш шартли билан олти ойлик имтиёзли муддат берилади.

Патент, дастлабки патент ёки гувоҳноманинг кучини сақлаб туриш учун бож ва қўшимча бож имтиёзли муддат давомида тўланмаса, саноат мулки объектига бўлган мутлақ ҳуқуқ йўқолади, патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома эса белгиланган муддат тугаган кундан бошлаб бекор қилинади.

## **VI боб. ПАТЕНТ, ДАСТЛАБКИ ПАТЕНТ ЁКИ ГУВОҲНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШНИ ТЎХТАТИШ**

**27-модда.** Патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома юзасидан эътироз билдириш

Патентнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги хусусида патент ҳуқуқий муҳофазасининг тўлиқ ҳажмида ёки унинг бир қисми бўйича, исталган пайтда Олий судга қуйидаги асосларга кўра берилган даъво юзасидан баҳслашилиши мумкин:

муҳофазаланган саноат мулки объекти патентга лаёқатлилик шартларига мос келмаган тақдирда;

талабнома материалларида ихтиронинг моҳияти етарлича очиқ берилмаган бўлса;

ихтиро формуласида ёки саноат намунасининг муҳим аломатлар мажмуида талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган белгилар мавжуд бўлса.

Дастлабки патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши хусусида дастлабки патент ёки гувоҳнома ҳуқуқий муҳофазасининг тўлиқ ҳажмида ёки унинг бир қисми бўйича Апелляция кенгашига берилган шикоят асосида:

ушбу модданинг биринчи қисмида келтирилган асосларга кўра;

фойдали модель формуласидаги муҳим аломатлар мажмуида талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган белгилар мавжуд бўлганда эътироз билдирилиши мумкин.

Апелляция кенгашининг шикоят бўйича Патент идораси ваколатлари доирасида чиқарган қарори узил-кесил ҳисобланади.

Берилган патент, дастлабки патент ва гувоҳномалар бўйича саноат мулки объектига муаллифлик ва эгалик ҳуқуқи (патент эгаси) хусусидаги низолар:

саноат мулки объекти муаллифи (муаллифлари) ёки патент эгаси (патент эгалари)нинг патентда нотўғри кўрсатилиши;

патент эгасида патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқи йўқлиги;

ғайриҳуқуқий равишда ўзлаштирилганлик факти асосларига биноан судда кўрилади.

Патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома бериш Апелляция кенгашига шикоят берилиши муносабати билан тўхтатиб қўйи-лиши мумкин.

Башарти низо судда қараб чиқиладиган бўлса, масала ҳал этилгунига қадар саноат мулки объектига доир иш юритили-ши Патент идораси томонидан тўхтатиб қўйилади.

Апелляция кенгашининг чиқарган қарорига рози бўлмаган исталган томон қарор қабул қилинган санадан бошлаб олти ой муддат ичида Олий судга мурожаат қилиши мумкин.

**28-модда.** Патент, дастлабки патент ёки гувоҳноманинг амал қилишини муддатидан илгари тўхтатиш

Патент, дастлабки патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши: ушбу Қонунга мувофиқ патент, дастлабки патент ёки гувоҳ-нома амал қилмаётган деб топилса;

патент, дастлабки патент ёки гувоҳномани амалда сақлаб туриш учун тўланадиган бож ўз вақтида тўланмаса;

Патент идорасига патент эгаси томонидан берилган ари-зага асосан муддатидан илгари тўхтатилади.

Патент, дастлабки патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши муддатидан илгари тўхтатилганлиги тўғрисидаги маълумот Па-тент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

## VII БОБ. САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

**29-модда.** Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидаан фойдаланиш

Ихтиронинг, фойдали моделнинг формула мустақил банди-га киритилган ҳар бир белгиси ёки унга муодил бўлган белги қўлланилган бўлса, маҳсулот (буюм) патент берилган ихтиро, фойдали моделдан фойдаланилган ҳолда тайёрланган, ихтиро патенти билан муҳофаза этиладиган усул эса, қўлланилган деб ҳисобланади.

Маҳсулотни олиш усулига берилган патентнинг амал қили-ши айнан шу усул ёрдамида олинган маҳсулотга нисбатан ҳам табиқ этилади.

Бунда инкорини исботловчи далиллар бўлмаса, бу янги маҳсулот патент берилган усулда олинган деб ҳисобланади.

Башарти маҳсулотда патент берилган саноат намунасининг барча муҳим аломатлари бўлса, у патент берилган саноат намуна-сидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган деб эътироф этилади.

### **30-модда.** Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи

Саноат мулки объектига оид талабнома устуворлиги сана-сига қадар унинг муаллифидан мустақил тарзда айнан ўхшаш бўлган ечимдан фойданган ёки шунга етарли даражада тайёр-гарлик кўрган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс кейин-чалик ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирмаган тарзда, ундан бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи ўзга жисмоний ёки юридик шахсга ўхшаш ечимдан фойдаланилган ёки фойдаланишга етарли даражада тайёргарлик кўрилган ишлаб чиқариш би-лан биргаликдагина топширилиши мумкин.

### **31-модда.** Саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш

Патент эгаси бўлмаган ҳар қандай шахс патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома билан муҳофазаланган саноат мулки объектидан фақат патент эгасининг рухсати билан лицензия шартномаси асосида фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтка-зилиши лозим.

Патент эгаси саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга топширишга рози эканлиги тўғри-сида Патент идорасига ариза бериши мумкин (очиқ лицен-зия). Бундай ҳолда Патент идораси бу хил аризалар тўғриси-даги маълумотларни эълон қилганидан кейинги йилдан бош-лаб, патентнинг амал қилишини сақлаб туриш учун тўланади-ган бож ҳақи 50 фризга камайтирилади.

Очиқ лицензияни сотиб олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан тўловлар ҳақида шартнома ёки оддий ли-цензияни бериш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Шартно-ма талаблари бўйича низолар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Патент эгасининг очиқ лицензияга ҳуқуқ берилиши ҳақидаги аризаси қайтариб олинмайди.

Вазирлар Маҳкамаси миллий хавфсизлик манфаатларини кўзлаб патент эгасининг рухсатисиз унга мутаносиб миқдорда товон тўлаш шarti билан саноат мулки объектидан фойдала-нишга рухсат бериши мумкин.

Товон миқдори тўғрисидаги низолар Олий ҳўжалик суди томонидан ҳал этилади.

Лицензия шартномаси асосида патент эгаси (лицензиар) саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқини ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини ўзга шахсга (лицензиатга) беради; лицензиат эса, шартномада кўрсатилган тўловларни лицензиарга тўлаш ва шартномада назарда тутилган бошқа талабларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Мутлақ лицензия берилса, лицензиатга шартномада қайд этиб ўтилган доирада саноат мулки объектдан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқ берилади, бунда лицензиар мазкур объектдан лицензиатга берилмаган доирада фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Оддий лицензия берилса, лицензиар саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга бериб, ихтиро, саноат намунасига олинган патент ва фойдали моделга олинган гувоҳномадан келиб чиқадиган барча ҳуқуқларни, шу жумладан бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқини ҳам ўзида сақлаб қолади.

Башарти патент эгаси саноат мулки объектдан унинг таркибида бошқа жисмоний ёки юридик шахсга қарашли муҳофазаланган ўзга объект қўлланилиши туфайли фойдалана олмаса, патент эгаси мазкур шахсдан шартномада назарда тутилган талаблар асосида бу объектдан фойдаланишга лицензия беришни талаб қилишга ҳақлидир.

**32-модда.** Саноат мулки объектларидан фойдаланишнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши

Муаллифлар ва саноат мулки объектларидан фойдаланувчи ҳўжалик юритиш субъектларига солиқ солиш ва кредит беришда имтиёзли шартлар белгиланади, шунингдек уларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа имтиёзлар берилади.

**33-модда.** Саноат мулки объектини ўз ичига олган янги техникани ишлаб чиқиш ва етказиб беришга буюртма

Саноат мулки объектларидан фойдаланилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш учун корхонага буюртма берган давлат бошқарув органи, башарти уларга доир патентлар, дастлабки патентлар ёки гувоҳномалар бошқа жисмоний ёки юридик шахсларга, шунингдек ажнабий патент эгаларига қарашли бўлса, етарли молиявий маблағ ажратиб, лицензия сотиб олинишини таъминлайди.

**34-модда.** Ихтиро муаллифларига мукофот пули бериш

Патент эгаси бўлмаган саноат мулки объектининг муаллифи (муаллифлари) мазкур объектдан фойдаланилганлиги ёки унга доир лицензия сотилганлиги учун мукофот пули олишга ҳақлидир (ҳақлидирлар), ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби иш берувчи, патент эгаси ёки уларнинг ҳуқуқий вориси билан тузилган шартнома асосида белгиланади.

Патент эгаси патент, дастлабки патент ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддати мобайнида саноат мулки объекти муаллифига қуйидагилар ҳисобидан ҳақ тўлайди:

объектдан фойдаланганликдан келадиган фойда (даромад);  
объектга тўғри келган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи;  
лицензия тўловлари.

Лицензия шартномаси бўйича мукофот пули лицензия шартномасида кўрсатилган тўлов валютасида тўланиши мумкин.

**35-модда.** Саноат мулки объектларини яратиш ва улардан фойдаланишда кўмаклашган шахсларга мукофот пули тўлаш

Патент эгаси (лицензиар) ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида ёки шартнома асосида ишлаб, саноат мулки объектларини яратиш, улардан фойдаланиш, уларга лицензия сотишга кўмаклашган шахсларга (шу жумладан мазкур корхонада ишламаётган шахсларга) мукофот пули тўлашга ҳақлидир.

Мукофот пули саноат мулки объектидан фойдаланиш бошланган ёки лицензия сотиш натижасида тўлов маблағлари тушган санадан бошлаб икки йил мобайнида қуйидагилар ҳисобидан тўланади:

объектдан фойдаланишдан тушган фойда (даромад);  
объектга тўғри келган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи;  
лицензия тўловлари.

Лицензия шартномаси бўйича мукофот пули лицензия шартномасида кўрсатилган тўлов валютасида тўланиши мумкин.

**VIII бoб. МУАЛЛИФЛАР ВА ПАТЕНТ ЭГАЛАРИ  
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**36-модда.** Муаллифларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари

Талабномани кўриб чиқишнинг исталган босқичида муаллиф ариза бериб, саноат мулки объектига ўзининг номини ёки махсус ном бериш ҳуқуқига эга.

Муаллиф саноат мулки объектини фойдаланишга тайёрлаш ишида шартнома асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Муаллифларнинг бошқа ҳуқуқ ва имтиёзлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Муаллифликни ўзлаштириш, ҳаммуаллифликка мажбур қилиш, саноат мулки объекти тўғрисидаги маълумотларни қонунга хилоф равишда ошкор қилиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

**37-модда.** Низоларни кўриб чиқувчи органлар

Ушбу Қонуннинг қўлланилиши билан боғлиқ низолар:

Патент идорасининг Апелляция кенгаши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

**38-модда.** Патент идорасининг Апелляция кенгаши

Апелляция кенгаши:

талабнома топширилган саноат мулки объектларига доир экспертиза хулосалари ва Патент идорасининг чиқарган қарорлар устидан тушган шикоятларни;

манфаатдор жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳофаза ҳужжатлари берилишига норозилик билдирган шикоятларини;

дастлабки патент ва гувоҳномаларнинг амал қилишига норозилик билдирилган шикоятларни;

патентлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги шикоятларни;

бошқа турдаги шикоятларни кўриб чиқади.

Апелляция кенгаши қарорлар қабул қилишда мустақил бўлиб, ўз фаоллигида ушбу Қонунга, Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Апелляция кенгаши тўғрисидаги низоомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Апелляция кенгаши таркибига Патент идорасининг раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бош экспертлари киради.

Патент идораси ваколатлари доирасида фақат Апелляция кенгашигина саноат мулкининг талабнома топширилган ёки муҳофазаланган объектини давлат илмий-техник экспертизадан қайта ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

**39-модда.** Низоларни суд тартибда кўриб чиқиш

Ўз ваколатларига мувофиқ:

Олий суд - патент берилганлиги ва патент юзасидан билдирилган эътирозлар тўғрисидаги мажбурий лицензия берилганлиги тўғрисидаги низоларни;

барча инстанциядаги судлар - саноат мулки объектига муаллифлик тўғрисидаги, ундан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши тўғрисидаги, патент эгасини аниқлаш тўғрисидаги, аввал фойдаланганлик ҳуқуқи тўғрисидаги низоларни; хўжалик судлари - патент эгасининг мулкий ҳуқуқлари тўғрисидаги, лицензия шартномаларининг ижроси тўғрисидаги, муаллифга мукофот пули тўлаш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқадилар.

**40-модда.** Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллиги

Саноат мулки объектларига нисбатан Патент идораси ва судда юридик ва жисмоний шахслар вакиллиги Патент вакиллари давлат реестрида рўйхатдан ўтган патент вакили томонидан таъминланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Патент вакиллари тўғрисидаги Низомга мувофиқ тарзда малака синовидан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси (жисмоний шахс) патент вакили сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

## IX БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

**41-модда.** Саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаштириш

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаштириш ҳуқуқига эгадирлар.

Саноат мулки объектларини патентлаштириш Патент идорасига талабнома топширилганидан кейин уч ой ўтгандан сўнг амалга оширилади.

Ушбу модданинг талабларини бузган ҳолда берилган патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва Патент идорасининг қарори билан бекор қилинади.

Саноат мулки объектини бошқа давлатда (давлатларда) гайриҳуқуқий равишда патентлаштирган ҳар қандай шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

**42-модда.** Бошқа давлатлар жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.



# ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ДАСТУРЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1994 йил 6 май

Ушбу Қонун ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари-ни яратиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва улардан фойдала-ниш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Қорақалпоғистон Республикасида ЭҲМ учун яратилган дас-турлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси бора-сидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

## 1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар:

маълумотлар базаси - электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (масалан: мақола-лар, ҳисоб-китоблар) мажмуи;

ЭҲМ учун яратилган дастур - муайян натижа олиш мақсади-да ЭҲМ, ЭҲМ шохобчалари ва бошқа компьютер воситалари-нинг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи;

бошланғич матн - бирорта дастурлаш тилида ёзилган, би-рон-бир компилятор қайта ишламаган матн;

объект коди - бошланғич матннинг машина кодига айлан-тирилиши натижасида юзага келган дастур;

ЭҲМ учун яратилган дастурни декомпиляция қилиш - ЭҲМ учун яратилган дастурнинг таркибий тузилиши ва кодланиши-ни ўрганиш мақсадида объект кодиди бошланғич матнга ай-лантиришни ўз ичига оладиган техникавий усул;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг адаптацияси - юзага келган муайян шароитда ЭҲМ учун яра-тилган дастур ёки маълумотлар базасининг ишлашни таъмин-лаш мақсадидагина амалга ошириладиган ҳамда (декомпиля-ция қилиш оқибатида) муаллифнинг бошланғич матни ўзгари-шига олиб келмайдиган қўшимчалар киритиш;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини мо-дификациялаш (қайта ишлаш) - уларни адаптация деб ҳисоб-

ланмайдиган ва бошланғич матн ўзгаришига олиб келадиган ҳар қандай тарзда ўзгартириш;

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан нусха олиш - ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ҳар қандай моддий шаклда битта ёки кўпроқ нусхада тайёрлаш ҳамда уларни ЭХМнинг хотирасига ёзиш;

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини тарқатиш - ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг ҳар қандай моддий шаклда, шу жумладан тармоқлар воситасида ва бошқа усуллар ёрдамида, шунингдек сотиш, прокатга бериш, ижарага топшириш, қарзга бериб туриш, жумладан ушбу мақсадларнинг исталгани учун импорт қилиш йўли билан олинган нусхаларидан фойдаланишни таъминлаш;

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини босиб чиқариш (эълон қилиш) - ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхаларини муаллифнинг розилиги билан номуайян шахслар доирасига бериш (шу жумладан ЭХМ хотирасига ёзиш ва босма матн чиқариш йўли билан бериш);

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш - уларни босиб чиқариш, улардан нусха олиш, уларни тарқатиш ҳамда ҳўжалик муомаласига (жумладан, модификациялаштирилган шаклда) киритиш юзасидан бошқа ҳаракатларни амалга ошириш. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг босиб чиқарилганлиги туғрисидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларининг маълум қилиши ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш деб эътироф қилинмайди.

Ҳуқуқ эгалари - муаллиф, унинг меросхўрлари, шунингдек қонун ёки шартнома асосида мутлақ шахсий ва мулкый ҳуқуқларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахслар.

## **2-модда.** Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки битимларида ушбу Қонунда назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

## **3-модда.** Ҳуқуқий ҳимоя объекти

Ушбу Қонун ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини муаллифлик ҳуқуқи объектлари сирасига кирилади.

Муаллифлик ҳуқуқи вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф ижодий фаолиятининг натижаси бўлмиш ҳар қандай ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқи токи акси исботланмагунга қадар сақланиб қолаверади.

Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқий ҳимоя:

ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда ифодаланиши мумкин бўлган ЭҲМ учун яратилган дастурларнинг барча хилига (шу жумладан, операция тизимлари ва дастурий мажмуаларга) нисбатан, бошланғич матн ва объект кодига нисбатан ҳам, шунингдек маълумотларни танлаш ва ташкил этиш бўйича ижодий меҳнатнинг натижаси бўлган маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади;

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари ехуд уларнинг бирон-бир қисмига асос бўлган ғоялар ва принципларга, шу жумладан интерфейс ҳамда алгоритм ташкил қилиш ғоялари ва принципларига, шунингдек дастурлаш тилларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**4-модда.** ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини эътироф этиш шартлари

ЭҲМ учун дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи улар яратилгач юзага келади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи эътироф этилиши ва рўёбга чиқарилиши учун рўйхатдан ўтказиш ёки ўзга расмийчиликларга риоя этиш талаб қилинмайди.

Муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлмаган материаллардан (асарлардан) таркиб топган маълумотлар базасига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи маълумотлар базасини яратган шахсларга тегишли бўлади.

Бошқа шахснинг муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлган материалларни ўз ичига олган маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бундай материалларнинг ҳар бирига нисбатан муаллифлик ҳуқуқига риоя қилинган тақдирдагина эътироф этилади.

Маълумотлар базасига киритилган материалларнинг ҳар бирига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи сақланади.

Бу материаллар маълумотлар базасидан қатъи назар ишлатилиши мумкин.

Маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг ушбу маълумотлар базасига кирган материаллар ва асарларни мустақил равишда танлаши ва ташкил этишига монелик қилмайди.

Ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш мақсадида ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг биринчи бор босиб чиқарилишидан эътиборан муаллифлик ҳуқуқининг уч қисмдан: доира ёки кичик қавс ичига олинган “С” ҳарфи; ҳуқуқ эгасининг номи (исми); ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси биринчи бор босиб чиқарилган йил кўрсатилган ёзувдан таркиб топган ҳимоя белгисини қўллаши мумкин.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқи уларнинг моддий ашёсига нисбатан мулк эгаллиги ҳуқуқи билан алоқадор эмас. Моддий ашёга нисбатан бўлган ҳуқуқларни ўзгаларга ҳар қандай тарзда бериш ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларидан бирортасининг ўзгаларга ўтиб қолишига сабаб бўлмайди.

**5-модда.** Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатлари

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатлари қонун ҳужжатларида кўзда тутилган муаллифлик ҳуқуқи нормаларига мувофиқ белгиланади.

**6-модда.** Муаллифлик, шахсий ва мулкий ҳуқуқлар

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

**7-модда.** Мулкий ҳуқуқларни ўзгаларга ўтказиш

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқлар шартнома бўйича ўзга жисмоний ёки юридик шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Шартнома

ёзма шаклда тузилади ва унда албатта қуйидагилар белгилаб қўйилади: ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳажми ва усуллари, ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пули миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати.

ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қонунда белгиланган тартибда мерос бўлиб ўтади.

**8-модда.** Хизмат вазифаларини бажариш тартибида яратилган ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар

Хизмат вазифаларини бажариш тартибида ёки иш берувчининг топшириғига биноан яратилган ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар иш берувчига, башарти у билан муаллиф ўртасидаги шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, тегишли бўлади.

Ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пули миқдори муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига нисбатан мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлган ташкилот ёки корхона (мулкчилик шаклидан қатъи назар) қайта ташкил қилинса, тарқатиб юборилса ёки тугатилса, барча мулкӣ ҳуқуқлар тегишли равишда суднинг ёки тугатиш комиссиясининг қарорига кўра муаллифга (муаллифларга), давлатга ёки бошқа ҳуқуқӣ во-рисга ўтказилиши мумкин.

**9-модда.** Рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи

ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари-га нисбатан барча шахсий ва мулкӣ ёки шартномага кўра фақат мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси-нинг, бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик шахслари дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳуқуқ эгаси ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини бевосита ёки ўз вакили орқали Дастурий маҳсуллар давлат реестри ёки Маълумотлар база-лари давлат реестрида (матнда бундан буён Реестр деб юри-гилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳузу-ридаги тегишли органга (матнда бундан буён Агентлик деб юритилади) талабнома бериш орқали рўйхатдан ўтказиши.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини рас-мий рўйхатдан ўтказиш сўралган талабнома (матнда бундан буён рўйхатдан ўтказиш талабномаси деб юритилади) ЭХМ учун

яратилган битта дастур ёки битта маълумотлар базасига тааллуқли бўлиши керак. Рўйхатдан ўтказиш талабномасини расмийлаштириш қоидаларини Агентлик белгилайди.

Рўйхатдан ўтказиш талабномаси келиб тушгач, Агентлик керакли ҳужжатларнинг бор-йўқлиги ва қоидаларнинг талабларга қанчалик мувофиқлигини текшириб чиқади. Текшириш натижаси ижобий бўлса, Агентлик ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини тегишли Реестрга киритади, талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома топширади ҳамда рўйхатдан ўтказилган ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаларига доир маълумотларни Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилади.

Талабнома берувчи Агентликнинг сўровига кўра ёки ўз ташаббуси билан маълумотлар расмий ахборотномада босиб чиқарилгунига қадар талабнома материалларини тўлдириш, уларга аниқлик киритиш ва уларни тузатишга ҳақлидир. Текшириш натижаси салбий бўлса, Агентлик талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини билдирувчи ҳужжат топширади.

Расмий рўйхатдан ўтказиш тартибини, расмий рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳнома шаклларини, уларда кўрсатиладиган маълумотлар таркибини Агентлик белгилайди. Расмий ахборотномада эълон қилинадиган маълумотлар рўйхати ҳам Агентлик томонидан белгиланади.

Рўйхатдан ўтказилган ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқлар бутунлай ўзгаларга берилиши тўғрисидаги шартнома Агентликда рўйхатдан ўтказилиши лозим. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқларнинг ўзгаларга ўтказилиши тўғрисидаги шартномалар томонларнинг келишувига биноан Агентликда рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Реестрга киритилган маълумотлар токи акси исботланмагунга қадар тўғри деб ҳисобланади. Кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун талабнома берувчи жавобгар бўлади.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаларини, шартномаларни расмий рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширилганлиги ва маълумотлар босиб чиқарилганлиги учун рўйхатдан ўтказганлик йиғимлари ундирилади. Рўйхатдан ўтказилганлик йиғимларини тўлаш миқдорлари, муддатлари, шунингдек уларни тўлашдан озод қилиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш асослари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

**10-модда.** ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаларини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказишга ёки уларни халқаро миқёсда рўйхатдан ўтказишга ҳақлидирлар.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш Агенгликка талабнома топширилганидан кейин амалга оширилади.

**11-модда.** ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида фойдаланиш

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиш ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади, ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўрсатилган ҳоллар бундан мусгасно.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базалари соғилганда ёхуд оммавий фойдаланувчилар учун бериб қўйилганда шартномалар тузишнинг алоҳида тартиби қўлланиши, хусусан ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаларининг берилаётган нусхаларида шартноманинг типик талаблари баён этиб қўйилиши мумкин.

**12-модда.** ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаларидан эркин нусха олиш ва уларнинг адаптацияси

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасидан қўшимча равишда рухсат олмаган ҳолда ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси ўз вазифасига монанд ишлаши билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, шу жумладан ЭХМга ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, шунингдек аниқ кўриниб турган хатоларни тузатишга ҳақлидир. ЭХМга ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, башарти, ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, битта ЭХМ ёки шохобчадаги битта фойдаланувчига нисбатан йўл қўйилади.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эса бўлган шахс ҳуқуқ эгасининг розилигини олмай ва унга қўшимча ҳақ тўламай туриб (башарти, шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса), қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир: ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини адаптациялашга; ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасини, ушбу кўчирма нусха архив мақсадларигагина мўлжалланган тақдирда ва қонуний тарзда олинган нусхани алмаштириш учун керак бўлиб қолган (ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг асл нусхаси йўқолиб қолган, йўқ қилинган ёки яроқсиз ҳолга келган) тақдирда ўзлари тайёрлашга ёки тайёрлаш учун топшириқ беришга. Бунда ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг кўчирма нусхасидан юқорида айтиб ўтилган мақсадлардан бўлак мақсадларда фойдаланиши мумкин эмас ва ЭХМ учун яратилган ушбу дастур ёки маълумотлар базасидан бундан буён фойдаланиш қонуний бўлмай қолса, улар йўқ қилиниши лозим.

ЭХМ учун яратилган дастур нусхасига ҳуқуқий жиҳатдан тўғри эга бўлган шахс муаллифнинг ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг ёзма розилиги бўлган тақдирдагина бу дастурнинг кодланиши ва таркибий тузилишини ўрганиш мақсадида уни декомпиляция қилиши мумкин.

**13-модда.** ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасини эркин олиб сотиш

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасига бўлган эгалик ҳуқуқи ёки ўзга мулкӣ ҳуқуқлар ушбу нусхага эгалик ҳуқуқи биринчи маротаба сотилганидан кейин ёки бошқача тарзда ўзгага ўтказилганидан кейин, ҳуқуқ эгасининг розилигини олмай ва унга қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда олиб сотилишига ёки бошқача усулда ўзгаларга ўтказилишига йўл қўйилади.

**14-модда.** Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари:

ҳуқуқлари тан олиншини;

ҳуқуқ бузилишига қадар мавжуд бўлган ҳолат тикланишини ва ҳуқуқни бузаётган ёки унинг бузилиши хавфини туғдираётган хатти-ҳаракатлар тўхталишини;



етказилган зарар унинг миқдорига ҳуқуқбузар томонидан ғайриқонуний олинган даромад суммасини қўшган ҳолда қопланишини;

фойда кўрган ҳуқуқбузардан етказилган зарар қопланиши ўрнига энг кам ойлик иш ҳақининг тегишли суд қарори билан белгиланадиган йигирма баробаридан минг баробаригача бўлган миқдорида товон тўланишини;

уларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилиниши билан боғлиқ қонунларда назарда тутилган ўзга чоралар кўрилишини талаб қилишга ҳақлидир.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини сўраб тегишли судга мурожаат этишлари мумкин.

Суд ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини мусодара этиш ва уларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суднинг қарори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд даъвогарнинг илтимосига биноан зарарларни қоплаш ҳисобига берилиши мумкин.

#### **15-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши**

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли ушбу Қонун талабларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаларининг нусхалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим.

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР  
ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАНИНГ УСТАВ  
ФОНДИГА УЛУШ СИФАТИДА  
КИРИТИЛАДИГАН АҚЛИЙ МУЛКНИ БАҲОЛАШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН

1996 йил 14 август № 194

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ БИЛАН

1997 йил 18 январда

“ЎЗИСТИҚБОЛСТАТ” ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ БИЛАН

1997 йил 16 январда

КЕЛИШИЛГАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА  
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

1997 йил 20 январь № 301

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-си 1996 йил 27 мартда 123-сон билан қабул қилган “1996 йил учун Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғри-сида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва давлат, Ўзбеки-стон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг устав фондига улуш сифатида киритадиган ақлий мулкни (АМ) баҳолаш тартиби-ни тартибга солади.

Низом юридик ва жисмоний шахсларнинг ақлий мулк объек-тлари (АМО)га эгалик қилиш, уларни тасарруф этиш, фойда-ланиш ёки бегоналаштиришда фойдаланишлари учун ҳам, АМС бозор қийматини баҳолаш билан боғлиқ фаолиятни амалг оширишларида ҳам қўлланма бўлиш учун мўлжалланган.

Ушбу Низом давлат мулки бўлган АМОни баҳолаш ўткази-лишининг барча ҳолатларида қўлланиш учун мажбурийдир.

## 2. Фойдаланилган тушунчалар

Ақлий мулк объектлари - 1) ақлий фаолият натижалари: фан, адабиёт ва санъат асарлари; эфир орқали эшиттириш - кўрсатиш ташкилотлари ижролари, фонограмма ва эшиттириш-кўрсатишлари; ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари; селекция ютуқлари; интеграл чизмалар топологиялари; ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау); 2) фуқаролик айланмалари қатнашчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштириш воситалари; фирма номлари; товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари); товарлар келиб чиққан жойлар номлари (келиб чиқиш кўрсатмалари); 3) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунларда кўзда тутилган ҳолларда ақлий фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик айланмалари қатнашчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштириш воситалари.

Баҳолаш объекти сифатида ақлий мулк - фуқаро ёки юридик шахснинг ақлий фаолият натижаларига ва/ёки фуқаролик айланмалари қатнашчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштириш воситаларига бўлган танҳо ҳуқуқи.

Ақлий мулкни баҳолаш - ақлий фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган юридик шахснинг индивидуаллаштириш воситалари, маҳсулот, бажарилаётган ишлар ёки хизматларни индивидуаллаштириш воситалари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ш.к.) фойдалилигини пул ифодасида белгилаш жараёни.

Номоддий активлар - моддий моҳиятга эга бўлмаган активларга бўлган ва унинг эгаларига узоқ давр давомида (бир йилдан ортиқ) муайян даромад ёки бошқа хил фойда олишни таъминлайдиган активларга нисбатан мулккий ҳуқуқлар.

Номоддий активлар қиймати - ишлаб турган корхона қиймати билан моддий активлар қиймати ўртасидаги тафовут. Моддий активлар қиймати икки қисмдан иборат бўлади:

мулккий ҳуқуқларнинг, шу жумладан бухгалтерия ҳисобининг муаъян объектлари кўринишида расмийлаштирилган (айни-ятлаштирилган) ақлий мулкка бўлган ҳуқуқларнинг қиймати;

бошқа номоддий активлар - умуман корхонанинг бозор қиймати билан моддий ҳамда айниятлаштирилган номоддий активлар қиймати ўртасидаги тафовут.

Ақлий мулк объектларининг бозор қиймати - мол-мулкнинг қиймати тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлган ва уни сотишга мажбур бўлмаган сотувчи сотишга рози бўлган, мол-мулкнинг қиймати тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлган ва уни харид қилишга мажбур бўлмаган харидор сотиб олишга рози бўлган пул суммасига тенг ҳисоб-китоб миқдори.

Ишлаб турган корхона доирасида ақлий мулк объектлари қиймати - ақлий мулк объектларининг фойдалилик мажмуини акс эттирадиган ҳамда товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш чоғида ягона яхлит сон сифатида корхона фаолияти натижаларига қўшиладиган улушни кўрсатадиган миқдор.

Ақлий фаолият натижалари мулкдори - қонунга ёки шартномага асосан унга АМОГа эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишга доир танҳо ундан фойдаланиш ва тасарруф этишга доир танҳо ҳуқуқ ёки ҳуқуқ тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс. Ақлий мулк натижасининг ҳуқуқий соҳиби ва АМО ҳуқуқи эгаси атамалари тенгдир. Мулкдорнинг мазкур ҳуқуқи давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва юридик жиҳатдан мустақамланади.

### **3. АҚЛИЙ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШДАН МАҚСАД**

АМОни кбаҳолаш хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг устав фондига киритиладиган АМОнинг бозор қийматини белгилаш мақсадида амалга оширилади.

### **4. ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТЕГИШЛИ АМО ОБЪЕКТНИ БАҲОЛАШГА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИ**

Барча мулкчилик шаклларидаги жисмоний ва юридик шахслар профессионал баҳоловчи экспертлар томонидан ушбу низомда кўзда тутилган асос ва шартларда уларга тегишли АМОни баҳолаш ўтказилиши учун ҳуқуққа эгадирлар.

Баҳолашга бўлган ҳуқуқ шак-шубҳасиз ҳисобланади ва амалдаги қонунларда белгиланган, номоддий ативлар кўринишида ақлий мулкнинг давлат статистика ҳисоби тартибига боғлиқ эмас.

Ақлий мулкни баҳолаш тўғрисида амалдаги қонунларда белгиланган қўллаш учун мажбурий қоидалар, шунингдек ушбу қоидаларга мувофиқ равишда тузилган сертификатлар ва баҳолаш хулосалари мавжудлиги жисмоний ва юридик шахслар томонидан ана шу АМОни бошқа профессионал баҳоловчи экспертлар такроран баҳолашга бўлган ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун тўсиқ бўлмайди.

## **5. БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ (БАҲОЛОВЧИ ЭКСПЕРТЛАР)**

Ақлий мулк объектларини баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар (давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатлар), шунингдек хусусий тадбиркорлар баҳолаш фаолияти субъектлари (баҳоловчи экспертлар) сифатида тан олинади.

Махсус объектларга нисбатан баҳолаш фаолиятини фақат давлат профессионал баҳоловчилари амалга оширадиган қоидалар белгиланиши мумкин.

Баҳолаш фаолияти субъектлари баҳолаш объектининг соҳиби ёки мулкдори билан маъмурий жиҳатдан ёки бошқача тусдаги боғлиқликда бўлиши мумкин эмас.

## **6. БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

АМОни баҳолаш бўйича баҳолаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан буюртмали тартибда амалга оширилади.

Баҳолаш фаолиятини амалга оширишнинг бирдан-бир шартлари қуйидагилардан иборат:

а) жисмоний шахсда малака-маълумот сертификати ёки унинг баҳоловчи эксперт сифатида касбкор таълими курсини ўтганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатнинг бўлиши;

б) жисмоний шахснинг хусусий тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилгани.

Мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхона ва ташкилотлар учун қуйидагилар баҳолаш фаолиятини амалга оширишнинг бирдан-бир шартлари ҳисобланади:

а) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилгани;

б) юридик шахс Уставида ақлий мулкни баҳолашга доир фаолият турининг мавжудлиги;

в) корхона ёки ташкилот штатида малака-маълумот сертификатига эга бўлган камида уч ходимнинг бўлиши.

## **7. АҚЛИЙ МУЛКНИ БАҲОЛАШ ОБЪЕКТЛАРИ**

АМО мулкдорлари ушбу объектларга нисбатан шахсий номулкий ва мулккий ҳуқуқларга эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ ҳуқуқий муҳофаза эга бўлган (яъни Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа давлатлар Давлат патент идорасининг патенти, дастлабки патенти ёки гувоҳномаси билан тасдиқланган) қуйидаги АМОларга доир мулккий ҳуқуқлар баҳолаш объектлари ҳисобланади:

- ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;
- селекция ютуқлари;
- товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);
- ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари.

Низом амалдаги қонунларга биноан фуқаролик айланмасида иштирок этиш имконияти берилган ва ҳозирги пайтда патентлар ёки гувоҳномалар билан қайд этилиши мумкин бўлмаган АМО ва бошқа номоддий активларга доир мулккий ҳуқуқларни баҳолашни ҳам кўзда тутди. Уларга қуйидагилар киради:

- фан, адабиёт ва санъат асарлари;
- фонограммалар ижроси ва эфир орқали эшиттириш-кўрсатиш ташкилотларининг эшиттирув ва кўрсатувлари;
- интеграл микрочизмалар топологиялари;
- очиб берилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);
- фирма номлари;
- товарларнинг келиб чиқиш жойлари номлари (келиб чиқиш кўрсатмалари);
- ақлий фаолиятнинг бошқа натижалари ва фуқаролик айланмаси иштирокчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштириш воситалари.

АМО ҳар бир турини баҳолаш ҳисоб-китобнинг ўзига хос усулларига ҳамда уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва та-сарруф этишга доир иқтисодий муносабатларга асосланади.

## **8. АҚЛИЙ МУЛКНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ**

АМО қийматини белгилаш учун ушбу объектларга доир та-нҳо ҳуқуқларга эга бўлган корхоналар давлат ваколат берган

органларга ёки АМОни баҳолайдиган мустақил баҳоловчи экспертларга буюртманома (1-илова) билан мурожаат қиладилар. Буюртманомада баҳолашдан мақсад, баҳоланаётган АМОнинг белгилаш керак бўлган тури кўрсатилади.

Баҳолашни амалга ошириш учун буюртмачи билан ижрочи ўртасида икки томонлама шартнома тузилади, унда томонларнинг ўзаро муносабатлари: шартнома мавзуси, баҳолашни ўтказиш муддатлари, топшириқ бўйича бажарилган ишнинг қиймати ва унга ҳақ тўлаш шартлари, томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва жавобгарлиги ва ҳоказолар акс эттирилади.

Баҳолашнинг пировард натижаси Холимлигини таъминлаш учун буюртмачи баҳоловчига баҳолаш объектларини бир тусда айниятлаштириш имкониятини таъминлайдиган тўлиқ ва мазмундор ахборотни тақдим этиши шарт.

Агар тақдим қилинган ахборот бирор-бир сабаблар туфайли шубҳа туғдирадиган бўлса, баҳоловчи эксперт қўшимча тунунтиришлар беришини сўраб буюртмачига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Баҳолаш пайтида баҳоловчи эксперт баҳолаш объектининг барча техник-иқтисодий, илмий-техника, конструкторлик-технология, конъюктуравий ва бошқа хусусиятларини тўлиқ даражада эътиборга олиши шарт.

АМО қийматини баҳолаш натижаси баҳоловчи эксперт томонидан батафсил ҳисобот ва хулоса кўринишида (2-илова) расмийлаштирилади, унда буюртмачи ташкилотининг номи, мақсад тавсифи ва баҳолаш вазифалари, баҳолаш саналари, қўлланиладиган андозалар ва баҳолаш усуллари, шунингдек баҳолаш натижалари ва ҳисобот хулосасини тўлиқ ҳамда очиқравшан шарҳлаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Давлат муассасаси АМО қиймати баҳоланган тақдирда баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида келишиб олиниши керак (3-илова).

Ҳисоботда қуйидаги маълумотлар мажбурий тарзда келтирилиши шарт:

а) тузилган сана;

б) баҳолашни ўтказиш учун асос;

в) баҳоловчи эксперт тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан малака аттестати (сертификат) ва баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия тўғрисидаги маълумотлар;

г) баҳоланган объект (объектлар) ва унинг (уларнинг) мулкдорлари тўғрисидаги аниқ маълумотлар;

д) баҳолаш натижасида аниқланган объект қиймати турини белгилаш йўли билан баҳолаш мавзусини кўрсатиш;

е) тегишли қийматни аниқлаш учун фойдаланилган махсус услубиятни (баҳолаш қоидаларини) кўрсатиш, объектни баҳолаш пайтида қабул қилинган мазку объектни баҳолаш ўтказилганда ундан фойдаланиш асосланмаси, уларни олиш манбаларини кўрсатган ҳолда баҳолашни ўтказиш чоғида фойдаланилган маълумотларнинг йўл қўйилган рўйхати;

ж) объектни баҳолашнинг тўлиқ ҳисоб-китоби ва унинг якуни, шунингдек олинган натижани қўллашнинг чегараланиши ва доираси.

Ҳисоботда баҳоловчи экспертнинг хоҳишига ёки буюртмачининг талаби кўра баҳолаш объектининг қийматини асослаш учун ва улар томонидан қўлланилган муайян АМО қийматини ҳисоб-китоб қилиш усулини тўлиқ акс эттириш учун муҳим бўлган ҳар қандай бошқа маълумотлар ҳам келтирилиши мумкин.

Баҳоловчи эксперт хулосаси асосида баҳолаш сертификати (4-илова) расмийлаштирилади, унда АМОНинг бозор қиймати тўғрисидаги ахборот, объектнинг номи, унинг рўйхатга олиниш рақами (патент ёки бошқа ҳужжат бўйича), баҳолаш қиймати кўрсатилади ҳамда баҳолашни ўтказган корхонанинг муҳри, раҳбар имзолари билан расмий равишда тасдиқланади.

Баҳолашни ўтказиш буюртмачиси ва баҳоловчи эксперт объектни баҳолаш тўғрисидаги хулоса ва баҳолаш сертификатини у тузилган санадан бошлаб камида уч йил давомида сақлашлари шарт.

## **9. АҚЛИЙ МУЛКНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАСИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР**

АМОНинг умумий қиймати янгилик даражаси, бундан буён тижоратда фойдаланиш имкониятлари ва бошқа бир талай омилларга боғлиқ бўлади.

АМОни баҳолаш чоғида:

- ҳақиқатда фойдаланилган АМОНинг бозор қиймати, қўлланилиши прогноз қилинаётган АМОНинг кутилаётган қиймати ҳисобга олинади;



- АМОдан фойдаланишга доир ҳуқуқларнинг таҳлили ва иқтисодий баҳоланиши амалга оширилади;

- АМОни ишлатишдан олинадиган фойда (даромад)нинг бўлғуси ҳажми ҳисобланади (АМО ишлаштиладиган маҳсулот бирлигининг дунёдаги ўртача ва ички нархлар кўрсаткичларидан фойдаланиш билан);

- ҳар бир АМОдан алоҳида ёки ўзаро боғланган, биргаликда фойдаланилган чоғда бўлажак самарани амалга оширишнинг техник-иқтисодий исқонияти эҳтимоли белгиланади;

- АМОни рўёбга чиқаришнинг техник хатари кўрсаткичлари, бозор рақобат қилувчи товарлар ва хизматлар мавжудлиги ҳисоб-китоб қилинади;

- Устав фондида, корхона фойдаси (даромади)да АМОнинг улуши иштироки ҳисоб-китоб қилинади.

АМО қийматини баҳолашда фойдаланиладиган усуллар ана шу ва бошқа омилларни ҳисобга олади ҳамда баҳоловчи экспертлар томонидан уларнинг узил-кесил қийматини белгилашда қўлланади.

АМО муайян турини баҳолаш мазкур Низом асосида ва унга мувофиқ ишлаб чиқилладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ тасдиқлайдиган маҳсус қоидалар, услубият ва усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

## **10. АҚЛИЙ МУЛК ҚИЙМАТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ**

Ақлий мулк қийматини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ белгиланади.

АМОнинг баҳолаш қийматини хорижий инвестициялар жалб этилган корхонанинг Устав фондига, шунингдек уларнинг мулкчилик шакли ўзгарган чоғда корхона объектларининг умумий қийматига киритиш тўғрисида қарорни қуйидагилар қабул қилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси - давлат мулки объектлари бўйича;

б) бошқарувнинг олий органи - мулкчиликнинг бошқа (нодавлат) шаклларига мансуб объектлари бўйича.

АМОни корхонанинг Устав фондига киритилган чоғда АМОга эгалик қилиш ҳуқуқи ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи пул ифо-

дасида баҳоланади ҳамда корхона балансида номоддий активлар сифатида ҳисобга олинади (04-"Номоддий активлар" ҳисобварағи).

Асосий ишлаб чиқариш фондларини тўлиқ тиклаш учун АМО амортизация ажратмалари солиқ солинадиган даврдан келиб чиқиб ҳисоблаб ёзилади ва сотилган маҳсулот таннархининг калькуляциясида ҳисобга олинади (05-"Номоддий активлар амортизацияси" ҳисобварағи). Бунда солиқ солинадиган давр патент ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади:

- патент бўйича ихтироларга - 20 йил (дастлабки патент бўйича - 5 йил);

- патент бўйича саноат намунасига - 10 йил (дастлабки патент бўйича - 5 йил);

- гувоҳномалар бўйича фойдали моделга, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига - 5 йил;

- ақлий мулкнинг патентлар, гувоҳнома ёки лицензиялар билан қайд этилмаган бошқа объектлари бўйича - улар қиймати баҳолаш санасидан бошлаб 5 йил.

Уларга бўлган мулкий ҳуқуқлар таъсис ҳужжатлари асосида Устав фондига киритиладиган, муҳофаза ҳужжатлари (патентлар, гувоҳномалар) билан тасдиқланган барча ақлий мулк объектлари Ўзбекистон Республикаси Давлат патент гувоҳномасида рўйхатга олинган лицензия битими (шартномаси) ёки ҳуқуқларни бировга бериш тўғрисидаги, нотариус томонидан тасдиқланган муаллиф шартномаси бўйича янги мулкдорга ўтади. Агар таъсис ҳужжатларида айтилган ёки корхонани бошқариш олий органининг қарори мавжуд бўлса, АМО муаллифлари корхонанинг мулкий улушларини қайта тақсимлаш чоғида ўз улушларини олишга ҳақли бўладилар.

Корхона томонидан муҳофаза ҳужжати (патент, гувоҳнома) олинган АМО муаллифи ушбу объектга доир лицензиядан фойдаланганлик ёки уни сотганлик учун тақдирланиш ҳуқуқига эгадир. Тақдирлаш миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ёки патент соҳиби ёхуд уларнинг ворислари ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади.

Қиймати корхонанинг Устав фондига киритилган ва корхона балансида ҳисобга олинган АМОлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуларидан белгиланган тартибда солиқ имтиёзларидан фойдаланади.

Мамлакатимиз ва хорижий инвесторларнинг номоддий активлар кўринишида қўшма корхоналар Устав фондига улуш

сифатида киритиладиган ақлий мулк объектлари, давлат корхонаси базасида қўшма корхона барпо этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси (ФТДҚ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкени бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (ДМҚ)нинг эксперт баҳосини олиши керак. Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ томонидан берилган АМОни баҳолаш ҳулоасиси Устав фондини шакллантириш ва белгиланган тартибда қўшма корхонани рўйхатдан ўтказиш учун асос ҳисобланади. Хорижий давлат ёки халқаро ташкилот мустақил экспертнинг АМОни баҳолаш сертификати Ўзбекистон Республикаси ДМҚ ва ФТДҚда келишиб олиниши керак.

1-илова

**Ақлий мулк объектларини баҳолашни ўтказишга  
БУЮРТМАНОМА**

199\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (буюртмачи идора, ташкилот номи)

Объект номи: \_\_\_\_\_

Баҳолаш мақсади: \_\_\_\_\_

Баҳоланаётган объект тури: \_\_\_\_\_

(патент, товар белгиси, конструкторлик-технология  
ҳужжатлари ва к.к.)

Ташкилот АМОни баҳолашни ўтказиш тўғрисидаги  
шартнома шартлари бажарилишини кафолатлайди.

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_

ФИО

(корхона)

М.ў.

2-илова

Келишилган  
Буюртмачи ташкилот  
раҳбари  
\_\_\_\_\_ (ФИО)

199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Тасдиқлайман  
Баҳоловчи ташкилот  
раҳбари  
\_\_\_\_\_ (ФИО)

199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

**Ақлий мулкнинг қиймати тўғрисида  
ХУЛОСА**

Шаҳар \_\_\_\_\_ Сана \_\_\_\_\_

1. Буюртмачи ташкилот: \_\_\_\_\_  
(номи, манзили)

2. Баҳолаш объекти номи \_\_\_\_\_

3. Баҳолашдан мақсад: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

4. Объектнинг баҳолаш қиймати: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

5. Қўшимча ахборот: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Баҳоловчи \_\_\_\_\_ (ФИО)

199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

3-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН  
ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

(ақлий мулкни баҳоловчи ташкилот номи)

Келишилган  
Буюртмачи ташкилот  
раҳбари

\_\_\_\_\_//  
199\_ йил " \_ " \_\_\_\_\_

Тасдиқланган  
Ижрочи ташкилот  
раҳбари

\_\_\_\_\_//  
199\_ йил " \_ " \_\_\_\_\_

**Ақлий мулк қийматини  
баҳолаш тўғрисида  
ҲИСОБОТ**

(корхона номи)

Баҳолаш санаси 199\_ йил " \_ " \_\_\_\_\_

Тошкент - 199\_ йил.

4-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

**Ақлий мулк қийматини  
баҳолаш тўғрисида  
ХУЛОСА**

\_\_\_\_\_ (корхона номи)

Корхона ақлий мулкнинг қиймати

\_\_\_\_\_ минг сўм суммасида

(сумма рақам билан ва ёзувда)

баҳоланди;

шу жумладан:

\_\_\_\_\_ (ақлий мулк объекти тури)

\_\_\_\_\_ сўм;

\_\_\_\_\_ (сумма рақам билан ва ёзувда)

\_\_\_\_\_ (ақлий мулк объекти тури)

\_\_\_\_\_ сўм;

\_\_\_\_\_ (сумма рақам билан ва ёзувда)

\_\_\_\_\_ (ақлий мулк объекти тури)

\_\_\_\_\_ сўм;

\_\_\_\_\_ (сумма рақам билан ва ёзувда)

\_\_\_\_\_ (ақлий мулк объекти тури)

\_\_\_\_\_ сўм;

\_\_\_\_\_ (сумма рақам билан ва ёзувда)

\_\_\_\_\_ (ақлий мулк объекти тури)

\_\_\_\_\_ сўм;

\_\_\_\_\_ (сумма рақам билан ва ёзувда)

\_\_\_\_\_ (ақлий мулк объекти тури)

\_\_\_\_\_ сўм;

\_\_\_\_\_ (сумма рақам билан ва ёзувда)

\_\_\_\_\_ (ақлий мулк объекти тури)

\_\_\_\_\_ сўм;  
(сумма рақам билан ва ёзувда)

\_\_\_\_\_ (ақлий мулк объекти тури)

\_\_\_\_\_ сўм;  
(сумма рақам билан ва ёзувда)

\_\_\_\_\_ (ақлий мулк объекти тури)

\_\_\_\_\_ сўм;  
(сумма рақам билан ва ёзувда)

Раҳбар

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(ФИО)

Баҳолаш санаси: 199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Рўйхат N\_\_ 199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

М.Ў.



**VIII БОБ.**  
**МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР СИФАТИ.**  
**ИСТЕЪМОЛЧИЛАР**  
**ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.**  
**МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТНИ**  
**ЧЕКЛАШ**

## МАҲСУЛОТЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1993 йил 28 декабрь № 1006-ХП

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа объектларни (матнда бундан кейин “маҳсулотлар” деб юритилади) сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини; шунингдек сертификатлаштириш иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилаб беради.

### І боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-модда. Асосий тушунчалар

Мазкур Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилмоқда:

“сертификатлаштириш миллий тизими” - давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлаштириш ўтказишда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизим;

“маҳсулотларни сертификатлаштириш” (матнда бундан кейин “сертификатлаштириш” деб юритилади) - маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият;

“мувофиқлик сертификати” - сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат;

“мувофиқлик белгиси” - муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги;

“бир турдаги маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш тизими” - айни бир хил стандартлар ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқли сертификатлаштириш тизими;

“синов лабораториясини аккредитация қилиш” - синов лабораториясининг (марказининг) муайян маҳсулот синовини ёки

муайян синов турини амалга оширишга доир ваколатларининг расмий эътирофи.

**2-модда.** Сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифалари

Сертификатлаштириш:

одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавfli бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;

маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;

мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотикда иштирок этишлари учун шароит яратиш;

истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;

маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади.

**3-модда.** Сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Сертификатлаштириш соҳасидаги муносабатлар мазкур Қонун ва унга мувофиқ чиқариладиган Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**4-модда.** Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти, халқаро шартнома ёки битимда сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома ёки битимнинг қоидалари қўлланилади.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш органлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази (матнда бундан кейин "Ўздавстандарт" деб юри-

тилади) Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш органидир.

“Ўздавстандарт” мазкур Қонунга мувофиқ:

сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, сертификатлаштириш ўтказиш юзасидан умумий қоидаларни белгилайди, улар тўғрисида расмий ахборотлар эълон қилиб боради;

сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни Ҳукумат муҳокамасига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда сертификатлаштиришнинг халқаро тизимларига қўшилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, шунингдек сертификатлаштириш натижаларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида битимлар тузади, сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

мажбурий равишда сертификатланадиган маҳсулотларнинг рўйхатини белгилайди;

бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларини ва синов лабораторияларини (марказларини) аккредитация қилади;

сертификатланган маҳсулотларнинг, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг), экспертларнинг Давлат реестрини юритади;

бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) сертификатлаштириш қоидаларига риоя этиши устидан ва сертификатланган маҳсулотлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалга оширади;

қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги учун мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгиларини бекор қилади ҳамда амал қилишини тўхтатиб қўяди, сертификатлаштириш органларининг аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини бекор қилади, синов лабораторияларининг (марказларининг) фаолиятини тугатади.

“Ўздавстандарт”нинг сертификатлаштириш соҳасидаги фаолиятини молиявий таъминлаш манбаи - давлат бюджети маблағи, шунингдек “Ўздавстандарт” кўрсатаётган хизмат учун олинadиган ҳақдан иборат.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар:

бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларини тузадилар ва уларнинг амал қилишини таъминлайдилар;

сертификатлаштиришни ташкил этадилар ва ўтказадилар; миллий мувофиқлик сертификатларини расмийлаштирадилар, берадилар ёки чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этадилар;

сертификатланган маҳсулотлар устидан назоратни амалга оширадилар.

Синов лабораторияларини (марказларини) ва сертификатлаштириш органларини аккредитация қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни аризачи қоплайди.

Тегишли сертификатлаштириш тизими белгилаган тартибда аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) муайян маҳсулотларнинг синовини ёки муайян синов турини амалга оширадилар ҳамда сертификатлаштириш мақсадлари учун баённомалар берадилар.

“Ўздавстандарт” ўз вазифаларининг бир қисмини бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларига ва синов лабораторияларига (марказларига) ўтказишга ҳақлидир.

#### **6-модда.** Сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари

Маҳсулотлар (шу жумладан дастурий ва бошқа илмий-техникавий маҳсулотлар), хизматлар, шунингдек сифат тизимлари сертификатлаштириш объектлари ҳисобланади.

“Ўздавстандарт” ва давлат бошқарувининг бошқа органлари, “Ўздавстандарт” томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари), мулк шаклидан қатъи назар, маҳсулоти сертификатлаштирилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, жисмоний шахслар сертификатлаштириш субъектлари ҳисобланадилар.

Сертификатлаштириш субъектлари - юридик шахслар сертификатлаштириш миллий тизими доирасида сертификатлаштириш тизимлари тузишлари мумкин. Юридик шахсларнинг сертификатлаштириш тизимлари “Ўздавстандарт” белгилаган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

## II БОБ. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИГА ДОИР УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

### 7-модда. Мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси

Маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқлангани тақдирда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификати беради, тайёрловчи ана шу сертификат асосида мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сертификатлаштириш тизимида фойдаланиладиган мувофиқлик сертификатларининг, аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг намуналари, миллий мувофиқлик белгисининг шакллари ва ҳажмлари “Ўздавстандарт” томонидан тасдиқланади.

Мувофиқлик сертификatlари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари “Ўздавстандарт” томонидан белгиланган тартибда Давлат реестридан ўтказилиши шарт.

Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилмаган мувофиқлик сертификatlари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари ҳақиқий эмас.

Мувофиқлик сертификатидан, мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳамда сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини аризачи бошқа юридик ёки жисмоний шахсга бериши ман этилади.

### 8-модда. Сертификатлаштириш фаолиятига лицензия бериш

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйган тартибда бериладиган лицензия асосида мувофиқлик сертификати берадилар ва сертификатлаштириш мақсадида синов ўтказадилар.

Лицензия шартномалари тузиш тартибини “Ўздавстандарт” белгилайди.

Маҳсулотларни сертификатлаштириш вақтида аризачига мувофиқлик сертификатини ёки мувофиқлик белгисини қўллаш

хуқуқи аккредитация қилинган тегишли сертификатлаштириш органи билан тузилган битим асосида берилади.

**9-модда.** Сертификатлаштириш тўғрисида ахборот

“Ўздавстандарт” тайёрловчиларни (ижрочиларни), сотувчиларни, истеъмолчиларни ва бошқа манфаатдор шахсларни сертификатлаштиришнинг амалдаги тизимлари, уларнинг органлари, синов лабораториялари (марказлари), экспертлар тўғрисида, шунингдек мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари ва уларни қўллаш қоидалари тўғрисида хабардор этиб боради.

Сертификатлаштириш органлари аризачига унинг талаби-га биноан маҳсулотни сертификатлаштириш учун керакли ахборотни беришлари шарт.

Аризачи сертификатлаштириш органининг талабига биноан сертификатлаштириш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиши шарт, тижорат сири ҳисобланган маълумотлар бундан мустасно.

### **III БОБ. МАҲСУЛОТЛАРНИ МАЖБУРИЙ ВА ИХТИЁРИЙ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ**

**10-модда.** Мажбурий сертификатлаштиришни жорий этиш

Мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш ишларини ташкил этиш “Ўздавстандарт” зиммасига ёки унинг топширигига биноан бошқа сертификатлаштириш органларига (уларни албатта аккредитация қилган ҳолда) юклатилади.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотларни тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш ёки сақлаш хавфсизлигини таъминловчи талаблар бўлмаган тақдирда давлат бошқарувининг тегишли органи бундай талабномаларни кечиктирмай ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт.

**11-модда.** Мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш шартлари

Мажбурий сертификатлаштириш норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ маҳсулот хусусиятини аниқлаш учун уни

синашни, сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати ўрнатишни ўз ичига олади.

Синовлар аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) томонидан тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган усулларда, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса тегишли сертификатлаштириш органлари ишлаб чиққан усулларда амалга оширилади.

Мажбурий сертификатлаштириш ишлари учун аризачи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ҳақ тўлайди.

Аризачи ўз маҳсулотини мажбурий сertiфикатлаштиришдан ўтказишга сарфлаган маблағлар суммаси шу маҳсулот таннархига қўшилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, аммо мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган маҳсулотни тарғиб қилиш ман этилади.

### **12-модда.** Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларга қўйиладиган талаблар

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар қуйидаги ҳолларда:

сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса;

сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса;

агар сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки унинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган (бекор қилинган) бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши мумкин эмас.

Қонунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни реализация қилиш ман этилади.

### **13-модда.** Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш вақтидаги мажбуриятлари

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни реализация қилувчи тайёрловчилар (тадбиркорлар):

мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни, сертификатлаштиришга тақдим этишлари;

сертификатланган маҳсулотни сертификатлаш органларининг ўзи ёки улар эътироф этган органлар берган сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина реализация қилишлари ва унинг норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлишини таъминлашлари;



сертификатланган маҳсулотни, башарти, у норматив ҳужжат талабларига мувофиқ келмаса, шунингдек сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёхуд унинг амал қилиши сертификатлаштириш органининг қарори билан тўхтатиб қўйилган ёки бекор қилинган бўлса, реализация қилишни тўхтатиб қўйишлари ёки тугатишлари;

мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштирувчи ва сертификатланган маҳсулотни назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларини монеликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари;

сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳужжатларига ёки технологик жараёнига киритилган ўзгартишлар ҳақида сертификатлаштириш органини белгиланган тартибда хабардор этишлари;

илова қилинган техник ҳужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив ҳужжатларни кўрсатишлари ва бу маълумотлар истеъмолчи (харидор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт.

**14-модда.** Четдан олиб келинадиган ва четга олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар (шартномалар) шартида маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи, "Ўздавстандарт" томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак.

Миллий мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари ёки бошқа давлатларнинг "Ўздавстандарт" томонидан эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона назорати органларига юкка тааллуқли божхона декларацияси билан биргаликда тақдим этилади ва улар маҳсулотни республика ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар ҳисобланади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотнинг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган тақдирда божхона назорати органлари бу хусусда "Ўздавстандарт"ни хабардор этадилар

ҳамда маҳсулотни сертификатлаштиришдан ўтказиш ёки чет эл сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига мувофиқ ҳал этилгунга қадар бу маҳсулотни четдан олиб киришни тақиқлаб қўядилар.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

**15-модда.** Мажбурий сертификатлаштириш ишларининг давлат томонидан молиявий таъминоти

Қуйидаги ишлар:

сертификатлаштиришни ривожлантиришнинг истиқболларини, уни ўтказиш қоидалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш; сертификатлаштириш соҳасида расмий ахборотлар билан таъминлаш;

ҳалқаро (минтақавий) сертификатлаштириш ташкилотлари ишида қатнашиш ҳамда чет эл миллий сертификатлаштириш органлари билан биргаликда ишлар ўтказиш;

• сертификатлаштириш юзасидан халқаро (минтақавий) қоидалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

сертификатлаштириш юзасидан умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ишлари ва бошқа ишлар олиб бориш;

сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати олиб бориш ишлари давлат томонидан молиявий таъминланади.

**16-модда.** Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилишини давлат томонидан текшириш ва назорат қилиш

Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг, сотувчиларнинг, ижрочиларнинг), синов лабораторияларининг (марказларининг), сертификатлаштириш органларининг мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этишлари устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратини "Ўздавстандарт"нинг давлат инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва шартларда амалга оширадилар.

**17-модда.** Ихтиёрий сертификатлаштириш

Ҳар қандай маҳсулот норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний

шахснинг ташаббуси билан ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкин.

**18-модда.** Ихтиёрий сертификатлаштиришни амалга оширувчи субъектлар

Ихтиёрий сертификатлаштиришни “Ўздавстандарт” белгилаб қўйган тартибда аккредитация қилинган юридик ва жисмоний шахслар амалга оширишга ҳақлидир.

**19-модда.** Ихтиёрий сертификатлаштириш тизимлари

Сертификатлаштириш қоидалари ва тартибини белгиловчи ихтиёрий сертификатлаштириш тизимларини аккредитация қилинган органлар “Ўздавстандарт” билан келишган ҳолда белгилайдилар.

#### **IV боб. НИЗОЛАРНИ ҚАРАБ ЧИҚИШ. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

**20-модда.** Мазкур Қонунни қўллаш билан боғлиқ низоларни қараб чиқиш

Мазкур Қонунни қўллаш билан боғлиқ низолар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда қараб чиқилади.

**21-модда.** Шикоятларни қараб чиқиш

Сертификатлаштириш натижаларидан норози бўлган тақдирда манфаатдор томон “Ўздавстандарт”нинг Шикоятларни қараб чиқиш кенгашига мурожаат этишга ҳақлидир.

Шикоятларни қараб чиқиш кенгаши тўғрисидаги низомни “Ўздавстандарт” ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

“Ўздавстандарт”нинг Шикоятларни қараб чиқиш кенгаши сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) қарорлари устидан берилган шикоят аризаларини қараб чиқади.

Шикоят аризалари икки ҳафта ичида қараб чиқилади.

“Ўздавстандарт”нинг, Шикоятларни қараб чиқиш кенгашининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда Олий судга ёки Олий ҳўжалик судига шикоят қилиш мумкин.

**22-модда.** Сертификатлаштириш органларининг ва синов лабораторияларининг (марказларининг) жавобгарлиги

Сертификатлаштириш органи:  
мувофиқлик сертификатини асоссиз ва қонунга хилоф тарзда берганлик учун;

аризачига нисбатан қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар қилганлик учун;

аризачининг тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор этганлик учун жавобгар бўлади.

Аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази) сертификатлаштириш органига синовларнинг натижалари ҳақида нотўғри маълумот берганлик учун жавобгар бўлади.

Сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) мазкур моддада айтиб ўтилган хатти-ҳаракатлар натижасида аризачига етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шарт.

**23-модда.** Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиги

Тайёрловчилар (тадбиркорлар):

маҳсулотларни мувофиқлик сертификатисиз, шунингдек қонунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси тамғаси босилган маҳсулотни реализация қилганлик учун;

мувофиқлик сертификати бўлмаган маҳсулотларни тарғибот қилганлик учун;

“Ўздавстандарт”нинг ёки у ваколат берган органларнинг кўрсатмасига биноан реализация қилиш тўхтатиб ёки тақиқлаб қўйилган маҳсулотларни реализация қилганлик учун жавобгар бўладилар.

Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун тайёрловчилар (тадбиркорлар) “Ўздавстандарт” ёки у ваколат берган сертификатлаштириш органларининг тақдимномаси асосида суднинг қарори билан давлат бюджети ҳисобига реализация қилинган маҳсулот қиймати миқдоридида жарима тўлайдилар.

Тайёрловчилар (тадбиркорлар) истеъмолчи ёки буюртмачига етказилган зарарларнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шарт.

## СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

1993 йил 28 декабрь № 1002-ХП

### I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.** Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари:

маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (бундан буён матнда “маҳсулот” деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан;

маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан;

фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини оширишдан;

барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдан;

ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдан;

табiiй ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашдан;

истеъмолчиларни ишлаб чиқараётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан;

мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлашдан;

ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашдан иборатдир.

**2-модда.** Давлат стандартлаштириш тизими

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади.

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

халқ хўжалиги тармоқларида - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази ("Ўздавстандарт"); қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси);

табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида - Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси);

тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

Ушбу Қонунга мувофиқ Давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни (бундан буён матнда "стандартлар" деб юритилади), шунингдек ушбу Қонунни қўллашга доир йўриқномалар ва изоҳларни ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар, рўйхатга оладилар, нашр этадилар.

### **3-модда.** Стандартлаштириш ишларини ўтказиш

"Ўздавстандарт" ушбу Қонунга мувофиқ стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усулларини белгилайди.

"Ўздавстандарт", Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш ишларини бажаришни бошқа ташкилотларга топширишга ҳақлидирлар.

Стандартларни тасдиқлаган органлар стандартларга доир ахборот жамғармаларини ҳосил қиладилар ва юритадилар ҳамда манфаатдор истеъмолчиларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига доир ахборотлар билан, шунингдек стандартлаштириш соҳасидаги халқаро

шартномалар, техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий ахборот давлат классификаторлари, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларига оид ахборотлар билан таъминлайдилар.

Стандартларни нашр қилиш ва қайта нашр этишни уларни тасдиқлаган органлар амалга оширадилар.

**4-модда.** Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида стандартлаштириш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**5-модда.** Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти халқаро шартнома ёки битимда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида таърифланганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

## **II бўлим. СТАНДАРТЛАШТИРИШГА ДОИР НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР**

**6-модда.** Норматив ҳужжатларнинг тоифалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади:

халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;

Ўзбекистон Республикасининг стандартлари;

тармоқ стандартлари;

техник шартлар;

корхона стандартлари;

хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификаторлари ҳам киради. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби "Ўздавстандарт" томонидан белгиланади.

Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек халқаро қоидалар ва нормалар Ўзбекистон Республикаси ишти-

рок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу стандартлар, қоидалар ва нормаларни республика ҳудудида қўллаш тартибини "Ўздавстандарт" ва давлат бошқарушининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида белгилайдилар.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ватанимиз ҳамда чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим.

Норматив ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қила олиш имконини таъминлаш учун асосли ҳолларда стандартларда истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талаблар белгилаб қўйилади.

Чет истеъмолчиларга етказиб бериладиган маҳсулотга доир стандартлар ва уларга киритилган ўзгартишлар тегишинча "Ўздавстандарт", Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги органларида ёки уларнинг ишлаб чиқувчи жойлашган ердаги минтақавий органларида ҳақ тўланмасдан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Маҳсулотнинг атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва молмулкига хавфсизлигини таъминлаш учун, техникавий ва ахборот жиҳатдан маҳсулотнинг бир-бирига мос келиши ва ўзаро алмашувчанлигини, уларни назорат қилиш усуллари бирлиги ва тамғалаш бирлигини таъминлаш учун стандартларда белгиланадиган талаблар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа талаблар давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолияти субъектлари риоя этиш учун мажбурийдир.

Стандартларда маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш шартномасига киритилган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Импорт маҳсулот, башарти у Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартларнинг мажбурий талаблар қисмига мувофиқлиги тасдиқланмаган бўлса, етказиб берилиши ва белгиланган мақсадда ишлатилиши мумкин эмас.



**7-модда.** Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг сертификатлаштиришда қўлланилиши

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар сертификатлаштиришни амалга оширишда риоя этиладиган талабларни, шунингдек ушбу талабларга мувофиқликни назорат қилиш ва синаш усуллари ни ўз ичига олиши лозим.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар маҳсулотнинг мазкур турини сертификатлаштириш тизимида белгиланган қоида ва тартибларга мувофиқ қўлланилиши лозим.

**III бўлим. СТАНДАРТЛАР УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ**

**8-модда.** Давлат назорати органлари ва объектлари

Хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан давлат назоратини “Ўздавстандарт”, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек бошқа махсус вазирлик қилинган давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Идоравий бўйсунуви ва мулк шаклидан қатъи назар хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг маҳсулоти, шу жумладан сертификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида) давлат назорати объекти ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти субъектлари давлат назоратини амалга ошириш учун барча зарур шароитни яратишлари шарт.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини:

стандартларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат инспекторлари;

стандартларни назорат қилиш бўйича вилоят, шаҳар бош давлат инспекторлари;

стандартларни назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари амалга оширадилар.

### **9-модда.** Давлат инспекторлари, уларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланадилар.

Давлат инспектори:

хўжалик фаолияти субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига монеликсиз кириш;

хўжалик фаолияти субъектидан давлат назоратини ўтказиш учун керакли ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

давлат назоратини ўтказишда хўжалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиш ва мутахассисларни жалб этиш;

стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари ҳамда нусхаларини танлаб олишни ўтказиш, бунда ишлатиб юборилган нусхаларнинг қиймати ва синовларни (тахлилларни, ўлчовларни) ўтказиш харажатлари текширилаётган хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш чиқимларига киритилади;

маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, реализация қилиш (етказиб бериш, сотиш), ундан фойдаланиш (уни ишлатиш), маҳсулотни сақлаш, ташиш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида, стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

хўжалик фаолияти субъекти текширувдан бўйин товлаган тақдирда маҳсулотни реализация қилишни ман этиш ҳуқуқига эга.

Стандартларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат инспекторлари, стандартларни назорат қилиш бўйича вилоят, шаҳар бош давлат инспекторлари бундан ташқари:

стандартларнинг мажбурий талаблари бузилганлиги учун хўжалик фаолияти субъектларига нисбатан жарималар қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

стандартлар бузилишида айбдор бўлган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш;

текширилган маҳсулотни у стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тақиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган импорт маҳсулотни реализация қилишни ман этишда мутлақ ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат инспекторларининг маҳсулотни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни) ман этиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмасини бузганлик учун хўжалик фаолияти субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима тўлайдилар.

Хўжалик фаолияти субъектлари берилган кўрсатмалар ва қарорларни бажармаган тақдирларида давлат инспекторлари зарур материалларни прокуратура органларига ёки судга оширадилар.

Давлат инспекторлари зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, давлат ёки тижорат сирини ошкор қилган тақдирларида қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

**10-модда.** Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ушбу Қонун қоидалари бузилишида айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат бошқарув органларининг мансабдор шахслари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

#### **IV бўлим. ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШГА ДОИР ИШЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ. СТАНДАРТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ**

**11-модда.** Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти

Стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишлар, хусусан: халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқишда иштирок этиш;

аниқ стандартлаштириш объектлари бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек стандартларнинг таркибий ташкилий-техник ва умумтехник мажмуаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амал қилишини таъминлаш;

техник-иқтисодий ахборот классификаторларини ишлаб чиқиш, улар тўғрисида расмий ахборот тайёрлаш ва нашр этиш, шунингдек уларни барча манфаатдор фойдаланувчиларга юбориш;

стандартлаштириш бўйича умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва ўзга ишларни олиб бориш;

стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши усгидан давлат назоратини олиб бориш;

стандартлар фондини, техник-иқтисодий ахборотлар классификаторларини, халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларини, шунингдек стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрини шакллантириш ҳамда юритиш;

стандартлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аниқлайдиган ўзга ишлар давлат йўли билан молиявий таъминланиши шарт.

Нашр қилинган (қайта нашр этилган) стандартларни, техник-иқтисодий ахборот классификаторларини, маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрига киритилган, стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматларнинг нашр қилинган (қайта нашр этилган) каталогини сотишдан белгиланган тартибда олинадиган маблағлар, шунингдек ушбу Қонун қоидаларини бузганлик учун ундириладиган жарима маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат назорати органларига йўлланадиган қисми ҳам стандартлаштириш, стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратига доир ишларни молиявий таъминлаш манбалари бўлиши мумкин.

Республика бюджети маблағларидан тўлиқ ёки қисман таъминладиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулот сифатини норматив жиҳатдан таъминлаш бўлимлари назарда тутилиши лозим.

## **12-модда.** Стандартлар қўлланилишини рағбатлантириш

Давлат стандартларга, шу жумладан истиқболга мўлжалланган, аъъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлаш-

ган дастлабки талабларни ўз ичига олган стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган хўжалик фаолияти субъектлари иқтисодий қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилишини кафолатлайди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошираётган ва маҳсулотларни стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини олган хўжалик фаолияти субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## МЕТРОЛОГИЯ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1993 йил 28 декабрь № 1004-ХП

### І бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилмоқда:  
“метрология” - ўлчовлар, уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан;

“ягона ўлчов бирлиги” - ўлчовларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда акс эттирилган ва хатоликлари берилган эҳтимолликда маълум бўлган ўлчов ҳолати;

“ўлчов воситаси” - ўлчовлар учун фойдаланиладиган ва нормаланган метрологик хусусиятга эга бўлган техника воситаси;

“бирлик эталони” - физик ўлчам бирлигини бошқа ўлчов воситаларига ўтказиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган ўлчов воситаси;

“давлат эталони” - ваколат берилган миллий органнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлчов бирлигининг ўлчами сифатида эътироф этилган эталон;

“метрология хизмати” - давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчовлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

“давлат метрология назорати” - метрология қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида давлат метрология хизмати органлари амалга оширадиган фаолият;

“ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш” - ўлчов воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрология хизмати органлари (ваколат берилган бошқа органлар, ташкилотлар) томонидан бажариладиган операциялар мажмуи;

“ўлчов воситаларини калибрлаш” - метрологик жиҳатларнинг ҳақиқий қийматларини ва ўлчов бирликларининг қўллашга яроқчилигини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида калибрлаш лабораторияси бажарадиган операциялар мажмуи;

“ўлчов воситаларини ясаш (таъмирлаш, сотиш, ижарага бериш) учун лицензия” - давлат метрология хизмати томони-

дан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган, мазкур фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини гувоҳлантирувчи ҳужжат.

**2-модда.** Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг ўзга қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида метрология соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда.** Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти халқаро шартномада ёки битимда Ўзбекистон Республикасининг метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланади.

**4-модда.** Метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқариш

Метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқаришни метрология бўйича миллий орган - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази ("Ўздавстандарт") амалга оширади.

"Ўздавстандарт" ваколатига:

метрологияга оид фаолиятни минтақалараро ва тармоқлараро мувофиқлаштириш;

физик ўлчам бирлиги эталонларини яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаш қоидаларини белгилаш;

ўлчов воситалари усуллари ва натижаларига қўйиладиган умумий метрологик талабларни аниқлаш;

давлат метрология текшируви ва назоратини амалга ошириш;

метрология масалалари бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан давлатнинг бошқа бошқарув органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни қабул қилиш;

метрология соҳасида илмий ва муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг метрология соҳасидаги халқаро шартномаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

метрология масалалари бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш киради.

## **II бўлим. ФИЗИК ЎЛЧАМ БИРЛИКЛАРИ, УЛАРНИ ҚАЙТА ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

### **5-модда. Физик ўлчам бирликлари**

Ўзбекистон Республикасида Халқаро ўлчамлар тизими (СИ)-нинг физик ўлчам бирликларини белгиланган тартибда қўллашга йўл қўйилади. Физик ўлчам бирликларининг номи, белгиси, уларни ёзиш ва қўллаш қоидалари “Ўздавстандарт”нинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Халқаро ўлчамлар тизимига киритилмаган ўлчамларни қўллашга руҳсат бериши мумкин.

Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида контракт шартларига мувофиқ физик ўлчамларнинг ўзга бирликлари ҳам ишлатилиши мумкин.

### **6-модда. Физик ўлчамлар бирликларининг эталонлари**

Физик ўлчамларнинг бирликлари эталонлар воситасида сақланади ва қайта тайёрланади.

Эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаш тартибини “Ўздавстандарт” белгилайди.

### **7-модда. Ўлчов воситалари**

Фойдаланишда бўлган ўлчов воситалари ўлчов натижаларининг қонунлаштирилган бирликларда белгилаб қўйилган аниқликда бўлишини таъминлаши ва қўллаш шартларига мос келиши лозим.

Техника воситаларини ўлчов воситаларига мансуб деб топиш мезонини “Ўздавстандарт” белгилайди.

### **8-модда. Ўлчовларни бажариш услубиётлари**

Ўлчовларни бажариш услубиётлари ўлчов натижаларининг хатоликларини баҳолашни ўз ичига олиши ва ўлчов ўтказишнинг мавжуд шароитларида белгилаб қўйилган аниқликни таъминлаши лозим.

Ўлчовларни бажариш услубиётларини ишлаб чиқиш ва аттестация қилиш тартибини “Ўздавстандарт” белгилайди.



### III бўлим. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ

#### **9-модда.** Ўзбекистон Республикаси метрология хизматининг тузилиши

Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати давлат метрология хизматидан ва юридик шахсларнинг метрология хизматларидан таркиб топади.

#### **10-модда.** Давлат метрология хизмати

“Ўздавстандарт” бошчилик қиладиган давлат метрология хизматига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат метрология хизмати органлари киради.

Давлат метрология хизмати органлари давлат метрология текшируви ва назоратини, шунингдек фақлиятнинг бошқа турларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

#### **11-модда.** Юридик шахсларнинг метрология хизматлари

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари зарурат бўлган ҳолларда ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлаш бўйича ишларни бажариш ва метрология назоратини амалга ошириш учун тузилади.

Юридик шахслар метрология хизматларининг ҳуқуқ ва бурчлари давлат метрология хизмати органлари билан келишиб олинган низомлар билан белгиланади.

### IV бўлим. ДАВЛАТ МЕТРОЛОГИЯ ТЕКШИРУВИ ВА НАЗОРАТИ

#### **12-модда.** Давлат метрология текшируви ва назоратини ўтказиш тартиби

Давлат метрология текшируви ва назорати давлат метрология хизмати органлари томонидан метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида амалга оширилади.

Давлат метрология текшируви ва назорати метрология соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

**13-модда.** Давлат метрология текшируви ва назорати объектлари

Қуйидагилар давлат метрология текшируви ва назоратининг объектлари ҳисобланади:

- эталонлар;
- ўлчов воситалари;
- моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналари;
- ахборот-ўлчов тизимлари;
- ўлчовларни бажариш услугиётлари;
- метрология нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ўзга объектлар.

**14-модда.** Давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган доиралар

Давлат метрология текшируви ва назорати: соғлиқни сақлаш, ветеринария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

моддий бойликларни ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиш;

савдо-тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини ўтказиш;

заҳарли, енгил алангаланувчан, портловчи ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш;

давлат мудофаасини таъминлаш;

меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

сертификатланадиган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш;

геодезик ва гидрометеорологик ишлар;

ўлчов воситаларини давлат синовидан, текширувдан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш;

миллий ва халқаро спорт рекордларини рўйхатга олишга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатларига биноан давлат метрология текшируви ва назорати фаолиятнинг ўзга доираларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин.

**15-модда.** Давлат метрология текшируви ва назорати турлари

Давлат метрология текшируви ва назорати:

ўлчов воситаларини (кейинчалик уларнинг турини тасдиқлаш шарти билан) синаш;

ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш;

юридик ва жисмоний шахсларни ўлчов воситаларини тайёрлаш, текширувдан ўтказиш, таъмирлаш, калибрлаш ва сойтиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар билан таъминлаш ҳамда аккредитация қилиш;

ўлчов воситаларининг ҳолати ва қўлланишини, ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини текширувдан ўтказиш, метрология қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш тарзида амалга оширилади.

“Ўздавстандарт” қарорига биноан зарурат бўлган ҳолларда давлат метрология текшируви ва назоратининг ўзга турлари ҳам белгиланиши мумкин.

**16-модда.** Ўлчов воситаларининг турларини тасдиқлаш

Ушбу Қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган доираларда фойдаланиладиган, ишлаб чиқарилиши ва импорт бўйича четдан олиб келиниши лозим бўлган ўлчов воситалари давлат синовларидан (кейинчалик уларнинг турини тасдиқлаш шарти билан) ёки метрологик аттестациядан ўтказилиши лозим.

Ўлчов воситаларининг давлат синовларини ўтказиш, турини тасдиқлаш ва Давлат реестрига киритишни “Ўздавстандарт” амалга оширади.

Тасдиқланган ўлчов воситаларига ёки уларнинг фойдаланиш хужжатларига ишлаб чиқарувчи Давлат реестри белгисини қўйиши шарт.

Бошқа давлатларнинг ўлчов воситаларини синаш ва метрологик аттестациялаш натижалари тузилган шартномалар ҳамда битимларга мувофиқ эътироф этилади.

**17-модда.** Ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш

Текширувдан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхати “Ўздавстандарт” томонидан тасдиқланади.

Юридик шахсларнинг аккредитация қилинган метрологик хизматларига ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Бошқа давлатларда амалга оширилган ўлчов воситаларини текшириш натижалари халқаро шартномалар ва битимлар асосида эътироф этилади.

**18-модда.** Ўлчов воситаларини тайёрлаш, текширувдан ўтказиш, таъмирлаш, сотиш, уларнинг импорти ва ижараси билан шуғулланиш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятига лицензия бериш

Ушбу Қонуннинг 14-моддасида кўрсатиб ўтилган доираларда қўлланилиши мумкин бўлган ўлчов воситаларини юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномалари бўйича тайёрлаш, текширувдан ўтказиш, таъмирлаш, сотиш, уларнинг импорти ва ижараси билан шуғулланишга лицензия бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Мазкур ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи фаолиятга лицензия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда берилади.

**19-модда.** Метрология нормалари ва қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

Ушбу Қонуннинг қоидалари, шунингдек метрология нормалари ва қоидалари бузилишида айбдор бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари, давлат бошқарув органлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## **V бўлим. МЕТРОЛОГИЯ ИШЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ**

**20-модда.** Давлат томонидан албатта молиявий таъминлаш

Давлат томонидан қуйидагилар:  
метрологияни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш;

метрология соҳасида расмий ахборотлар билан таъминлаш;  
метрология бўйича халқаро, минтақавий ташкилотларнинг ишида қатнашиш ва метрология бўйича чет эл миллий хизматлари билан ишлар бажариш;

метрология бўйича халқаро, минтақавий нормалар ҳамда қоидаларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишда қатнашиш;

метрология соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

метрология бўйича умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва ўзга ишларни ўтказиш;

Ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлашга доир “Ўздав-стандарт” томонидан тасдиқланадиган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

физик ўлчам бирликларининг эталонларини ва ўта аниқ намунавий ўлчов воситаларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, ясаш, сақлаш, қўллаш, сотиб олиш ва асраш;

моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини, шунингдек моддалар ва материалларнинг физик константалари ҳамда хоссаларига оид стандарт справка маълумотлари ишлаб чиқиш ва жорий этиш давлат тизимларини ривожлантиришга доир ишлар;

давлат текшируви ва назоратида доир ишлар албатта бюджетдан молиявий таъминланиши шарт.

#### **21-модда. Метрологик ишлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш**

Ўлчов воситаларини синаш, текширувдан ўтказиш, стандартлаштирилмаган ўлчов воситаларини аттестация қилиш, ўлчовларни бажариш услубиётларини аттестация қилиш, норматив ҳужжатларни экспертиза қилиш, юридик ҳамда жисмоний шахсларни ўлчов воситаларини тайёрлаш, текширувдан ўтказиш, таъмирлаш, калибрлаш, реализация қилиш ва ижараси билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар билан таъминлаш ва уларни аккредитациядан ўтказиш бўйича юридик ҳамда жисмоний шахсларга кўрсатиладиган метрологик ишлар ва хизматлар, шунингдек метрологик фаолиятнинг ўзга турлари учун тузиладиган шартномаларнинг шартларига мувофиқ манфаатдор шахслар томонидан ҳақ тўланади.

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1996 йил 26 апрель

### **1-модда.** Ушбу Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар

Ушбу қонунда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

истеъмолчи - фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки хусусий хўжаликда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс);

ишлаб чиқарувчи - истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

ижрочи - маиший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-қурилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажарадиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

сотувчи - олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига товар реализация қиладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

шартнома - товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, миқдор, муддат, нарх ва бошқа шартлар тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув;

товар - ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан импорт маҳсулоти;

норматив ҳужжатлар - стандартлар, уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари, доридармонлар хусусидаги давлат фармокопеяси ҳамда муваққат фармокопеяси қоидалари ва бошқалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш, хизмат) сифатига ва хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжатлар;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги - товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фой-

даланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги;

мувофиқлик сертификати - сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

товар (иш, хизмат)нинг нуқсони - товар (иш, хизмат)нинг норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлиги;

товар (иш, хизмат)нинг жиддий нуқсони - товар (иш, хизмат)дан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меҳнат ва вақт сарфлаш талаб қиладиган камчилик;

кафолат муддати - товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (ойлар ҳисобидаги) норматив муддат ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, неча иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди;

хизмат муддати - товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;

яроқлилик (сақлаш) муддати - муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин;

касса чеки - товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқлайдиган, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса аппаратининг номери кўрсатилган ҳужжат;

товар чеки - товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат.

## **2-модда.** Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Қонун ҳужжатлари ушбу Қонунда белгиланган истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиши, уларни ҳимоя қилишнинг кафолатларини камайтириши мумкин эмас.

### **3-модда.** Халқаро шартномалар ва битимлар

Агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартнома ёки битимда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

### **4-модда.** Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари

Истеъмолчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;

ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг гайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;

бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

### **5-модда.** Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи), савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумот

Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юридик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши



шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркази ёки товар белгисида кўрсатилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юримдик) манзили ва иш тартибини истеъмомчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумот савдо ва хизмат кўрсатиш муваққат бинолар, ярмаркалар, кўчма дўкончалар орқали амалга оширилган ёки савдо ва хизмат кўрсатиш сотувчи (ижрочи)нинг доимий жойлашган манзилдан ташқарида амалга оширилган бошқа ҳолларда ҳам истеъмомчилар эътиборига етказилиши керак.

Сотувчи (ижрочи) истеъмомчига товарлар савдоси, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишнинг қоидалари тўғрисида тўлиқ маълумот бериши шарт.

**6-модда.** Товар (иш, хизмат)лар тўғрисидаги маълумот

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмомчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмом хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

баҳоси ва сотиб олиш шартлари;

айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари:

товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари; ҳамда шартлари;

товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати ва ушбу муддат туғанидан кейин истеъмомчи нима ишлар билан қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамду улар истеъмомчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъ-

мирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация, қилиш усуллари ҳамда қоидалари.

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

**7-модда.** Товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги:

зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинishiга сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қисқа (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар маълумот айтилган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига, ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) олдига қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

**8-модда.** Истеъмолчининг савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари соҳасида шартнома тузиш ҳамда сотиб олинаётган товар (иш, хизмат) сифатини текшириш ҳуқуқи

Истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш, хизматни) эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага кўра сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини, истеъмолчига эса, шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Нархнома билан қўйилган товарлар ҳамда товар (иш, хизмат)лар ҳақида келувчилар эътиборига ҳавола этиладиган маълумот тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб ҳисобланади.

Томонлар ўртасида шартнома нарсаси, миқдор, нарх ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга эришилса, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Тузилган заҳоти бажариладиган шартнома, қоида тариқасида, оғзаки шаклда тузилади, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Тузилган вақтдан бошқа пайтда (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича, жўнатма савдода ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади.

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлаб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.

**9-модда.** Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар

Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар, шунингдек айрим турдаги товарларни сотиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланади.

**10-модда.** Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби

Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўрта-

сидаги келишувга биноан белгиланади. Товарларни кредитга сотиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланадиган товарларни кредитга сотиш қоидалари билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади.

### **11-модда.** Ишлаб чиқарувчининг (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари

Узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим.

Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг, шу жумладан бутловчи буюмларнинг нормал ишлашини (қўлланилишини, улардан фойдаланишини) таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Кафолат муддати товар (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташлангандан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб тушланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт.

Дори-дармон, озик-овқат ва маиший кимё товарларида улар ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик муддати ҳамда сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчининг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва реализация қилиши ман этилади.

## **12-модда.** Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи

Истеъмолчи ўзи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган бўлишига ва унинг ҳаёти, соғлиғи, атроф муҳит учун хавфсиз бўлишига, шунингдек унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиши ҳуқуқига эга.

Товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф муҳит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроқлилик муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарганлик (иш бажарганлик, хизмат кўрсатганлик) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ:

ишлаб чиқарувчи (ижрочи);

норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган;

мувофиқлик сертификати берган орган;

соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли товар (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ёхуд реализация қилишга рухсат берган бошқа органлар жавобгар бўлади.

Товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ қопланиши лозим.

Агар товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, (иш) хизмат натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф муҳитга зарар етказётганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаб-

лар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дарҳол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт.

Зарарнинг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиши шарт, шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулоти сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан албатта утилизация қилиниши керак. Бу мажбуриятлар ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаси билан амалга оширилади.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳит учун хавфли бўлган товарларнинг партияларини муомаладан чиқариш, ишларни бажаришни ва хизматлар кўрсатишни тақиқлаб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Товарни қайтариб олиш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тақиқлаб қўйиш муносабати билан истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Агар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хавфли хоссаларга эга бўлган товарни қайтариб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўрган бўлса, у истеъмолчи мазкур товардан фойдаланишни давом эттиравериши туфайли етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилинади.

### **13-модда.** Истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда унинг ҳуқуқлари

Нуқсонли товар сотилган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

товарни айти шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай тонарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;

товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;

харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш; шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

Агар нуқсонлар:

товарнинг кафолат муддати ва яроқлилиқ муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида;

кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, агар шартномада бундан узокроқ муддат назарда тутилмаган бўлса;

мавсумий товарлар учун Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланган муддат мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи мазкур ҳуқуқларини рўёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчи ўзига сотилган, тўпламлар, гурнитурлар, комплеклар ва комплексларнинг мустақил таркибий қисми бўлган ва мустақил нархга эга бўлган буюмларда нуқсонлар борлигини аниқлаган тақдирда, бутун тўпلام, гарнитур, комплект ва комплексга нисбатан ҳам, уларнинг, нуқсонлари бор мустақил таркибий қисмларига нисбатан ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган талабларни истеъмолчи сотувчига қўяди.

Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўриб чиқилади.

Истеъмолчи техник паспортни йўқотиб қўйган тақдирда, уни қайта тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Товарда аниқланган нуқсонлар ишлаб чиқарувчи томонидан бартараф этилади. Ишлаб чиқарувчи билан сотувчининг ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

#### **14-модда.** Нуқсонли товарни алмаштириб бериш тартиби

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айти шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Чўл ва олис жойларда, товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-киتاب қилиши шарт.

#### **15-модда.** Товар нуқсонларини бепул бартараф этиш тартиби

Товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида, ишлаб чиқарувчи эса, кун ичида бепул бартараф этиши лозим.

Истеъмолчи кафолат муддати тугаганидан кейин товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига талаб қўйишга ҳақли. Бундай талаб, башарти товарда ишлаб чиқарувчининг айби билан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар аниқланган бўлса, белгиланган хизмат муддати мобайнида, агар хизмат муддати белгиланмаган бўлса, ўн йил мобайнида қўйилиши мумкин.

Узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарни таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиб туриш учун истеъмолчининг талабига биноан нуқсонли товар қайтариб берилганидан кейин уч кун ичида унга айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бериб турилади (сотувчининг ҳисобидан унинг ўзи ёки вакили элтиб беради). Бунинг учун ишлаб чиқарувчи сотувчи билан биргаликда шартнома асосида товарларнинг алмашув фондини назарда тутишлари шарт. Мазкур талаблар татбиқ этилмайдиган узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайди.

Товардаги нуқсонларни бартараф этиш хусусида талаб қўйилган тақдирда, ундан фойдаланишнинг кафолат муддати



истеъмолчининг товардан фойдалана олмаган даврга тенг муддатга узайтирилади. Мазкур муддат истеъмолчи нуқсонларни бартараф этиш талаби билан мурожаат этган кундан эътиборан ҳисоблана бошлайди.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиш учун шундай товарни бериб туриш ҳақидаги талабини бажариш кечиктирилган ҳар бир кун учун, шунингдек нуқсонларни бартараф этишнинг шартномадан келиб чиқадиган муддатларидан ортиқ кечиктирилган ҳар бир кун учун товар нархининг бир фоизи миқдоридан истеъмолчига неустойка (пеня) тўлайди.

**16-модда.** Истеъмолчининг нуқсонли товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи

Агар сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг товарни алмаштириб бериш ёки ундаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақидаги талабларини бажармаган бўлса, истеъмолчи товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилиб етказилган зиён ва маънавий зарарни ушбу Қонуннинг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ қоплашни талаб қилишга ҳақли.

**17-модда.** Истеъмолчига нуқсонли товар сотилган тақдирда у билан ҳисоб-китоб қилиш

Нуқсонли товар айти шундай маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилган вақтда товарнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Нуқсонли товар бошқа маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилаётганда, агар алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархлардаги фарқни қўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан юқори бўлса, истеъмолчига нархлардаги фарқ қайтарилди. Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги нархи қўлланилади.

Шартнома бекор қилинаётганда товар нархи ошган бўлса, истеъмолчи билан ҳисоб-китоб товарнинг тегишли талаб қўйил-

ган пайтдаги қийматига қараб, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги қийматига қараб амалга оширилади.

Товар истеъмолчиларга кретитга сотилган бўлса, шартнома бекор қилинган тақдирда, пул суммаси товар қайтарилаётган пайтга қадар узилган кредит миқдорида қайтариб берилади, шунингдек кредит берганлик ҳақи тўланади.

Ҳажми катта ёки вази беш килограммдан зиёд товарни таъмирлаш, нархини тушириш, алмаштириш учун элтиш ва истеъмолчига қайтариб келтириб бериш сотувчининг (ишлаб чиқарувчининг) кучи билан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда товарни элтиш ва қайтариб олиб келиш истеъмолчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда истеъмолчининг товарни элтиш ва қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ ҳаражатларини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) қоплаши шарт.

**18-модда.** Истеъмолчининг мақбул сифатли товарни алмаштириб олиш ҳуқуқи

Истеъмолчи мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарини харид қилган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.

Алмаштириб олиш тартиби ва алмаштириб берилмайдиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайдиган қоидалар билан белгиланади.

**19-модда.** Ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

Ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт.

Ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) муддати иш бажарилиши (хизмат кўрсатилиши) лозим бўлган санага (даврга), шунингдек ижрочи ишни бажаришга (хизмат кўрсатишга) киришиши лозим бўлган санага (даврга) қараб белгиланиши мумкин. Агар иш бажариш, хизмат кўрсатиш шартноманинг амал қилиш муддати давомида қисмларга бўлиб-бўлиб адо этиладиган бўлса (вақтли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар), ишлар бажариш (хизматлар кўрсати-

ш)нинг босқичма-босқич муддатлари (даврлари) назарда тутилиши керак.

Агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида кириш-маса ёки шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолса, истеъmolчи ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса, ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъmolчи ўз хоҳишига кўра нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёинки шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Истеъmolчи ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқларни:

ишни (хизматни) қабул қилиб олиш вақтида ёки унинг бажарилиши жараёнида нуқсонлар аниқланган тақдирда;

кафолат муддати давомида, кафолат муддати бўлмаган тақдирда эса, иш (хизмат) қабул қилиб олинган кундан эътиборан олти ой давомида;

иморат ёки бошқа кўчмас мулкда нуқсонлар аниқланган кундан эътиборан икки йил давомида рўёбга чиқариши мумкин.

Иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгилаб қўйилади. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)даги нуқсонлар, агар шартномада бир мунча қисқароқ муддат белгиланмаган бўлса, истеъmolчи талаб қилган кундан эътиборан йигирма кун ичида ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуқсонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган, шунингдек иш бажаришни (хизмат кўрсатишни) бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъmolчига ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) қийматининг ёки буюртма қийматининг (агар унинг қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъmolчи ундириб олган неустойка (пеня) суммаси иш бажариш (хизмат кўрсатиш)нинг алоҳида тури баҳосидан ёки буюртманинг умумий баҳосидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бажарилган ишдаги нуқсонларни бартараф этиш кечиктирилганлиги учун ижрочи тўлаган неустойка (пеня) қопланиши лозим бўлган зарар ҳисобига кирмайди.

Ижрочининг мажбуриятни умуман ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (пеня) тўлаши ва зарарни қоплаши уни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

Истеъмолчидан қабул қилиб олинган ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда ёки истеъмолчининг материалидан фойдаланиб бажарилган ишда жиддий нуқсонлар бўлса ёки у бузиб бажарилган тақдирда ижрочи истеъмолчига айнан ўхшаш сифатли ашёни қайтариши (ўзининг айнан ўхшаш сифатли материалидан иш бажариши ёки хизмат кўрсатиши), бунинг имконияти бўлмаган тақдирда эса, ашёнинг (материалнинг) талаб қўйилган пайтдаги қийматини икки баравар қилиб тўлаши шарт.

Ижрочи томонидан ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун қабул қилиб олинаётган ашё (материал) қиймати шартнома тузиш пайтида томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Ишда (хизматда) жиддий нуқсонлар мавжуд бўлганида ёки шартнома талаблари жиддий бузилганида, шунингдек ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда истеъмолчи билан ҳисоб-китоб ишнинг (хизматнинг) ёки материалнинг шартномани бекор қилиш пайтидаги ошган нархини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Сифатсиз бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар учун ижрочи ушбу Қонуннинг 20, 22, 27, 29-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномалар бўйича истеъмолчилар билан ижрочи ўртасидаги муносабатларнинг ўз моҳиятига кўра ушбу моддага мос келмайдиган хусусиятлари, шунингдек шартномаларнинг умуман ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги туфайли келиб чиқадиган оқибатлар бундай шартномаларнинг алоҳида турлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган қоидалар билан аниқланади.

**20-модда.** Товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган зарар учун мулкий жавобгарлик

Товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкнинг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши

оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

**21-модда.** Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган шартлари ҳақиқий эмаслиги

Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар уларни қўлланиш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга ҳақли эмас.

**22-модда.** Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг қрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

**23-модда.** Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш

Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун би-

лан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимият ва бошқарувчи органлари, шунингдек судлар таъминлайдилар.

Куйидагилар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидир: монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга вакил қилинган орган; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метерология ва сертификация маркази (бундан буён матнда “Ўздавстандарт” деб юритилади); Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органлари.

**24-модда.** Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун маҳаллий ҳокимият органлари:

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини ташкил этадилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколоти берилган давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиладилар;

истеъмолчиларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқадилар;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судларга мурожаат этадилар;

ўз ҳуқуқлари доирасида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

**25-модда.** Монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи ваколатлари

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи орган ва унинг маҳаллий органлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича расмий тушунтиришлар берадилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузаётган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқлари ҳимоя қилиб, судга мурожаат этишга ҳақлидир;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

**26-модда.** Товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг ваколатлари

Товар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини таъминлаш мақсадида Ўздавстандарт, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи бошқа давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатида доир мажбурий талабларни белгилайдилар ҳамда бу талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир талаблар бузилишини бартараф этиш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, чиқариш ва реализация қилишни тўхтатиш (ишлар бажарилишини, хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш), уларни истеъмолчилардан қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар, шунингдек бу ҳақда истеъмолчиларни хабардор қиладилар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)лар товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифатига доир талабларни бузганлари тақдирда уларнинг устидан судларда даъво қўзғатадилар.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мувофиқлаштириб боради.

**27-модда.** Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли орган ва унинг маҳаллий органлари, агар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товласа ёки ўз вақтида бажармаса, унга жарима солишга ҳақли.

Ўздавстандарт ва ушбу Қонун 26-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган давлат бошқарувининг бошқа органлари:

товарларни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаш қоидалари ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бузилса;

ўзларининг кўрсатмаларини ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бажаришдан бўйин товласа, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаса;

норматив ҳужжат талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, жарималар солишга ҳақлидир.

Жарима миқдори ва уни ундириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Жарима сўзсиз ундириб олинади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) давлат бошқаруви органининг кўрсатмасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд жарима солиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Ариза бериш, агар суд кўрсатмаларининг ёки жарима солиш ҳақидаги қарорнинг ижро этилишини тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқармаган бўлса, уни судда кўриб чиқиш даврида бу ҳужжатларнинг бажарилишини тўхтатиб қўймайди.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ҳақидаги талабларга жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат)лар туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.



**28-модда.** Молиявий хизматлар соҳасида  
истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Молиявий хизматлар кўрсатадиган ижрочи ўзининг тугатилиши ёки банкрот бўлиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда истеъмолчиларнинг талабларини қондириш мақсадида ўз жавобгарлигини суғурта қилдириши шарт.

Молиявий хизматлар ижрочиси истеъмолчига етказилган зарар учун ўзининг жавобгарлиги тўғрисида суғурта шартномаси борлиги ҳақида истеъмолчига ахборот бериши шарт.

**29-модда.** Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини суд орқали  
ҳимоя қилиш

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга муурожаат қилишга ҳақлидир. Даъволар, агар қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жавобгар, истеъмолчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга тақдим этилади.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзғатиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

**30-модда.** Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин.

Истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширувчи жамоат бирлашмаларидир.

# ТОВАР БОЗОРЛАРИДА МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТНИ ЧЕКЛАШ ВА РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

1996 йил 27 декабрь

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 1-модда. Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун товар бозорларида монополистик фаолият ва инсофсиз рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, рақобат муносабатларининг шаклланиши ва самарали амал қилиши учун шароитлар таъминлашга қаратилган.

### 2-модда. Қонунни татбиқ этиш соҳаси

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик шахслар, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қатнашадиган товар бозорларидаги рақобатга таъсир кўрсатувчи муносабатларга нисбатан татбиқ этилади. Қонун мазкур шахслар ва органларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги тегишинча ҳаракатлари ёки тузаётган битимлари Ўзбекистон Республикаси товар бозорларидаги рақобатнинг чекланишига олиб келаётган ёки олиб келиши мумкин бўлган ёхуд бошқа салбий оқибатларга сабаб бўлаётган ҳолларда ҳам қўлланилади.

Ушбу Қонун ихтиролар, саноат намуналари, товар белгилари, селекция ютуқлари ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди, тегишли ҳуқуқлардан қасддан фойдаланиш рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ҳоллар бундан мустасно.

Меҳнат, қимматли қоғозлар ва молиявий хизмат бозорларидаги монополистик фаолият ва инсофсиз рақобат билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади, бу бозорларда вужудга келадиган муносабатлар товар бозорларидаги рақобатга таъсир кўрсатадиган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида қуйидаги соҳаларда табиий монополиялар субъектлари фаолиятини бевосита давлат томонидан тартибга солиш назарда тутилиши мумкин:

нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш; нефть, нефть маҳсулотлари ва газни магистрал қувурлар орқали узатиш;

электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва узатиш; темир йўллардаги йўловчи, багаж ва юк ташиш;

портлар ва аэропортларнинг хизматлари;

ҳамма учун мўлжалланган электр ва почта алоқаси хизматлари;

сув қувурлари ва канализация хўжалиги хизматлари.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида санаб ўтилган субъектларга нисбатан ушбу Қонуннинг мазкур субъектлар ўзларига хос вазифаларни бажаришини чекламайдиган қоидалари қўлланилади.

### **3-модда.** Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

товар - сотиш (алмаштириш) учун мўлжалланган фаолият маҳсули бўлиб, ишлар ва хизматлар ҳам шунга киради;

бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар - белгиланган вазифаси, қўлланилиши, сифати ва техникавий тавсифлари, нархи ва бошқа жиҳатларига кўра таққосланиши мумкин бўлган товарлар гуруҳи;

товар бозори - товарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у республиканинг маъмурий-худудий бўлинишига мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин;

хўжалик юритувчи субъектлар - товарлар ишлаб чиқариш, сотиш, сотиб олиш ва хизматлар кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар, шу жумладан хорижий юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар;

рақобат - хўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари ҳар бир субъект томонидан тегишли товар бозоридаги товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имкониятини чеклайди;

инсофсиз рақобат - хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида устунликни қўлга киритишга қаратилган, қонун ҳужжатларига ва иш муомаласи одатларига зид бўлган, улар ўртасида мусобақалашувни истисно этадиган ва амалга оширилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектларга тегишли товар бозорида товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имконини берадиган ҳаракатлари;

устун мавқе - хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бир қанча хўжалик юритувчи субъектларнинг ўрнини босувчиси бўлмаган товар бозорида ёхуд бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар бозорида ўзига (ўзларига) рақобатга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштириш ёки уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини ўзга тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳукмрон мавқеи. Бозордаги улуши олтимиш беш фоиз ва ундан зиёдн ташкил этадиган хўжалик юритувчи субъектнинг мавқеи устун мавқе деб ҳисобланади.

Шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улуши ўттиз беш фоиздан олтимиш беш фоизгача бўлиб, бу ҳол монополияга қарши давлат органи томонидан:

хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улуши барқарорлигига;

бозордаги рақобатчиларга тегишли улушларнинг нисбий миқдорига;

ушбу бозорга янги рақобатчиларнинг кириши мумкинлигига;

муайян товар бозорини тавсифловчи бошқа мезонларга қараб аниқланган бўлса, унинг бозордаги мавқеи устун мавқе деб ҳисобланади;

мутлақ монополия - хўжалик юритувчи субъект товар бозорида ягона сотувчи ёки харидор бўлган вазият;

монополистик фаолият - хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополияга қарши кураш ҳақидаги қонун ҳужжатларига хилоф бўлган, рақобатга йўл қўймасликка, уни чеклаш ёки бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги;

нарх соҳасида камситиш - маҳсулот етказиб берувчининг бошқа шароитлар тенг бўлгани ҳолда ўз маҳсулотини муайян бир харидорга бошқа харидорларга нисбатан юқорироқ ёки пастроқ нархда сотиши;

камситувчи шартлар - маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона-нинг истеъмолчиларга шартнома моҳиятига дахли бўлмаган турли шартларни мажбуран қабул қилдириш;

нотўғри таққослаш - муайян рақобатчини ёки умуман барча рақобатчиларни, шунингдек ишлаб чиқарилаётган ва (ёки) сотилаётган товарларни бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг товарларига нисбатан ёмонлаб таққослаш ёки фикр билдириш;

монопол қиммат нарх - товар бозорида устун мавқега эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қувватларидан тўлалигича фойдаланмаслик туфайли қилган асоссиз харажатларини қоплаш ёки товар сифатини пасайтириш натижасида қўшимча фойда олиш мақсадида товарга белгиланган нархи;

монопол арзон нарх - товар бозорида харидор сифатида устун мавқени эгаллаб турган ҳўжалик юритувчи субъектнинг сотиб олаётган товарига қўшимча фойда олиш ёки қилинган асоссиз харажатларни сотувчи ҳисобига қоплаш мақсадида белгилайдиган нархи ёхуд товар бозорида сотувчи сифатида устун мавқени эгаллаб турган ҳўжалик юритувчи субъектнинг сотаётган товарига онгли равишда шу товарни сотишдан зарар кўрадиган даражада белгилайдиган нархи бўлиб, уни белгилаш натижасида бозордан рақобатчиларни сиқиб чиқариш йўли билан рақобат чекланади ёки чекланиши мумкин;

шахслар гуруҳи - шахслар йиғиндиси, уларга татбиқан қуйидаги бир ёки бир неча шартлар бажарилади:

битим ёки келишиб олинган ҳаракатлар натижасида, шу жумладан олди-сотди, мол-мулкни ишончли бошқариш, бир-галиқдаги фаолият, топшириқнома, ижара шартномалари асосида ёки бошқа битимлар асосида ҳал этувчи таъсир кўрсатиш учун етарли бўлган акциялар назорат пакетини ёки овозлар сонини бевосита ёки билвосита биргалиқда тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки бир неча шахслар. Бунда юридик шахснинг овозларини билвосита тасарруф этиш деганда бу овозларни учинчи шахслар орқали амалда тасарруф этиш имконияти тушунилади, биринчи шахс учинчи шахсларга нисбатан юқорида санаб ўтилган ҳуқуқ ва ваколатга эга бўлади;

икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида шартнома тузилиб, унга кўра шартнома қатнашчиларидан бири ёки бир қанчасининг ёхуд бошқа шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш шартларини белгилаш ёинки улар ижроия органи вазифаларини бажариш ҳуқуқи қўлга киритилади;

шахс юридик шахс ижроия органи ва (ёки) директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибининг эллик фоиздан ортигини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади;

айни бир жисмоний шахсларнинг ўзи икки ва ундан ортиқ юридик шахс ижроия органи ва (ёки) директорлар кенгаши таркибининг эллик фоиздан ортиқроғини ташкил этади.

Ушбу Қонуннинг мақсадларини назарда тутган ҳолда шахслар гуруҳига ягона хўжалик юритувчи субъект деб қаралади.

#### **4-модда.** Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида товар бозорларидаги рақобат ва уларда монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, унда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

## **II. МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТ**

#### **5-модда.** Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз устун мавқеини суиистеъмол қилиши

Устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатни чеклайдиган ва (ёки) бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини камситган ёхуд камситиши мумкин бўлган қўйидаги ҳаракатлари тақиқланади:

товарларни муомаладан олиб қўйиш, бундан кўзланган мақсад ёки эришилган натижа бозорда тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туришдан ёхуд нархларни оширишдан иборат бўлса;

монопол қиммат ёки монопол арзон нархларни белгилаш; контрагентга шартнома моҳиятига тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан молиявий маблағлар, бошқа мол-мулк, мулкий ҳуқуқларни ўтказишга доир асоссиз талабларни мажбуран қабул қилдириш;

контрагентни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тенг бўлмаган вазиятга солиб қўядиган камситувчи шартларни шартномага киритиш;

контрагент томонидан бошқа товарларни сотиб олиш ёки сотиш ёхуд контрагентнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан товарлар сотиб олишдан ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларга товарлар сотишдан ўзини тийиш шарти билангина шартнома тузишга розилик бериш;

мутлақ монополиячи бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш имкониятлари мавжуд бўлганда шартнома тузишдан асоссиз бош тортиши;

бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришига тўсқинлик қилиш.

Алоҳида ҳолларда хўжалик юритувчи субъектнинг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлари монополияга қарши давлат органи томонидан тўғри деб топилиши мумкин, башарти хўжалик юритувчи субъект ўз ҳаракатларининг ижобий самараси, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ижобий самараси кўриб чиқиладиган товар бозори учун салбий оқибатлардан ортиқ бўлишини исботлай олса.

**6-модда.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари)

Муайян товар бозорида жами ўттиз беш ва ундан ортиқ фоиз улшга эга бўлган ўзаро рақобатлашаётган ёки рақобатлашиши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклаб қўйган ёки чеклаб қўйиши мумкин бўлган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари), шу жумладан:

қатъий нархлар, тарифлар, чегирмалар, устамалар, қўшимча тўловлар ёки ортиқча нархлар белгилаш ёки уларни сақлаб туришга;

эркин бозор нархлари қарор топишига тўсқинлик қилиб, уларни сунъий равишда ўстириш ёки пасайтиришга;

ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш бозорлари ва капитал қўйилмалар устидан назорат ўрнатишга;

таклиф ҳажмини сунъий равишда ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини келишиб олишга;

аукционлар, биржалар ва бошқа кимошди савдоларида нархларни ошириш, пасайтириш ёки сақлаб туришга;

нарх соҳасида камситишларни белгилашга;

бозорни ҳудуд бўйича, сотув ёки харид ҳажми, товарлар хиллари бўйича, сотувчилар ва хариддорлар, буюртмачилар доираси бўйича бўлиб олишга;

муайян товарларнинг сотувчилари ёки уларнинг хариддорлари, буюртмачилари сифатида бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклаб қўйиш ёки уларни бозордан четлатишга қаратилган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари) тақиқланади ва белгиланган тартибда тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилади.

Агар бири устун мавқени эгаллаб турган, бошқа бири эса унинг маҳсулот етказиб берувчиси ёки харидори бўлган ўзаро рақобатлашмаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари) рақобатни чеклаб қўйса ёки чеклаб қўйиши мумкин бўлса, бундай битимлар (келишиб қилинган ҳаракатлар), шу жумладан:

харидорлар ҳудуди ёки доирасини чеклайдиган;

ўздан харидор сотиб олган товарларни қайта сотиш учун нархга чеклашлар белгилайдиган;

хўжалик юритувчи субъектларга рақобатчилар ишлаб чиқарган товарларни сотишни ман этадиган битимлар (келишиб қилинган ҳаракатлар) тақиқланади ва белгиланган тартибда тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу моддада назарда тутилган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари) алоҳида ҳолларда монополияга қарши давлат органи томонидан қонуний деб ҳисобланиши мумкин, башарти хўжалик юритувчи субъектлар ўз ҳаракатларининг бозорда савдо қилиш шароитларини яхшилашга, товарнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашувчи, харидорларга сезиларли наф келтирувчи ижобий самараси кўриб чиқиладиган товар бозори учун салбий оқибатлардан ортиқ бўлишини исботлаб бера олсалар.

Юридик шахслар бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари), хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг уюшмага кирган хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик фаолиятига рақобатни чеклайдиган ёхуд чеклаши мумкин бўлган тарзда аралашishi тақиқланади. Ушбу талабни бузиш монополияга қарши давлат органи (ўз ваколатлари доирасида ҳудудий орган)нинг даъвосига биноан юридик шахслар бирлашмаси (иттифоқи, уюшмаси)нинг, хўжалик ширкати ёки жамиятининг суд орқали тугатилишига асос бўлиши мумкин.

**7-модда.** Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари ва ҳаракатлари

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қуйидагилар тақиқланади:

бирор-бир фаолият соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилишга чеклашлар жорий этиш, шунингдек айрим фаолият турларини амалга ошириш ёки муайян бир товарларни ишлаб чиқаришни тақиқлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;



хўжалик юритувчи субъектга шартномалар тузишда кимга-дир устунлик бериш, истеъмолчиларнинг муайян доираларига товарларни биринчи навбатда етказиб бериш тўғрисидаги кўрсатмалар бериш;

баъзи бир хўжалик юритувчи субъектларга айна бир товар бозорининг ўзида ишлайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан устунлик берувчи солиқ ёки бошқа имтиёзларни, лицензиялаш бўйича ҳуқуқларни асоссиз равишда бериб қўйиш;

тармоқ бўйсунувида бўлган хўжалик юритувчи субъектлар акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш;

айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шарт-шароитларни белгилаш.

Айрим ҳолларда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари табиий офатлар, фалокатларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда касалликлар тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган мазмундаги қарорларни қабул қилиши мумкин.

Бошқарув органининг бошқа бир бошқарув органи билан ёхуд хўжалик юритувчи субъект билан бозорнинг меъёрида фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ва истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларига зарар етказувчи битимларига (келишиб олинган ҳаракатларига), шу жумладан:

нархлар ёки тарифларни ошириш, пасайтириш, сақлаб туришга;

бозорни ҳудудий принцип бўйича, сотувлар ва харидлар ҳажми, товар хиллари ёхуд сотувчилар ёки хариддорларнинг, буюртмачиларнинг доираси бўйича тақсимлаб олишга;

хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклаш ёки уларни бозордан четлатишга қаратилган битимларига (келишиб қилинган ҳаракатларига) йўл қўйилмайди ва улар белгиланган тартибда тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилади.

Юридик шахслар ва бошқарув органларининг товарлар ишлаб чиқариш ёки сотишни монополиялаш мақсадида бирлашиши, мавжуд давлат бошқаруви органларига рақобатни чеклаб қўйиши мумкин бўлган ваколатларни, шунингдек бошқарув органларининг вазифаларини хўжалик юритувчи субъектлар вазифалари билан қўшиб юбориш, хўжалик юри-

тувчи субъектларга мазкур органларнинг вазифалари ва ҳуқуқларини, шу жумладан давлат бошқаруви органларининг вазифалари ва ҳуқуқларини бериш тақиқланади.

### **8-модда.** Инсофсиз рақобатни тақиқлаш

Инсофсиз рақобатга, чунончи:

бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар келтирадиган ёки унинг тадбиркорлик обрўсига путур етказадиган ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатишга;

юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, маҳсулотни, хизматлар бажаришни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунсиз фойдаланиб товар сотишга;

товарнинг хусусияти, уни тайёрлаш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, сифати хусусида истеъмолчиларни чалғитишга;

хўжалик юритувчи субъектнинг, шу жумладан унинг реклама фаолияти жараёнида ҳам, ўзи ишлаб чиқарадиган ёки сотадиган товарларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг товарлари билан кўпол таққослашига;

илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ёки савдо ахборотини, шу жумладан тижорат сирини эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш, уни ошкор этишга;

янги хўжалик юритувчи субъектнинг товарлар ва хизматлар бозорига киришини тўсишга йўл қўйилмайди.

## **III. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ДАВЛАТ ОРГАНИ**

### **9-модда.** Монополияга қарши давлат органининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари

Товар бозорларида рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополистик фаолиятини ва инсофсиз рақобатини чеклаш ҳамда тўхтатиб қўйиш соҳасида давлат сиёсатини монополияга қарши давлат органи олиб боради.

Монополияга қарши давлат органи ўз фаолиятида бошқа бошқарув органларидан мустақилдир, унинг қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Монополияга қарши давлат органининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

монополияга қарши қонун ҳужжатлари ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш;

давлат мулкани бошқариш давлат органи билан биргаликда товар бозорларида рақобат муҳитини яратишга, монополиядан холи қилишнинг тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни мувофиқлаштиришга нисбатан ягона услубий ёндашувни таъминлаш;

рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида бозор муносабатларини шакллантиришга кўмаклашиш;

монополистик фаолиятнинг, хўжалик юритувчи субъектлар товар бозорларидаги ўз устун мавқеини суистеъмол қилишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, инсофсиз рақобатга ва истеъмолчилар манфаатлари камситилишига чек қўйиш чора-тадбирларини кўриш;

монополиячи бирлашмалар (корхоналар)нинг Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрини юритиш (бундан кейин реестр деб аталади);

ишда ошкораликни таъминлаш, иқтисодиётни монополиядан холи қилиш, рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг бориши тўғрисида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан махсус даврий нашрлар орқали фуқароларни хабардор қилиш;

монополияга қарши курашни тартибга солиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги чет эл тажрибасини таҳлил этиш.

#### **10-модда. Монополияга қарши давлат органининг ваколатлари**

Монополияга қарши давлат органи қуйидаги ҳуқуқларга эга: товар бозорларида хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқеи мавжудлигини аниқлаш:

хўжалик юритувчи субъектларга монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузишни тўхтатиш ёки бундай бузишнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақида, монополияга қарши қонун ҳужжатларига хилоф шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш натижасида қўлга киритилган фойдани олиб қўйиш ва тегишли бюджетга ўтказиш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўзлари қабул қилган ва монополияга қарши қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

ҳўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг раҳбарларини, шунингдек мансабдор шахсларни монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик ёки монополияга қарши давлат органининг кўрсатмаларини бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида, шу жумладан монополияга қарши қонун ҳужжатларига хилоф шартномаларни тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш тўғрисида аризалар билан судга мурожаат қилиш, шунингдек монополияга қарши қонун ҳужжатларини қўллаш ва уларни бузиш билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишда қатнашиш;

монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноят аломатлари бўйича жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун материалларни тегишли органларга юбориш;

лицензиялашни жорий этиш ёки уни бекор қилиш, боғжона тарифларини ўзгартириш, квоталар жорий этиш ёки уларни бекор қилиш, шунингдек солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредитлар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини татбиқ этиш ёки бекор қилиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиш;

монополияга қарши қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан тушунтиришлар бериш;

товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг реестрини шакллантириш тартибини белгилаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

#### **11-модда.** Ахборот олиш ҳуқуқи

Монополияга қарши, давлат органининг мансабдор шахслари ҳўжалик юритувчи субъектнинг ҳудудига кириш ҳамда сўров асосида зарур ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

#### **12-модда.** Монополияга қарши давлат органига ахборот тақдим этиш

Ҳўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг раҳбарлари, шунингдек мансабдор шахслар монополияга қарши давлат органининг талабига биноан унга ҳужжатлар ва бошқа ахборотлар тақдим этишлари шарт.

**13-модда.** Монополияга қарши давлат органининг тижорат сирини сақлаш борасидаги мажбуриятлари

Монополияга қарши давлат органи ушбу Қонунга мувофиқ ўзига берилган ваколатларни амалга ошириш чоғида олган тижорат сирини ҳисобланган маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

Монополияга қарши давлат органи ходимлари тижорат сирини ҳисобланган маълумотларни ошкор этганлари тақдирда, улар етказган зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ ундириб олиниши лозим.

#### **IV. РАҚОБАТ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ**

**14-модда.** Хўжалик субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш устидан давлат назорати:

Монополияга қарши давлат органи қуйидагилар устидан назоратни амалга оширади:

юридик шахслар бирлашмаларини ташкил этиш, қўшиб юбориш ва бирлаштириш;

хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва бирлаштириш, молия-саноат гуруҳлари, холдинг компаниялари ташкил этиш;

корхоналарни тугатиш ва бўлиш устидан, агар бу бозорда устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг пайдо бўлишига олиб келадиган бўлса, тугатиш суднинг қонуний кучга кирган қарорига мувофиқ амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбoshiларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик субъектларини қўшиб юбориш, бирлаштириш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган шахсларга ёки органлар монополияга қарши давлат органига қуйидагиларни тақдим этадилар:

хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатишга розилик бериш тўғрисидаги илтимоснома;

бирлашаётган хўжалик юритувчи субъектлардан ҳар бирининг асосий фаолият турлари, уларнинг тегишли товар бозоридаги улуши ва бирлашмага киришга розилиги тўғрисидаги маълумотлар.

Монополияга қарши давлат органи қарор чиқариш учун зарур бўлган бошқа ахборотларни ҳам сўраб олишга ҳақлидир.

Кўрсатиб ўтилган маълумотларни тақдим этиш хусусияти ва шакллариغا қўйиладиган талаблар монополияга қарши давлат органи томонидан тасдиқланадиган қоидаларда белгиланади.

Монополияга қарши давлат органи зарур ҳужжатларни олган вақтдан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай аризачига қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда маълум қилади.

Агар илтимосноманинг қондирилиши тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг устун мавқеи юзага келиши ёки кучайишига ва (ёки) рақобатни чеклашга олиб келиши мумкин бўлса, агар тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш чоғида уларда баён этилган ва қарор қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборот ишончсиз бўлса, монополияга қарши давлат органи илтимосномани рад этишга ҳақлидир.

Монополияга қарши давлат органи илтимосномани қондиришни рақобатни таъминлашга қаратилган талабларни бажаришга боғлиқ қилиб қўйишга ҳақлидир. Бунда мазкур талаблар, шунингдек уларни бажариш муддатлари монополияга қарши давлат органининг ушбу модда биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш учун розилик бериши тўғрисидаги қарорида акс этмоғи лозим.

Агар хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш тўғрисида қарор қабул қилаётган шахслар ва органлар ўзларининг ҳаракатлари бозорда савдо шароитларини яхшилашга хизмат қилишини, харидорларга сезиларли даражада наф келтиришини исботлаб берсалар, монополияга қарши давлат органи ҳатто юқорида кўрсатиб ўтилган нохуш оқибатлар юз бериши мумкин бўлганида ҳам илтимосномани қондиришга ҳақлидир.

Хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш, қўшиб юбориш, бирлаштириш тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг устун мавқеи юзага келиши ёки кучайишига ёхуд рақобатнинг чекланишига олиб келган ҳолларда хўжалик юритувчи субъектнинг муассислари, қўшиб юбориш, бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган шахслар ёки органлар монополияга қарши давлат органининг талабига биноан рақобат учун зарур шароитларни тиклаш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар тугатилиши муносабати билан уларни реестрдан чиқариш тўғрисида ёзиб қўйиш рўйхатга олувчи

орган томонидан фақат монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилади.

Ушбу моддада белгиланган тартибни бузган ҳолда юридик шахсларни ташкил этиш, қўшиб юбориш ёки бирлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориб ва бирлаштириб, молия-саноат гуруҳлари, холдинг компаниялар ташкил этиш, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ монополияга қарши давлат органи қўйган талабларни бажармаслик давлат рўйхатига олишни монополияга қарши давлат органининг даъвосига биноан суд тартибида ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

**15-модда.** Акциялар, улушлар ва бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш вақтида монополияга қарши курашга доир қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати

Монополияга қарши давлат органининг олдиндан олинган розилиги билан хўжалик юритувчи субъектнинг илтимоснома-си асосида қуйидагилар амалга оширилади:

бир шахснинг, бир гуруҳ шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг акцияларини, устав капиталидаги овоз ҳуқуқига эга бўлган улушларини олиши, бунда ушбу шахс, бир гуруҳ шахслар мазкур акциялар, улушларнинг ўттиз беш фоиздан ортигини тасарруф этиш ҳуқуқини олади. Ушбу талаб хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш чоғида унинг таъсис этувчиларига татбиқ этилмайди, молия-саноат гуруҳлари, холдинг компанияларни ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно;

бир шахснинг, бир гуруҳ шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ёхуд унинг ижроия органи вазифаларини амалга ошириш шартларини белгилаш имконини берувчи ҳуқуқларни олиши, шу жумладан битимлар, шартномалар, топшириқномалар, контрактлар воситасида ёки бошқа йўллар билан олиши.

Тегишли битимда қатнашувчи шахслар активларининг жами баланс қиймати энг кам иш ҳақининг тўрт минг баробари миқдоридан ортиқ бўлса ёки битим қатнашчиларидан бири товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект бўлса ёхуд ушбу хўжалик юритувчи субъект фаолиятини назорат қилувчи бир гуруҳ шахслар сотиб олувчи бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиниши зарур.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган битимларни тузиш учун шахслар монополияга қарши давлат органига бундай битимларни тузиш учун розилик бериш ҳақида илтимоснома тақдим этишлари ва қарор чиқариш учун зарур бўлган ахборотни маълум қилишлари лозим.

Агар битим қатнашчилари ўз ҳаракатларининг бозорда савдо шароитларини яхшилашга, товарнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашувчи, харидорларга сезиларли тарзда наф келтирувчи ижобий самараси кўриб чиқиладиган товар бозори учун келиб чиқадиган салбий оқибатлардан устун бўлишини исботласалар, ҳатто рақобатни чеклаш эҳтимоли бўлган тақдирда ҳам монополияга қарши давлат органи илтимосномани қондиришга ҳақлидир.

Жисмоний шахс активларининг жами баланс қиймати энг кам иш ҳақининг икки минг баробари миқдоридан ортиқ бўлган икки ва ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг ёки айнаи бир турдаги товар гуруҳи бўйича реестрга киритилган ёхуд айнаи бир турдаги ишлаб чиқариш-сотиш жараёнининг турли босқичидаги товарлар гуруҳи бўйича реестрга киритилган хўжалик юритувчи субъектларнинг ижроия органлари, директорлар кенгашлари ёки кузатув кенгашларида иштирок этган тақдирда бу шахс кўрсатилган органларга ёки кенгашларга киргани ёки сайланганидан сўнг ўн беш кун ичида монополияга қарши давлат органига хабар бериши зарур. Монополияга қарши давлат органига хабар бериладиганида ариза-чи унга ариза билан бирга ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ахборотни ҳам тақдим этади.

Ушбу моддада белгиланган тартибни бузган ҳолда тузилган, устун мавқенинг вужудга келиши ёки кучайишига ёки рақобатнинг чекланишига олиб келадиган битимлар ёки ҳаракатлар ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

#### **16-модда.** Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиб юбориш

Устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, монополияга қарши давлат органи рақобатни ривожлантириш мақсадида уни мажбурий тарзда бўлиб юбориш ёки ундан таркибий бўлинмалар негизида бир ёки бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш ҳақида судга даъво аризаси беришга ҳақлидир.

Хўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиб юбориш қўйидаги шартларнинг ҳаммаси бўлганида, яъни:



бўлиб юборилаётган таркибий бўлинмалар ташкилий ва худудий жиҳатдан ажралиб чиқиши мумкин бўлса;

унинг таркибий бўлинмалари ўртасида технология жиҳатидан ўзаро узвий боғланиш бўлмаганида;

бўлиб юбориш натижасида таркибий бўлинмалар муайян товар бозорида мустақил ишлаш имкониятига эга бўлганида амалга оширилиши мумкин.

## **V. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

**17-модда.** Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш оқибатлари

Хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузган тақдирда:

монополияга қарши давлат органининг кўрсатмаларини белгиланган муддатда бажаришлари;

етказилган зарарнинг ўрнини қоплашлари;

жарима, пеня тўлашлари шарт.

**18-модда.** Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар

Монополияга қарши давлат органи қуйидаги қонунбузарликлар учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар солишга ҳақлидир:

1) қонунбузарликларни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун қуйидаги миқдорларда:

бошқарув органлари ва юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга - энг кам иш ҳақининг юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда;

жисмоний шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга - энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда;

2) монополияга қарши давлат органига ахборот тақдим этмаганлик ёки атайлаб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун қуйидаги миқдорларда:

бошқарув органлари ва юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга - энг кам иш ҳақининг қирқ бараваридан эллик бараваригача миқдорда;

жисмоний шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга -  
нинг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача  
микдорда.

Жарима хўжалик юритувчи субъект, бошқарув органи ёки  
мансабдор шахс томонидан жарима солинганлиги тўғрисида-  
ги қарор олинган пайтдан бошлаб ўттиз кун муддат ичида ак-  
цептсиз тартибда тўланади ва давлат бюджетига ўтказилади.

Агар жарима солиш тўғрисидаги қарорни зудлик билан ижро  
этиш хўжалик юритувчи субъектнинг банкрот бўлишига олиб ке-  
лиши мумкин бўлса, монополияга қарши давлат органи ёки суд  
жарима солинган хўжалик юритувчи субъектнинг аризасига би-  
ноан жаримани бўлиб-бўлиб тўлашга имкон беришга ҳақлидир.

Жаримани тўлаш монополияга қарши давлат органининг  
қарори ёки кўрсатмасини бажариш ёки монополияга қарши  
қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни  
бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

**19-модда.** Хўжалик юритувчи субъектга етказилган  
зарарни тўлаш

Агар давлат /бошқаруви органи ва маҳаллий давлат ҳоки-  
мияти органи, шу жумладан монополияга қарши давлат орга-  
ни томонидан монополияга қарши қонун ҳужжатларига хилоф  
равишда қабул қилинган норматив ҳужжат туфайли хўжалик  
юритувчи субъектга ёхуд бошқа шахсга зарар келтирса, зарар  
қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланиши лозим.

Агар хўжалик юритувчи субъектнинг монополияга қарши  
қонун ҳужжатларини бузувчи ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги  
гуфайли бошқа хўжалик юритувчи субъектга ёхуд бошқа шахсга  
зарар келтирилган бўлса, у зарар етказган хўжалик субъекти  
томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланиши лозим.

**VI. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ДАВЛАТ ОРГАНИНИНГ  
ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ, УЛАР УСТИДАН  
ШИКОЯТ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ  
ТАРТИБИ**

**20-модда.** Монополияга қарши қонун ҳужжатларини  
бузганлик тўғрисида монополияга қарши  
давлат органи томонидан иш кўзғатиш ва  
уларни кўриб чиқиш асослари

Монополияга қарши давлат органи монополияга қарши  
қонун ҳужжатларини бузиш фактларини кўриб чиқади ҳамда

улар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисида иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш учун монополияга қарши давлат органининг ўз текширувлари, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аризалари ҳамда прокуратуранинг тақдимномалари асос бўлади.

**21-модда.** Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш

Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисида ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Монополияга қарши давлат органи томонидан ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарор манфаатдор томонларга ушбу қарор қабул қилинганидан сўнг беш кундан кечиктирмай ёзма равишда жўнатилади. Қабул қилинган қарор асосида бериладиган кўрсатма ҳам худди шу муддатда жўнатилади.

**22-модда.** Монополияга қарши давлат органининг қарорларини ижро этиш

Монополияга қарши давлат органининг қарори (кўрсатмаси) унда белгиланган муддатда ижро этилиши лозим. Қарорни (кўрсатмани) белгиланган муддатида ижро этмаслик қонун ҳужжатларида назарда тутилган оқибатларга сабаб бўлади.

**23-модда.** Монополияга қарши давлат органининг қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби ва асослари

Бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар монополияга қарши давлат органи қабул қилган қарордан норози бўлганлари тақдирда бундай қарорни тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд бекор қилиш ёки иқтисодий жазоларни қўллашга доир қарорни ўзгартириш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Монополияга қарши давлат органининг қарори (кўрсатмаси) устидан ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида шикоят қилиниши мумкин.

**24-модда.** Монополияга қарши қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан жамоат назорати

Ўз уставларига мувофиқ рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш ва истеъмолчиларнинг манфаатларини монополистик фаолиятдан ҳимоя қилиш мақсадини кўзловчи жамоат бирлашмалари тегишли органлар билан биргаликда монополияга қарши қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан жамоат назоратини амалга оширишга ҳақлидир.

**IX БОБ.**  
**КОРХОНАЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ**

## МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКС

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ  
БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН

1994 йил 22 сентябрь

*(Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августдаги 118-1; 1996 йил 26 апрелдаги 231-1; 1996 йил 30 августдаги 281-1; 1996 йил 27 декабрдаги 357-1; 1997 йил 25 апрелдаги; 1998 йил 1 майдаги; 1998 йил 29 августдаги қонунарига биноан киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан)*

[Кўчирма]

**164-модда.** Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ёнилғи-мойлаш материаллари билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан қўлда савдо қилиш ёхуд шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш - сотилаётган ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузиш -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч баравараидан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**174-модда.** Солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш

Солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объекларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин

товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш -

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**175-модда.** Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш

Фойда (даромад) ёки солиқ солинган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, шунингдек солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, -

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизомини бузиш, шу жумладан, қарздор корхоналардан тўловларни ундириш бўйича солиқ органларининг инкассо топшириқларини бажармаслик, шунингдек дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш, шунингдек пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини бузиш -

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(175-модданинг номи ва учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги 118-1, 1996 йил 26 апрелдаги 231-1 ва 1998 йил 1 майдаги қонунлари таҳририда берилган).

Солиқ органларида рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномасиз корхоналар ва ташкилотларга ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақларини очиш, -

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бюджетга тўловлар бўйича қарзи бўлган корхоналарга ўз вақтида инкассо топшириқномасини тақдим этмаслик, -

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Тўртинчи ва бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги Қонунига биноан киритилган).

**176-модда.** Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг белгиланган тартибини бузиш -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса - ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Савдо ёки воситачилик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаган ҳолда амалга ошириш -

хуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(176-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги Қонуни таҳририда берилган).

**176-1-модда.** Шартнома интизомини бузиш

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкый зарар етказиш, -

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(176-1-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги Қонунига биноан киритилган).

**176-2-модда.** Хўжалик юритувчи субъектнинг манзили ёки банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш

Хўжалик юритувчи субъект томонидан манзили (тураржойи) ёки банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумот-



ларни ваколатли давлат органларига тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш, -

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(176-2-модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги Қонунига биноан киритилган).

**177-модда.** Маҳсулот белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузиш

Бир хил маҳсулотларни белгилаш учун маҳсулот белгисидан ёки хизмат кўрсатиш белгисидан ёхуд унга ўхшаш белгидан маҳсулот белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузган ҳолда фойдаланиш -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**178-модда.** Монополияга қарши қаратилган қонун ҳужжатларини бузиш

Монополияга қарши қаратилган фаолиятни амалга оширувчи ваколатли органга тақдим этмаслик ёки унга атайин нотўғри маълумотлар тақдим этиш -

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ  
БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН

1994 йил 22 сентябрь № 2012-ХП

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 281-1; 1996 йил 27 декабрдаги 357-1; 1997 йил 30 августдаги 485-1-сон; 1998 йил 1 майдаги; 1998 йил 29 августдаги қонунларига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)*

[Кўчирма]

### ХІ боб. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР

**170-модда.** Алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш

Алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан мулкдорга анча миқдорда зарар етказиш, башарти, бу қилмишда талон-торож қилишнинг аломатлари бўлмаса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) моддий жавобгар шахс томонидан;
- в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

**171-модда.** Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш

Мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказиш -

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## ХII боб. ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

**175-модда.** Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш

Давлат органининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахси томонидан наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда ва мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **179-модда.** Сохта тадбиркорлик

Сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўэламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкый манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **180-модда.** Сохта банкротлик

Сохта банкротлик, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **181-модда.** Банкротликни яшириш

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигини йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **183-модда.** Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш

Монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколоти берилган органга ахборотлар бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри кел-

майдиган маълумотларни била туриб, тақдим қилиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органнинг қонун-қоидаларни бузишни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги талабларини ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни ўз вақтида бажармаганлик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

#### **184-модда.** Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш

Фойда (даромад) ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, башарти тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамок билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) тақоран;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай қилмишлар жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қили-

ниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **XIII боб. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР**

**186-модда.** Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш

Товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз барава-ригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, -

мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ўн йилгача озод-ликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, - мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн икки йилгача озод-ликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**192-модда.** Рақобатчини обрўсизлантириш

Рақобатчини обрўсизлантириш, яъни босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармон-лик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз барава-ригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН

1995 йил 21 декабрь № 163-1

1996 йил 29 август № 256-1

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 357-1; 1997 йил 30 августдаги 485-1-сон; 1998 йил 1 майдаги қонунларига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)*

[Кўчирма]

### **48-модда.** Юридик шахснинг жавобгарлиги

Юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Давлат корхонаси ва мулкдор томонидан молиявий таъминланадиган муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ушбу Кодекс 72-моддаси бешинчи қисмида ҳамда 76-моддаси учунчи қисмида назарда тутилган тартида ва шартлар асосида жавоб берадилар.

Юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкнинг эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассис (иштирокчи) ёки мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ушбу Кодексда ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар юридик шахснинг банкротлиги муассислар (иштирокчилар), юридик шахс мол-мулкнинг эгаси томонидан ёки шу юридик шахс учун мажбурият кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган ёхуд унинг ҳаракатларини белгилаш учун бошқа имкониятларга эга бўлган ўзга шахслар томонидан вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулклари етарли бўлмаган тақдирда бундай шахслар зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Юридик шахснинг муассиси (иштирокчиси) ёки мол-мулк мулкдори, ушбу ҳуқуқ мазкур юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган тақдирдагина, бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эгадир.

Ана шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) ёки мулкдор бунинг натижасида ушбу юридик шахснинг ноқобиллиги (банкротли-

ги) юз беришини олдиндан билган ҳолда мазкур ҳуқуқдан юридик шахс амалга оширадиган ҳаракатни содир этиши учун фойдаланган тақдирдагина юридик шахснинг тўловга ноқобиллиги (банкротлиги) унинг томонидан юзага келтирилган деб ҳисобланади.

(48-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 357-1-сон Қонунига биноан тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар билан алмаштирилди).



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ КОДЕКСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН

1997 йил 24 апрель

*(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги 485-1-сон;  
1998 йил 1 майдаги; 1998 йил 29 августдаги қонунлариға биноан киритилган  
ўзгартиш ва қўшимчалар билан)*

[Кўчирма]

### I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-БОБ. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

**4-модда.** Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари

Ҳар бир шахс ушбу Кодексда белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт.

Солиқ солиш - юридик шахсларға нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларға нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалға оширилади.

Белгиланаётган солиқлар ва йиғимлар товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиши ёхуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиши ёки унга ғов бўлиши мумкин эмас.

Олинган манбаларидан қатъи назар, барча даромадларға солиқ солиниши шарт.

Солиқ имтиёзларини белгилаш ижтимоий адолат принциплариға мос бўлиши керак.

#### 3-БОБ. СОЛИҚ ТўЛОВЧИЛАРNING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**11-модда.** Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари

Солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларға эға:

1) солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш;

2) ушбу Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

3) бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш;

4) солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш;

5) солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органига ўзининг ёзма эътирозларини ўн кунлик муддат ичида тақдим этиш;

6) солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш;

7) солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

Солиқ тўловчилар ушбу Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эгадир.

## **12-модда. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари**

Солиқ тўловчилар қуйидаги мажбуриятларга эга:

1) белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, юридик манзили ўзгарган тақдирда эса, бу ҳақда солиқ органига ўн кунлик муддат ичида хабар бериш;

2) солиқлар ва йиғимларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;

3) бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш;

4) молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш;

5) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек солиқлар ва йиғимлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш;

6) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор

шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш;

7) солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш.

Солиқ тўловчилар ушбу Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз зиммаларига юклатилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

#### **41-боб. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

**131-модда.** Солиқ муносабатларида низоларни қараб чиқиш

Солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги низолар юқори солиқ органлари ва суд томонидан кўриб чиқилади.

**132-модда.** Солиқ муносабатлари субъектларининг жавобгарлиги

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчиларга нисбатан ушбу Кодексда назарда тутилган молиявий жазо чоралари қўлланилади, жисмоний шахслар ҳамда юридик шахсларнинг мансабдор шахслари эса, шунингдек маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш уни солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

**133-модда.** Солиқ тўловчини жавобгарликдан озод қилиш

Агар солиқлар ва йиғимларнинг бирон тури бўйича ортиқча тўланган суммалар бошқа тур бўйича боқиманданинг ўрнини қопласа, солиқ тўловчи солиқлар ва йиғимларни тўламаганлик ёхуд тўлиқ тўламаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади.

Солиқ тўловчи солиқ органи ҳужжатлар (ҳисобварақлар) асосида текширув ўтказгунига қадар мустақил равишда ўз хатоларини тузатса, у жавобгарликдан озод қилинади, пеня тўлаш бундан мустасно.

### **134-модда.** Солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандаларни ундириш тартиби

Жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандаларни ҳамда тўланмаган жарималарни ундириш суднинг қарори асосида амалга оширилади.

Юридик шахслардан солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандаларни, шунингдек молиявий жазо чораларининг суммалари ва пеня суммаларини ундириш солиқ органлари томонидан баҳссиз равишда амалга оширилади.

### **135-модда.** Молиявий жазо чоралари

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчига нисбатан қуйидаги миқдорда молиявий жазо чоралари қўлланилади:

1) юридик шахсларнинг (шу жумладан норезидентларнинг) солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши қуйидаги миқдорда жарима солишга олиб келади:

агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса - энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) ўн фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

агар фаолият ўттиз кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса - энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

2) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга олиб келади;

3) даромад (фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг (фойданинг) бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган солиқ солиш объекти учун олинадиган солиқ суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ тўловчи юқоридаги хатти-ҳаракатларни молиявий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида такроран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баравари миқдорида жарима ундирилади;

4) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белги-

ланмаган шаклда тақдим этганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади;

5) бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадиган тарзда бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади;

6) фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади;

7) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисоб-китобда акс эттирмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказганлиги учун улардан ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати миқдорида жарима ундирилади;

8) солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,15 фоиз миқдорида пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

Солиқ тўловчи солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча марта бузган тақдирда ҳар бир қонунбузарликка нисбатан алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади.

Агар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун молиявий жазога тортилган шахс жазони ижро этиш тугаган кундан эътиборан бир йил мобайнида солиқ бўйича такроран қоидабузарлик содир этмаган бўлса, у жазога тортилмаган ҳисобланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1991 йил 15 февраль N 207-XII

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги Қонунига биноан ки-  
ритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан)*

[Кўчирма]

### **9-модда.** Тадбиркорнинг масъулияти

Солиқ ва кредит мажбуриятларининг, тузилган битимларнинг ижроси, бошқа субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларни бузганлиги, бехатар меҳнат шароитларига риоя этмаслиги, истеъмолчиларга одамларнинг саломатлигига зарар етказадиган маҳсулот етказиб берганлиги, атроф-муҳитга зарар етказганлиги, яққа ҳокимликка қарши қонунларни бузганлиги учун, тадбиркор ўз мол-мулки доирасида амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўлади.

Қонунларни бузганлик учун тадбиркор мулкӣ ёки қонунларда кўзда тутилган асосларда, суд тартибида тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишга қадар ўзга тарзда жавобгар бўлади.

Мулкӣ даъволар тадбиркорнинг меросхўрларига ҳам тааллуқли бўлади, лекин улар мерос қилиб қолдирилган мол-мулк ҳажмидан ошмаслиги керак.

## ДАВЛАТ СИРЛАРИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1993 йил 7 май № 848-ХП

[Кўчирма]

**10-модда.** Давлат сирларини сақлаш борасидаги бурч, уларни ошкор этганлик ёки қонунга хилоф равишда махфийлаштирганлик учун жавобгарлик

Давлат сирларини сақлаш - бундай сирларга эга бўлган барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг мансабдор шахслари ва фуқароларининг бурчи. Давлат сирларидан фойдаланиш билан боғлиқ бирон бир ишлар бундай сирларни сақлаш юзасидан чоралар кўрилганидан кейингина амалга оширилади.

Давлат сирларини сақлаш бўйича масъулият давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Давлат сирларини ошкор этганлик, бундай сирлар ифодаланган ҳужжатлар ва буюмларни йўқотганлик учун ёки ахборотларни қонунга хилоф равишда махфийлаштирганлик учун айбдорлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

## ДАВЛАТ СТАТИСТИКАСИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1993 йил 2 сентябрь № 920-ХП

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги Қонунига биноан кичиртилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)

[Қўчирма]

### V БОБ. ҚОНУННИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**17-модда.** Давлат статистика кузатувларига доир маълумотларни тақдим этиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик

Давлат статистика кузатуви ўтказиш учун статистика маълумотларини тақдим этмаган ёки уларни нотўғри ёнги кичириб тақдим этган, маълумотларни дастлабки тарзда рўйхатга олишни лозим даражада таъминламаган, Ўзбекистон Республикаси ҳисобот (статистика) бирликларининг давлат реестри юритиш тартибини бузган мансабдор шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкин.

**18-модда.** Статистика маълумотларидан фойдаланишда йўл қўйилган қоидабузарлик учун жавобгарлик

Статистика тўғрисидаги қонунлар талабларини бузганлик, статистика маълумотларини яширганлик ёки бузганлик учун давлат статистика органларининг ҳамда давлат статистикаси билан шуғулланувчи бошқа органларнинг ходимлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситаларида, илмий ишлар статистика маълумотларидан фойдаланувчи мансабдор шахслар ва фуқаролар статистика маълумотлари олинган манбаларни кўрсатмаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.



**Х БОБ.**

**ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН  
КОРХОНАЛАРНИ ДАВЛАТ  
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН

1995 йил 21 декабрь № 163-1

1996 йил 29 август № 256-1

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 357-1; 1997 йил 30 августдаги 485-1-сон; 1998 йил 1 майдаги қонуларига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)*

[Кўчирма]

### **44-модда.** Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш

Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган вaж билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс қонунда белгиланган ҳоллардагина қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1991 йил 15 февраль

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги; 1994 йил 23 сентябрдаги; 1995 йил 31 августдаги; 1996 йил 27 декабрдаги; 1997 йил 25 апрелдаги; 1997 йил 30 августдаги; 1998 йил 1 майдаги; 1998 йил 29 августдаги қонуларига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)*

[Кўчирма]

### II Бўлим. КОРХОНАНИ БАРПО ЭТИШ ВА УНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

**5-модда.** Корхонани барпо этишнинг умумий шартлари

1. Корхона мол-мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) вакил қилган идора, корхона, ташкилот қарорига ёки меҳнат жамоасининг қарорига мувофиқ, ё бўлмаса таъсис этувчилар гуруҳи ва айрим таъсис этувчи шахслар қарори билан, ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда барпо этилиши мумкин.

2. Корхона ишлаб турган корхоналар, ташкилотлар таркибидан битта ёки бир нечта таркибий бўлинманинг шу бўлинма (бўлинмалар) меҳнат жамоаси ташаббуси билан ажралиб чиқиши натижасида, агар бундай ажралиб чиқиш учун корхона мол-мулки эгасининг (у вакил қилган идора, корхона ва ташкилотнинг) розилиги бўлса ва корхона ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланса, тузилиши мумкин.

3. Корхонани барпо этиш ва унинг фаолияти учун ер участкаси, бошқа табиат ресурслари талаб қилинадиган ҳолларда улардан фойдаланишга рухсатномани давлат ҳокимиятининг тегишли органи, тегишли қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда эса экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда табиатдан фойдаланувчи тегишли бошланғич ташкилот томонидан ҳам берилади. Ер участкаси ва бошқа табиат ресурсларини бериш рад этилганида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни таҳририда)*

4. Корхона давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб барпо этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқини олади.

## **6-модда.** Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш

1. Корхона, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, корхона жойлашган ердаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ягона давлат реестрига киритиш учун ўн кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хабар қилинади.

2. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни таҳририда).*

3. Корхонани барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиби бузилганлиги, шунингдек таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мос келмаслиги сабабларига кўра корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Корхонани барпо этиш мақсадга мувофиқ эмаслигини важ қилиб, уни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Агар корхона белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлмаса ёки таъсис этувчи корхонани рўйхатдан ўтказишни рад этганлиги сабабларини асоссиз деб ҳисобласа, у судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд корхонани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини асоссиз деб топса, бу ҳол корхонани рўйхатдан ўтказмаган маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасининг моддий жавобгарлигига (суд чиқимларидан ташқари) сабаб бўлади. Моддий жавобгарликнинг миқдори суд томонидан аниқланади ва қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган миқдорда ҳақ олинади. Олинган маблағ корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат ҳокимияти органининг бюджетига ўтказилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги Қонуни таҳририда)*

Давлат корхоналарини ўзгартириш натижасида ташкил этилган очиқ турдаги акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш пайтида рўйхат йиғимлари ва бошқа тўловлар ундирилмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги 118-1-сон қонуни билан киритилган).*

**ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДА**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ**  
1995 йил 21 декабрь  
*[Кўчирма]*

**19-модда.** Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат ташкилотларининг муҳрлари, штатлари, иш қоғозларининг матни давлат тилида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган халқаро ташкилотлар ва муассасалар, қўшма корхоналар, шунингдек маданий-миллий жамиятлар ва марказларнинг муҳрлари, штамплари, иш қоғозлари матни давлат тилида такрорланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШ, ТОПОНИМИК ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ НОМЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНИ

1996 йил 30 август

[Кўчирма]

### VIII. КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ

**21-модда.** Республика бўйсунувидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш ушбу объект жойлашган маҳаллий ҳокимият органининг розилиги бўлган ҳолда тегишли вазирлик, идоранинг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари, идоралари тизимига кирувчи маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларга Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан берилаётган номлар, улар билан келишилган бўлиши керак.

**23-модда.** Корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси, ушбу вилоят, Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган бошқа объектларга бериб бўлинган номларни бериш, шунингдек тегишли вазирлик, идоранинг бошқа ташкилсларига бериб бўлинган номларни беришга рухсат этилмайди.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

1991 йил 12 июнь, N 159

*(Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарорига биноан киритилган ўзгартирилган билан)*

*[Кўчирма]*

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги илова қилинаётган Низом тасдиқлансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
1991 йил 12 июндаги 159-сон  
Қарори билан Тасдиқланган**

### **Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1. Мазкур Низом мулкый шакллари ва қайси идорага бўйсуниб турган қатъи назар, "Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариш (хўжалик), тижорат ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, шунингдек, юридик шахс ҳуқуқлари билан таъминланган филиаллар ва таркибий бўлинмалар (бундан кейин корхоналар деб аталади)ни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси қонуни билан бошқа тартиб назарда тутилган корхоналарга тааллуқли эмас.

1-банднинг биринчи қисми (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарори таҳририда берилган)

2. Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш корхона жойлашган халқ депутатлари ноҳия, шаҳар, шаҳардаги ноҳия Советининг ижроия қўмитаси (бундан кейин рўйхатга олувчи орган деб аталади)да амалга оширилади.

3. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун корхоналар рўйхатдан ўтказувчи органларга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) мулкчиликнинг ёки вакил қилинган органнинг янги корхоналар ташкил этиш тўғрисидаги қарори, ишлаб турган корхоналар учун уларни ташкил этиш тўғрисидаги дастлабки ҳужжатлар.

Якка тартибдаги (хусусий) ва жамоа (ширкат) мулки (кооперативлардан ташқари)га асосланган корхоналар таъсис ҳужжатларининг нотариал жиҳатдан тасдиқланган нусхаларини тақдим этадилар:

якка тартибдаги (хусусий) корхона ташкил этиш тўғрисидаги фуқаронинг ёхуд муассасанинг аризаси;

жамоа корхонаси ташкил этишни хоҳловчи фуқароларнинг таъсис мажлиси баённомаси;

мулкчиликнинг жамоа шаклига асосланган корхона меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг баённомаси;

б) корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;

в) корхонани таъсис этувчи (таъсис этувчилар) томонидан тасдиқланган корхонанинг Устави ва унинг товар белгиси;

г) янгидан ташкил этилаётган корхоналар учун, агар корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти учун ер майдони талаб қилинса, ердан фойдаланувчининг розилик хати;

д) Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий органларида корхоналарнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотнома;

е) корхонани рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган миқдордаги давлат божи тўланганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи банк тўлов ҳужжати.

4. Барча турдаги кооперативларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг 1990 йил 17 августдаги 304-сон фармойишига мувофиқ амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий органларида кооперативнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этилади.

5. Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун 250 сўм миқдорида давлат божи олинади. Ногиронлар, уруш, меҳнат, Республикаси Қуролли Кучлар фахрийлари ёки пенсия ёшига етган кишилар (пензионерлар) ишлайдиганларнинг камида 50 фоизини ташкил қиладиган корхоналарнинг рўйхатга олинганлик учун давлат божи 50 фоизга қисқартирилади. Олинган маблағлар корхона рўйхатдан ўтказиладиган ноҳия, шаҳар, шаҳардаги ноҳия бюджетига ўтказилади.



Уставларни ўзгартирганлик ва қўшимчалар учун, шунингдек, корхоналар қайта тузилганда ва туғатилганда рўйхатдан ўтказиш учун тўланган сумманинг 50 фоизи миқдориди пул олинди.

6. Давлат рўйхатидан ўтказиш рўйхатдан ўтказиш тўғрисида зарур ҳужжатлар илова қилинган ариза олинган пайтдан бошлаб 30 кундан кечикмай амалга оширилади. Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга олиш дафтарига киритиш учун халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмитасининг молия-солиқ органига ўн кун муддат ичида етказилади.

Рўйхатдан ўтказиладиган ҳар бир корхона учун рўйхатга олиш дафтарида алоҳида варақ очилади, унга рўйхат графасида (1-илова) назарда тутилган маълумотлар ёзилади.

7. Рўйхатдан ўтказилган корхонага рўйхатдан ўтганлик тўғрисида ордер берилади.

8. Ишлаб турган корхоналар ҳар қандай қайта тузиш ёки ўзларининг фаолият турларига ўзгартишлар киритган ҳолларда, шунингдек, янгидан тузилган корхоналар беш кун муддат ичида уларнинг айнан ўхшаш ва классификация белгиларини аниқлаш мақсадида корхоналар ва ташкилотларнинг умумиттифоқ классификаторини юритиш тўғрисидаги Низом билан белгиланган тартибда ЎзР Давлат статистика қўмитасига мурожаат қиладилар.

## **ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲАҚИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

1994 йил 22 март, N153

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг 12-бандига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги илова қилинаётган Низом тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик бирлашмалари (корпорациялар, концернлар, уюшмалар, иттифоқлар, акционерлик жамиятлари ва бошқалар), мулкчилик шаклидан қатъи назар, 1994 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоят ҳокимликлари адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтишлари керак.

Белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтмаган хўжалик бирлашмаларининг фаолияти ноқонуний ҳисобланади ҳамда уларнинг даромади тегишли бюджетга мусодара қилинади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари туман ва шаҳар ҳокимликларига фаолият кўрсатаётган барча хўжалик бирлашмаларининг 1994 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтишларини таъминлаш мажбуриятини юкласинлар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 июндаги 159-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР ҳудудидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 1-бандидан "бирлашмалар" сўзи чиқариб ташлансин (ЎзССР ҚТ, 1991, 6-сон, 19-бет).

**Вазирлар Маҳкамасининг**  
1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарори билан  
**ТАСДИҚЛАНГАН**

**Хўжалик бирлашмаларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳақида**  
**НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасидаги хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини назарда тутди.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтиши керак бўлган хўжалик бирлашмалари деб корпорациялар, концернлар, уюшмалар, иттифоқлар, акционерлик жамиятлари ва республика аҳамиятига эга бўлган мустақил корхоналарнинг бошқа бирлашмалари, шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган, тармоқ, ҳудудий ёки бошқа принциплар бўйича биргаликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва юритиш, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, тегишли давлат органларида ва бошқа органларда уларнинг умумий манфаатларини ифодалаш мақсадида ташкил этилган бошқа бирлашмалар ҳисобланади.

3. Қорақалпоғистон Республикасидаги, вилоятлардаги хўжалик бирлашмалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоят ҳокимликлари адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтадилар.

4. Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) хўжалик бирлашмасини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;

б) таъсис шартномаси ва Устав қабул қилинганлиги тўғрисидаги таъсис йиғилиши (конференцияси) баёни;

таъсис шартномаси ва Уставнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари, товар белгиси;

в) янгидан ташкил этилаётган хўжалик бирлашмалари учун - агар унинг ишлаб чиқариш фаолияти учун ер участкаси талаб этилса, ердан фойдаланувчининг розилик хати;

г) корхонанинг Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маҳаллий органларида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома;

д) хўжалик бирлашмасининг рўйхатдан ўтказганлик учун белгиланган миқдорда йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати.

5. Хўжалик бирлашмасини давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдориди йиғим ундирилади. Олинган маблағнинг 20 фоизи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказлаштирилган счётига, қолганлари республика (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганда) ёки маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Таъсис ҳужжатлари ўзгарганда ёки уларга қўшимчалар киритилганда, шунингдек, хўжалик бирлашмаси қайта ташкил этилганда қайта рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади, бунинг учун рўйхатдан ўтказганлик учун тўланган сумманинг ярми миқдориди йиғим ундирилади.

6. Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза олинган пайтдан бошлаб 30 кундан кечикмай амалга оширилади. Давлат рўйхатига олганлик тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга олингандан кейин 10 кун муддатда корхона жойлашган жойдаги солиқ органларига маълум қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ҳокимликларининг адлия бошқармалари давлат рўйхатидан ўтган хўжалик бирлашмаларининг 1-иловага мувофиқ реестрини юритадилар.

7. Рўйхатга олинган хўжалик бирлашмасига рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади (2-илова).

8. Фаолият кўрсатиб турган хўжалик бирлашмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлган таъсис ҳужжатлари тақдим этилганлиги муносабати билан уни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганда, рўйхатга олувчи бу ҳақда ҳисоб-китоб операцияларини тўхтатиш учун маблағ билан таъминловчи банкка маълум қилади. Хўжалик бирлашмаларини тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги рўйхатга олувчи орган сифатида хўжалик бирлашмалари томонидан ўзларининг таъсис шартномалари ва уставларига риоя этишлари устидан назоратни амалга оширади. Рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби бузилган тақдирда, шунингдек, хўжалик бирлашмалари томонидан таъсис ҳужжатларига риоя қилинмаганда (корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралаштиш, уставда назарда тутилмаган фаолият турлари билан шугулланиш ва бошқалар) рўйхатга олувчи орган бирлаш-

мадан хўжалик суди орқали энг кам иш ҳақининг 100 барава-ри миқдорида жарима ундириб олишга ҳақлидир.

Жарима республика бюджети даромадига ўтказилади. Бундай даъволар билан хўжалик судига мурожаат қилишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг органлари давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

Агар хўжалик бирлашмалари улардан жарима ундириб олингандан кейин амалдаги қонун ҳужжатларини бузишни давом эттирсалар ҳамда таъсис ҳужжатларида белгиланган ваколатлардан четга чиқсалар, рўйхатга олувчи орган уларни тугатиш тўғрисидаги даъво билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик бирлашмалари қайта ташкил этилган ёки уларнинг тузилмасида, шунингдек, фаолият турларида ўзгаришлар юз берган тақдирда, улар бир ҳафта муддатда рўйхатдан ўтказган органга қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этадилар.

11. Ушбу Низом хорижий инвестициялар иштирокида тузилган хўжалик бирлашмаларига, шу жумладан, қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар, шунингдек, уларнинг таркибий бўлинмалари томонидан ташкил этилаётган хўжалик бирлашмаларига жорий этилмайди.

**Вазирлар Маҳкамасининг**  
1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарорига  
**1-ИЛОВА**

худудидagi хўжалик бирлашмаларининг  
**РЕЕСТРИ**

Реестр N \_\_\_\_\_ Реестр варақаси \_\_\_\_\_

Хўжалик бирлашмасининг номи \_\_\_\_\_

Рўйхатдан ўтказилган сана 199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Қайд этиш N ва реестрга киритилган сана	Фаолият тури	Хўжалик бирлашмаси- нинг манзили	Тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар
--	-----------------	--	--

**Вазирлар Маҳкамасининг**  
1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарорига  
**2-ИЛОВА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**Хўжалик бирлашмасининг рўйхатдан  
ўтказилганлиги тўғрисида  
ГУВОҲНОМА**

199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Мазкур гувоҳнома \_\_\_\_\_ да

(адлия органининг номи)

рўйхатга олинган \_\_\_\_\_ га

(хўжалик бирлашмасининг номи)

берилди.

Рўйхатдан ўтказилган сана

Реестр

199\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

N \_\_\_\_\_

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1997 йил 2 июль, N 336

*(Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 27 мартдаги қарорига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)*

*[Кўчирма]*

“Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантиришлар ва имтиёзлар тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш, қўшма ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишни ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий экспертизадан, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг биринчи раҳбарлари зиммасига уларнинг ходимлари томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва тегишли рўйхатдан ўтказишнинг тасдиқланган тартиби ва муддатларига қатъий риоя этилиши юзасидан шахсан жавобгарлик юклансин.

2. Муассислар таъсис шартномасида белгиланган муддатда устав жамғармасини шакллантириш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришган тақдирда, 1997 йил 1 январгача давлат рўйхатидан ўтган корхоналар учун, мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда амалда бўлган қонунчиликка муво-

фиқ, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мақоми ва кафолатлар сақлаб қолинсин.

Белгилаб кўйилсинки, таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни қайта рўйхатдан ўтказишни, шунингдек кўрсатиб ўтилган корхоналарни Давлат реестридан чиқаришни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари амалга оширади.

*Вазирлар Маҳкамасининг  
1997 йил 2 июлдаги 336-сон  
қарорига 1-ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикасида хорижий  
инвестициялар иштирокидаги корхоналарни  
ҳуқуқий экспертизадан, давлат рўйхатидан ўтказиш  
ва тугатиш тартиби тўғрисида  
Н И З О М**

**УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши жорий этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (бундан кейин Корхона деб аталади) жумласига қуйидагилар киради:

қўшма корхоналар, шунингдек акциялари улуши (пайи) хорижий юридик ва jisмоний шахсларга тегишли бўлган ҳужалик жамиятлари ва ширкатлар;

хорижий инвестициялар устав жамғармасининг 100 фоизини ташкил қиладиган хорижий корхоналар;

бош корхонаси республика ташқарисида жойлашган ва ҳужалик фаолиятини амалга оширадиган шуъба корхоналар ва филиаллар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг шуъба корхоналари филиаллари.

3. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар жумласига қуйидаги шартларга жавоб берадиган корхоналар киради:

корхонанинг устав жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;



корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;

хорижий инвестициялар улуши корхона устав жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Кўрсатиб ўтилган шартларга мувофиқ келмайдиган корхоналар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ва корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туманлар ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўyxатидан ўтказилиши керак.

*(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 мартдаги 134-сон қарори тахририда).*

4. Хорижий корхоналарнинг ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

#### **ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ташкил этилади ва ўз фаолиятини амалга оширади.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Корхона ташкил этиш ёки мавжуд Ўзбекистон корхонасини 20 млн. ва ундан кўпроқ АҚШ долларига тенг сумма билан баҳоланадиган инвестициялаш дастурига эга бўлган қўшма корхонага айлантириш тўғрисида қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ўзбекистонлик қатнашчи томонидан амалга оширилади.

7. Давлат рўyxатидан ўтказиш вақтигача Корхона устав жамғармасига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган устав жамғармаси миқдорининг камида 30 фоизини қўйиши керак.

Агар кўрсатиб ўтилган 30 фоиз 50 минг АҚШ долларига тенг суммадан ошса, у ҳолда Корхона давлат рўyxатидан ўтказиш вақтигача устав жамғармасига 50 минг АҚШ долларига тенг суммани қўяди. Вақтинчалик жамғариш счётларига қўйилмалар суммаси банк муассасаларининг тегишли ҳужжатлари билан тасдиқланади.

*(7-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 мартдаги 134-сон қарори тахририда).*

#### **ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ВА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этиладиган Корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва

ўнинг ҳудудий органларида (бундан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган деб аталади) давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида жойлашган, 500 минг АҚШ долларигача миқдорда устав жамғармасига эга бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги Корхоналар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар ҳокимликларининг адлия бошқармаларида ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасидан ҳамда давлат рўйхатидан ўтадилар.

Устав жамғармаси 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлган, шунингдек Тошкент шаҳрида жойлашган Корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтадилар.

10. Корхоналар ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;

б) таъсис ҳужжатлари (таъсис йиғилиши протоколи, таъсис шартномаси ва устав)нинг асл нусхалари ва биттадан нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) таъсис ҳужжатларида белгиланган устав жамғармаси миқдоридан 30 фоизи сўм ва валютадаги вақтинчалик жамғариш счётларига ўтказилганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати ёки дастлабки бадал ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига мол-мулк ёки асбоб-ускуналар келтирилганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати. Кўрсатилган 30 фоиз 50 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кўп бўлган тақдирда 50 минг АҚШ долларига тенг суммага банк тўлов ҳужжати;

г) корхонани рўйхатдан ўтказганлик учун белгиланган миқдорда давлат пошлиnasi тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати;

д) Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси ёки мазкур мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси бўлмаган тақдирда Россия Федерациясининг консуллик муассасаси томонидан тегишли таржимаси билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган хорижий муассис тўғрисида у рўйхатдан ўтган жойдаги савдо реестридан кўчирма ва банк тавсияномаси;

е) рўйхатдан ўтказилаётган корхона уставида фаолиятнинг лицензияланадиган тури мавжуд бўлган тақдирда амалдаги қонунчилик билан талаб қилинадиган ҳужжатлар.

11. Агар устав жамғармасига дастлабки бадал сифатида интеллектуал мулк қўйилса, у ҳолда Корхона рўйхатдан ўтказув-

чи органга Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг мазкур мулк баҳоси тўғрисидаги хулосасини тақдим этиши керак.

*(11-банднинг “в” кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 мартдаги 134-сон қарори тахририда).*

12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Корхона ташкил этишда ёки мавжуд Ўзбекистон корхонасини 20 млн. ва ундан кўп АҚШ долларига тенг бўлган суммада баҳоланадиган инвестициялаш дастури билан қўшма корхонага айлантиришда рўйхатдан ўтказувчи органга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг розилиги тақдим этилади.

13. Агар Корхонанинг Ўзбекистон томонидан муассиси давлат мулки шаклидаги ёки давлат мулки улуши иштирокидаги корхона бўлса, рўйхатдан ўтказувчи органга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий органларининг корхонага бериладиган мол-мулкни баҳолаш ва бериш тўғрисидаги қарори тақдим этилади.

14. Шуъба корхоналар ва филиалларни рўйхатдан ўтказишда қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси, мазкур мамлакатда Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси бўлмаган тақдирда эса Россия Федерацияси консуллик муассасаси томонидан таржимаси билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган хорижий фирманинг нотариал тасдиқланган уставининг нусхаси тақдим этилади.

15. Ўзбекистон Республикасида ишлаб турган корхонани хорижий инвестор томонидан тўлиқ ўз мулки қилиб сотиб олишда хорижий инвестор рўйхатдан ўтказувчи органга корхона эгаси билан келишилган тегишли шартнома матнини, мулкни ва фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олишда эса - мулк эгаси билан келишилган олди-сотди ёки ижара шартномасининг матнини тақдим этади.

16. Кўрсатиб ўтилган рўйхатдан ортиқча қўшимча материаллар сўраб олиш қатъиян тақиқланади.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини бузишда айбдор бўлган ходимлари маъмурий жавобгарликка тортилиши керак.

17. Қўшма корхоналар, уларнинг шуъба корхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун миллий валютада энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдоридagi пошлина, шунингдек 500 АҚШ доллари ундирилади. Пошлинанинг 20 фоизи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказлаштирилган счётига, қолган қисми республика бюджетига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганда) ёки Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

Хорижий корхоналарни, уларнинг шуъба корхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун 2000 АҚШ доллари миқдорига бож ундирилади. Бу маблағларнинг 15 фоизи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказлаштирилган счётига, қолган қисми республика бюджетига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганда) ёки Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

Давлат божининг чет эл валютасидаги кўрсатиб ўтилган суммаси Марказий банкнинг тўлов кунисидаги курси бўйича миллий валютада тўланади, бунда рўйхатдан ўтказувчи органга тўланган маблағларнинг қонунийлиги ҳақида ҳужжат тақдим этилади.

18. Таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказган ҳолда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ёки Корхонани юридик шахс сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан зарур ҳужжатлар илова қилинган ариза олинган вақтдан бошлаб 5 иш кунигача бўлган муддатда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган рўйхатдан ўтказиш учун киритилган ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келмаган тақдирда ҳужжатларни қайтадан киритиш учун пухта ишлашга қайтариш ҳуқуқига эгадир. Бундай ҳолларда у қайтариб юборишнинг аниқ мулоҳазалари рўйхатини ёзма ҳолда баён қилиши зарур.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан илгари аризачига ёзма равишда баён қилинмаган янги мулоҳазалар билдирилишига йўл қўйилмайди.

Агар ариза берувчи кўрсатиб ўтилган мулоҳазаларни бартараф этмаса, ҳужжатлар пухта ишлаш учун қайтарилиши мумкин.

Корхонанинг Уставда кўрсатилган фаолиятида фаолиятнинг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланган турларини амалга ошириш назарда тутилган ёки атайлаб қалбаки ҳужжатлар тақдим этилган тақдирдагина уни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигидан норози бўлган тақдирда суд органларига мурожаат қилишга ҳақлидир.

19. Рўйхатдан ўтказувчи орган давлат рўйхатидан ўтган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг Давлат реестрини юритади.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ҳокимликларининг адлия бошқармалари Корхона уставини рўйхатдан ўтказадилар. Рўйхатдан ўтказиш органларида Корхонанинг рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари нусхалари сақлаш учун қолдирилади.

21. Давлат рўйхатидан ўтган Корхонага Корхона уставининг рўйхатдан ўтказилган асл нусхаси, таъсис шартномаси ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида тегишли намунадаги гувоҳнома берилади. Ушбу ҳужжат рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарияти томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

22. Рўйхатдан ўтказилган Корхона бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Давлат статистика департаменти ёки тегишли ҳудудий органида унинг Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига киритилганлиги ва унга Корхоналар ва ташкилотлар умумреспублика классификаторининг идентификация кодлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олишга мажбурдир.

23. Корхона рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб бир ҳафта муддатда ўзи жойлашган жойдаги солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтишга мажбурдир.

24. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб турган Корхоналар таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда бир ҳафта муддатда уларни рўйхатга олган органга қайта рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;  
хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона юқори органининг ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги протоколи;  
ўзгартириш ва қўшимчалар матни;  
корхонанинг номи ёки ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси;

устав жамғармаси ўзгарган тақдирда устав жамғармасининг шаклланиши тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилади;

корхонанинг почта ва юридик манзилини тасдиқловчи ҳужжат;  
корхона қайта рўйхатдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги ҳақида банк томонидан берилган тўлов ҳужжати.

Муассислар таркиби ўзгарган тақдирда рўйхатдан ўтказишда муассислардан талаб қилинган ҳужжатлар ва чиқиб кетган муассиснинг розилиги ҳақидаги ҳужжат қўшимча равишда тақдим этилади.

Таъсис ҳужжатлари ўзгартирилганда ва унга қўшимчалар киритилганда, шунингдек корхонани қайта ташкил этишда корхона қайта рўйхатдан ўтказилади, бунинг учун рўйхатдан ўтказилганлик учун миллий валютада тўланадиган сумманинг 20 фоизи миқдорида бож ундирилади.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
1997 йил 2 июлдаги 336-сон  
қарорига 2-ИЛОВА**

**Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни  
ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида  
рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида  
Н И З О М**

1. Давлат рўйхатидан ўтган ва Корхоналарнинг давлат реестрига киритилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказувчи орган деб аталади) ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин.

2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани рўйхатдан ўтказиш ва уни тегишли рўйхатдан ўтказиш рақами билан ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари реестрига киритиш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ҳозир бўлиш тартибида корхона тақдим этган қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

- а) рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;
- б) раҳбар томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган белгиланган шаклдаги рўйхатдан ўтказиш карточкаси;
- в) корхона юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги еки унинг ҳудудий органлари томонидан берилган гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- г) рўйхатдан ўтказиш юзасидан кўрсатилган хизматлар учун йиғимнинг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисида банк томонидан берилган тўлов ҳужжати.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳужжатлар ариза берувчидан олинган санадан бошлаб 3 иш куни мобайнида уни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш ва унга вазирлик раҳбарияти томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган белгиланган намунадаги рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани беради.

4. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида тўлов ўндирилади, ундан рўйхатга олиш юзасидан кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ ишлаб чиқариш сарф-харажатларини қоплаш учун вазирлик томонидан мустақил равишда фойдаланилади.

5. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона юридик шахс сифатида қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда, у ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида ҳам қайта рўйхатдан ўтишга мажбурдир.

6. Корхона ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида ҳар йили қайта рўйхатдан ўтиши керак.

21. Давлат рўйхатидан ўтган Корхонага Корхона уставининг рўйхатдан ўтказилган асл нусхаси, таъсис шартномаси ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида тегишли намунадаги гувоҳнома берилади. Ушбу ҳужжат рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарияти томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

22. Рўйхатдан ўтказилган Корхона бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Давлат статистика департаменти ёки тегишли ҳудудий органида унинг Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига киритилганлиги ва унга Корхоналар ва ташкилотлар умумреспублика классификаторининг идентификация кодлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олишга мажбурдир.

23. Корхона рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб бир ҳафта муддатда ўзи жойлашган жойдаги солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтишга мажбурдир.

24. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб турган Корхоналар таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда бир ҳафта муддатда уларни рўйхатга олган органга қайта рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона юқори органининг ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги протоколи;
- ўзгартириш ва қўшимчалар матни;
- корхонанинг номи ёки ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси;

устав жамғармаси ўзгарган тақдирда устав жамғармасининг шаклланиши тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилади;

- корхонанинг почта ва юридик манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
- корхона қайта рўйхатдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорда давлат бож тўланганлиги ҳақида банк томонидан берилган тўлов ҳужжати.

Муассислар таркиби ўзгарган тақдирда рўйхатдан ўтказишда муассислардан талаб қилинган ҳужжатлар ва чиқиб кетган муассиснинг розилиги ҳақидаги ҳужжат қўшимча равишда тақдим этилади.

Таъсис ҳужжатлари ўзгартирилганда ва унга қўшимчалар киритилганда, шунингдек корхонани қайта ташкил этишда корхона қайта рўйхатдан ўтказилади, бунинг учун рўйхатдан ўтказилганлик учун миллий валютада тўланадиган сумманинг 20 фоизи миқдорида бож ундирилади.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
1997 йил 2 июлдаги 336-сон  
қарорига 2-ИЛОВА**

**Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни  
ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида  
рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида  
Н И З О М**

1. Давлат рўйхатидан ўтган ва Корхоналарнинг давлат реестрига киритилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказувчи орган деб аталади) ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин.

2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани рўйхатдан ўтказиш ва уни тегишли рўйхатдан ўтказиш рақами билан ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари реестрига киритиш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ҳозир бўлиш тартибида корхона тақдим этган куйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

а) рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;

б) раҳбар томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган белгиланган шаклдаги рўйхатдан ўтказиш карточкаси;

в) корхона юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий органлари томонидан берилган гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

г) рўйхатдан ўтказиш юзасидан кўрсатилган хизматлар учун йиғимнинг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисида банк томонидан берилган тўлов ҳужжати.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳужжатлар ариза берувчидан олинган санадан бошлаб 3 иш куни мобайнида уни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш ва унга вазирлик раҳбарияти томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган белгиланган намунадаги рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани беради.

4. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида тўлов ундирилади, ундан рўйхатга олиш юзасидан кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ ишлаб чиқариш сарф-харажатларини қоплаш учун вазирлик томонидан мустақил равишда фойдаланилади.

5. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона юридик шахс сифатида қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда, у ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида ҳам қайта рўйхатдан ўтишга мажбурдир.

6. Корхона ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида ҳар йили қайта рўйхатдан ўтиши керак.



**“ТОШКЕНТ ШАҲРИ КОРХОНАЛАРИ,  
МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИГА  
ФИРМАЛИ НОМ БЕЛГИЛАБ БЕРИШ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ”НИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАКИДА**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

1996 йил 30 декабрь N 417

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳудудий ташкиллантириш масалаларини ҳал этиш, топономик объектларнинг номларини белгилаш ва ўзгартириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ қарор қиламан:

1. “Тошкент шаҳри корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига фирмали ном белгилаб бериш тўғрисидаги Низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

*Тошкент шаҳар Ҳокимининг  
1996 йил 30 декабрдаги 417-сон қарорига  
илова*

**Тошкент шаҳрининг корхоналари,  
муассасалари ва ташкилотларига  
фирмали ном бериш тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Низом “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий ташкиллантириш масалаларни ҳал этиш, топономик объектларнинг номларини белгилаш ва ўзгартириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, VIII сон “Корхона, муассаса ва ташкилотларга ном бериш ва қайта номлаш” бўлими доирасида ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом, Тошкент шаҳри ҳудудида барпо этилаётган ва жойлашган, маҳаллий давлат бошқаруви идоралари, Адлия вазирлиги ва бошқа идоралар (матн давомида “Рўйхатга олувчи идора”) томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ рўйхатга олинувчи мулккий шаклидан ва идоравий тегишлилигидан қатъи назар барча корхона, муассаса ва ташкилотлар (матн давомида “Субъект”)-

нинг номларини белгилаш ва ўзгартириш ҳамда номларнинг тўғри ёзилиши якка тартибини белгилайди.

Тошкент шаҳар ҳудудида барпо этилаётган ва жойлашган, мулкый шакли ва идоровий тегишлилигидан қатъи назар барча ҳуқуқий шахслар, қўшма ва хорижий корхоналар ҳамда уларнинг шуъба корхоналари ва таркибий қисмлари, фирмали ном белгилаб бериш “субъект”лари ҳисобланади.

1.3. Республика тасарруфидаги корхона, муассаса, ташкилотларнинг номларини белгилаш ва ўзгартириш, тегишли назирлик таклифига биноан, Тошкент шаҳар Ҳокимлиги билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

1.4. Фирмали номларнинг ҳисобини олиб бориш, ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик далолатномалари билан мувофиқлаштирилади. Фирмали номлар фақат ҳуқуқий шахс ташкил этувчи “субъект”ларга берилади.

1.5. Тошкент шаҳри ҳудудида барпо этилаётган ва жойлашган “субъект”ларга фирмали ном бериш ва ўзгартириш, Корхоналарни рўйхатга ва савдо тармоқларини ҳисобга олиш бошқармаси (матн давомида “Ваколатли идора”) томонидан амалга оширилади.

1.6. Фирмали ном тўғрисидаги гувоҳнома, “субъект”нинг номи, ташкилий-ҳуқуқий кўриниши ва мулкчилик шаклини белгилаб берувчи асосий ҳужжат ҳисобланиб, “рўйхатга олувчи идора”да давлат рўйхатидан ўтиш (қайта рўйхатдан ўтиш) пайтига қадар расмийлаштирилади.

Фирмали ном тўғрисидаги гувоҳномани илгари олмаган субъектлар ўз номларини “ваколатли идора”да тасдиқлаб олишлари шартдир. Бунда, бир неча “субъект”ларнинг номлари гакрорланиши тақдирида, “рўйхатга олувчи идора”да биринчи бўлиб Давлат рўйхатидан ўтган “субъект”нинг номи тасдиқланишига имконият яратилади.

1.7. “Ваколатли идора”, Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган “субъект”ларга белгилаб берилган фирмали номларнинг умумшаҳар реестрини олиб боради.

## **2. ФИРМАЛИ НОМЛАРГА НИСБАТАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

2.1. “Субъект”га белгилаб бериладиган фирмали ном оддий, қисқа ва илмий топономика талабларига жавоб берадиган бўлиши зарур. “Субъект”нинг номи қисқартирилган ва шартли кўринишда белгилаб берилиши мумкин.

Фирмали номлар, уларнинг қисқартмалари ва уларнинг транскрипцияларини текшириш (ҳамда зарур ҳолларда таҳрирлаш) “ваколатли идора” томонидан амалга оширилади.

2.2. “Субъект”га фирмали ном белгилаб берилганда (ўзгартирилганда), унинг худудий жойлашувини географик, тарихий ва миллий томонлари, фаолият тури ва идоравий тегишлилиги инобатга олинади.

2.3. Фирмали ном Давлат тилида (шахсий номлар ҳамда давлат тилига таржима этилмайдиган сўзлар ва терминлар бундан истисно), давлат тилининг лотин алифбоси қўлланилган ҳолда белгилаб берилади. Аризачининг истагига биноан кириллица ҳарфлари ҳам қўлланилиши мумкин. “Субъект”га белгилаб берилган фирмали ном бошқа тилларга таржима қилинмайди ва фақат унинг транскрипциясидан фойдаланилади.

Хорижий тиллар, фақат чет эл корхоналарининг ваколатхоналари ва хорижий сармояли бошқа корхоналарга ном белгилаб берилганда қўлланилиши мумкин.

2.4. “Ваколатли идора”га ариза топширилган кунга келиб, илгари бошқа “субъект”ларга белгилаб берилган фирмавий номларни “субъект”га белгилаб берилишига йўл қўйилмайди.

2.5. “Субъект”нинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва бошқаруви ҳамда маҳаллий бошқарув идораларига тегишлилигини билдирувчи қисқартма ва терминлар (Ўзбекистон, Республика, Давлат, Ҳокимлик, Тошкент ҳамда вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, вазирликлар ва идоралар номлари) қўлланилган фирмали номлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ҳокимликларининг тегишли қарорлари, вазирликлар ва идораларнинг буйруқларига, ёки улар билан тегишли келишувларга мувофиқ белгилаб берилиши мумкин.

“Субъект”нинг фирмали номида интер, импекс, ташқи иқтисодий каби сўз туркумлари ва терминлари (шу жумладан уларнинг синонимлари) фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига ҳамда вазирликлар ва идораларнинг буйруқларига мувофиқ қўлланилади.

“Субъект”нинг фирмали номида, унинг ташкилий-ҳуқуқий кўриниши ҳамда мулкчилик шаклини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

2.6. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ махсус рухсатномалар талаб қиладиган фаолият турлари билан шуғулланишини бевосита кўрсатувчи сўз ва терминлар, “субъект”нинг фирмали

номида, фақат шу рухсатномаларни беришга ваколат этилган идоралар билан ёзма келишувларга мувофиқ қўлланилиши мумкин.

2.7. Фирмали номда рақамлар ва литерлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Бу модда махсуслаштирилган давлат субъектларига (дорихона, мактаб, техникум, қурилиш бошқармалари, ПМК ва ҳ.к.) нисбатан қўлланилмайди.

2.8. “Субъектлар”га давлат, жамоат, сиёсий арбоблар, Ваган ҳимоячилари, Меҳнат қаҳрамонлари, фан, маданият арбоблари ва бошқа хизмат кўрсатган шахсларнинг номи фақат улар вафотидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилиши мумкин.

### **3. ФИРМАЛИ НОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ВА ГУВОҲНОМАЛАРНИ БЕРИШ ТАРТИБИ**

3.1. Фирмали ном тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун “субъект” “ваколатли идора”га белгиланган намунадаги ариза топширади. Ариза намунаси “ваколатли идора” томонидан белгиланади. Аризалар ва тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш пайтида, “субъект”нинг айрим белгилари (ташкилий-ҳуқуқий шакли, мулкӣ шакли ва ҳ.к.)ни аниқлаш мақсадида, “ваколатли идора” қўшимча ҳужжатлар ва келишувлар талаб қилишга ҳақлидир.

3.2. Фирмали ном тўғрисидаги гувоҳномаларни расмийлаштириб бериш пуллик хизмат бўлиб, “ваколатли идора” томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳисобномага мувофиқ, унинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш ёки нақд пул тўлаш (халқ банки бўлинмалари орқали) йўли билан амалга оширилади.

3.3. Аризаларни кўриб чиқиш муддати икки кун бўлиб, шундан сўнг “субъект”га фирмали ном тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштириб берилади. Фирмали ном тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилаётганда сўз боши ва ёзув ҳарфлари ўртасидаги фарқ инobatга олинмайди.

“Субъект”нинг аризаси, ваколатли идора олиб борадиган фирмали номлар умумшаҳар реестрининг рўйхатномаси бўйича кўриб чиқилади.

“Субъект” томонидан тақлиф этилган фирмали ном, ушбу Низомнинг 2-бўлими талабларига жавоб берса ва илгари тасдиқланган фирмали номларнинг умумшаҳар реестрида қайд этилмаган бўлса, аризачига тегишли гувоҳнома расмийлаштириб берилади. Белгилаб берилган фирмали ном умумшаҳар реестрига киритилади.

3.4. Агар, “субъект” томонидан тақдим этилган ном қайтарилаётган бўлса ёки ушбу Низом талабларига жавоб бермаса, ваколатли идора асосланган расмий рад жавобини беради, “субъект” эса қайтадан бошқа ном кўрсатилган ариза тақдим этади.

3.5. Матни ўзгартирилган ва тўғриланган фирмали ном тўғрисидаги гувоҳномалар ҳақиқий ҳисобланмайди.

3.6. “Ваколатли идора”, “субъект”нинг номи этика ва эстетика тартиб-қоидаларига мувофиқ келмаган ҳолларда, фирмали номини тасдиқлаб беришни рад этишга ҳақлидир.

3.7. “Ваколатли идора”, “субъект”ларнинг фирмали номлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари, муҳрлари, фирмали қоғозлари ва ҳ.к.ларига мувофиқлигини текширишга, номувофиқлик ҳоллари аниқланганда эса “субъект”нинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги қарорни бекор қилишни тавсия этиши ҳамда тегишли идораларга, “субъект”ни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиш тўғрисида тавсияномалар йўллашга ҳақлидир.

**XI БОБ.**

**КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ  
ВА ТУГАТИШ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН

1995 йил 21 декабрь № 163-1

1996 йил 29 август № 256-1

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 357-1; 1997 йил 30 августдаги 485-1-сон 1998 йил 1 майдаги қонунларига биноан киритилган ўзгартиши ва қўшимчалар билан)*

[Кўчирма]

### **49-модда.** Юридик шахсни қайта ташкил этиш

Юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

